

МУРОД  
ШАРИФХҲҲАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
СЕНАТИ





**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
СЕНАТИ**

Тақризчилар:

М.А. РАЖАБОВА,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик  
ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори,  
Ф.Ҳ. РАҲИМОВ,

юридик фанлари доктори,

И.М. СОБИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва  
хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси,  
юридик фанлари номзоди

*Сенат — юқори палата, яъни Олий Мажлисининг икки палатасидан бири. Парламент ва парламентаризм назариясида палаталар мақоми уларнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-сиёсий яхлит мақомлари, таркибий элементлари, палаталар аъзолари ҳар бирининг шахсий мақомлари диалектикасининг уйғунлиги мажмуи, деб қаралади. Ушбу контекстда ижтимоий ва давлат — ҳокимият муносабатлари тизимида Олий Мажлис юқори палатаси — Сенатнинг ўрни, роли ҳамда ваколатлари муаммоларини, конституциявий-ҳуқуқий асосларини, Ислоҳ Каримовнинг теран сиёсий-ҳуқуқий таълимоти негизда палаталарнинг Ўзбекистон қонунчилиги назарда тутган вазифалари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, Сенат аъзолари ва демократик туб ислоҳий янгиланишлар шароитида Сенат Девони обрў-нуфузининг муқаррар ошиши қонуниятлари, сабаб-оқибатларини муштарак яхлитликда ретроспектив ва перспектив йўналишида махсус тадқиқ этилади.*

*Тадқиқ ва таҳлилий умумлашма жараёнида Сенатнинг Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимида ўзига хос ҳудудий вакиллик органи мақомидаги янгича тузилма — институт эканлиги ҳисобга олиниб, анъанавий тадқиқотнинг синашга илмий-назарий ва маърифий-услубий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Бунинг яна бир асосли сабаби — ушбу китобнинг ҳам Сенат аъзоларига, ҳам кенг китобхонлар оммасига махсус мўлжаллангани. Мақсад — аҳолининг барча қатлам ва гуруҳларига ҳамма учун мутлақо янгилик бўлган Сенат институти ҳақида тарихий-замонавий йўсинда умумназарий ҳамда умумамалий маълумотлар бериш, Сенат фаолиятини шакллантириш, демократик такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш, юқори палатанинг миллий парламент тизимидаги қонуний ўрнини, ҳуқуқий-стратегик мақомини янада аниқ белгилашдир.*

## БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовийи  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма  
мажлисидаги маърузасидан (2005 йил 28 январь)**

*Ҳурматли депутатлар!*

*Қадрли дўстлар!*

*Авваламбор, сиз, азизларни Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси, деган юксак номга, халқимиз ишончига сазовор бўлганингиз билан табриклар, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдиришга рухсат бергайсиз.*

*Илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, ғоят муҳим ўрин эгаллади, десак, ҳеч муболаға бўлмайди.*

*Конституциямиз, республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қондаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиқлик ва сиёсий бағрикенглик шароитида ўтган сайловлар, мамлакатимиз демократик қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.*

*Бугун Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларга яқун ясар эканмиз, қуйидаги хулосаларни чиқаришимизга тўлиқ асос бор.*

***Биринчидан,** ушбу сайловлар биз учун чинакам демократик тамойиллар, сайловнинг меъёр ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда яхши мактаб вазифасини ўтади.*

***Иккинчидан,** мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловлар ўтказиш бўйича қабул қилинган кўп жиҳатдан ўзига хос тизим ҳамда сайловлар жараёнининг ўзи республикамизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг кескин жонланиши ва фаоллигини кучайтиришда, ай-*

тиш керакки, уларнинг масъулияти ортишида ғоят кучли омил бўлди...

**Учинчидан,** сайловларни ўтказиш жараёнида сайловчиларимиз ўзларининг сиёсий ва фуқаролик савияси етуклигини, ўз ҳаёти, ўз келажagini умумэътироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоён этдилар.

**Тўртинчидан,** бўлиб ўтган сайловлар яна бир ҳақиқатни яққол тасдиқлади: мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди. Шундай, деб айтишга бугун бизнинг барча асосларимиз бор.

**Ва ниҳоят,** бўлиб ўтган сайловлар аввалгиларидан, наинки, очиқлиги ва кескин кураш олиб борилиши билан, балки, аввало, аксарият сайловчиларнинг бу жараёнлардан ҳар томонлама хабардорлиги, уларга онгли муносабати билан ҳам тубдан фарқ қилади.

Фуқароларимиз сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига, демакки, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашдилар. Бу ҳам бизнинг энг катта ютуқларимиздан биридир.

*Ҳурматли халқ вакиллари!*

Бугун мен Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисида сўзга чиқар эканман, асосий мақсадим — жамиятимизни демократлаштириш ва янгиланишнинг концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича олдимизга қўйиладиган асосий вазифаларни қисқача баён этишдир.

Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир...

Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз...



Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов  
Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида нутқ сўзламоқда.



Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлиси.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов  
Сенат биноси қурилишида.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов  
Сенатга оқ йўл тиламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов  
Сенат биноси билан танишмоқда.





Бугун, ҳамма бўлмаса ҳам, лекин кўнчилик одамлар яхши англайдик, фақат замон билан тенг қадам ташлаган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин.

Шу маънода мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим.

*Муҳтарам депутатлар!*

Биз бугун ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш ҳақида гапирар эканмиз, ўз олдимизга қўйган қуйидаги устувор вазифа ва йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

**1. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлиши мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат.**

*Шу борада:*

Президент ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қўйи — Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш;

иккинчидан, Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ қонуний чора-табдирларни амалга ошириш.

Биз олдимизга қўйган мақсадни соддагина ифодаламоқчи бўлсак — ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими — буларнинг барчаси қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт. Яъни ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор.

*Икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад:*

**Биринчи** — парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қили-

ши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш.

**Иккинчи** — Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш.

**Учинчи** — Сенат, асосан, маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларида иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инobatга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфатларнинг мутаносиблигига эришиш.

**Тўртинчи** — аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш.

Айнан шу мақсад юқори палата — Сенатнинг вилоят, шаҳар ва туман вакиллик органлари депутатларидан сайланиши замирида ҳам мужассам.

Юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”, деган тамойилни ўзида ифода этади.

Бунда нималар назарда тутилмоқда?

**Авваламбор**, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш.

Яна бир муҳим вазифа — ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим.

**Иккинчидан** — сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларини қабул қилишидаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш.

Шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиши, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак. Дастури ва йўналишидан қатъи назар, шак-шубҳасиз, барча партияларимиз мана шундай йўлни босиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга.

Мен шу борада аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор бераётганимизни ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ҳеч шубҳасиз, менинг назаримда, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ошиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади.

Айни вақтда, имкониятдан фойдаланиб, ноҳукумат жамоат тузилмаларини шакллантириш жараёнига хос баъзи масалалар хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

Шуни ҳам таъкидлашга тўғри келадики, уларнинг айримларини, аввало, турли ҳомийлик кўмагида тузилган нодавлат но-тижорат ташкилотларини текшириш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бундай ташкилотлар фаолияти улар рўйхатдан ўтиш чоғида тақдим этган низом ва дастурлари доирасидан анчагина четга чиқиб кетмоқда ва муайян буюртмага асосланган мақсадларни кўзламоқда.

Табииyki, биз бундай ҳолатлар билан мураса қила олмай-миз. Қонунчилигимизга зид бўлган бу каби лойиҳаларнинг Ўзбекистонда келажаги йўқ эканини айтишга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Яна бир бор такрорлайман, биз мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларида турли инқилоблар ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қаршимиз.

Маълумки, инқилоблар, одатда, ҳамма даврларда ҳам зўравонлик, қон тўкиш ва аждодлар яратган барча нарсани жоҳиллик билан вайрон қилиш воситаси ва қуроли бўлиб келган.

Ақидапарастлик эса, у қандай қиёфада бўлишидан қатъи назар — бу диний ақидапарастлик бўладими ёки коммунистик ақидапарастлик бўладими — ўз мафкурасига, ҳаётга қарашларига мос келмайдиган ҳамма нарсани инкор этади ва “кимки биз билан эмас экан, у бизга қарши”, деган тамойил асосида ҳаракат қилади.

Ишончимиз комилки, демократияни ва турли “очиқ жамият моделлари”ни экспорт қилиб бўлмаганидек, давлат қурилишининг универсал лойиҳасини ҳам ташқаридан импорт қилиш ёки тиқиштириш мумкин эмас. Аслида ҳаммага бирдек маъқул бўладиган бунақа моделнинг ўзи умуман йўқ.

Лунда қилиб айтганда, биз тадрижий, яъни эволюцион изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислоҳот ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Фақат бу янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши даркор...

**Қадрли дўстлар!**

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида икки палатали парламентнинг фаолият юритиши барчамизнинг олдимизга янги талаблар қўяди, зиммамизга катта масъулият юклайди.

Депутатларнинг Қонунчилик палатасида доимий ва профессионал асосда ишлаши биз учун мутлақо янги, тажрибамизда синалмаган фаолият шаклидир. Шу маънода, қонунчилик ҳокимиятини бундай шаклда, бундай асосда ташкил қилиш барчамиздан нечоғли сафарбарликни талаб этишини ўзимизга тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Айни пайтда, бу юқори палата — Сенатда ҳам мутлақо янги бўлган ишни ҳар тарафлама ўзлаштириб олишимизни талаб қилади.

Энг муҳими, парламентимизнинг қуйи ва юқори палаталарининг бир-бирини тушуниб, баҳамжihat, самарали ишлашини таъминлаш учун икки томондан ҳам ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат кўрсатиш кераклигини ҳаммамиз яхши англаймиз, деб ўйлайман.

Бу ҳақда гапирганда, бир томондан, барчамиз олдимизда турган вазифа нақадар мураккаб ва масъулиятли эканини чуқур ҳис қилишимиз лозимлигини, бизнинг ишимизни, нафақат, сай-

ловчилар, нафақат, халқимиз, балки кўп-кўп мамлакатларнинг жамоатчилиги ҳам диққат билан кузатиб боришини таъкидламоқчиман.

Иккинчи томондан эса, муҳтарам депутатлар ва сенаторлар, бугун сизларнинг барчангизга мурожаат қилиб, масъулиятли фаолиятингизга бардам ва тетик кайфият билан, ўз кучингиз ва эртанги кунга ишонч билан қараган ҳолда киришишингизни тилайман.

Шуни асло унутмаслигимиз керак — биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам...

## МУҚАДДИМА

*“Юқори палата, авваламбор,  
Россиядаги Федерация Кенгаши ёки  
Франция Сенати, АҚШ Сенати  
каби фаолият юритиши зарур”.*

*Ислом КАРИМОВ*

Мустақил Ўзбекистон ўз йўлбошчиси раҳбарлигида миллий демократик тараққиёт йўлидан олға бормоқда. Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек конституциявий мақсад истиқлолча миллий тараққиётнинг ўзига хос, ўзига мос машҳур **“ўзбек модели”** асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич тубдан ислоҳ қилиш, давлат қурилиши ва бошқарувини институционал такомиллаштириш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, мамлакатни модернизация қилиш, **“Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”** сиёсий қурилиш дастури стратегияси ҳамда тактикасини белгилаб берди. Ушбу стратегия ва унга муносиб тактика назарияси ҳамда амалиёти Ислом Каримовнинг яхлит квинтэссенциядан иборат теран сиёсий таълимоти маҳсули бўлиб, ҳозирги замон сиёсий-ижтимоий тафаккури такомиллига кўшилган салмоқли ҳиссадир.

Дарҳақиқат, маърифий дунёнинг, мутафаккир тарихнинг қадим ва фавқулодда бой сиёсий фалсафаси XX аср сўнгги ўн йиллиги ва XXI аср ибтидосида замонавий ўзбек миллий давлатчилиги асосчиси Ислом Каримовнинг моҳиятан мутлақо янгича, оҳорли сиёсий ғоялари, қарашлари — сиёсий таълимоти, сиёсий назарияси билан бойиди. Сиёсий-ижтимоий та-

факкур, ақлий ривож тарихининг умумтан олинган бу янги саҳифаси ўлароқ, цивилизация олами замон мутафаккирини, янгича сиёсий тафаккур соҳибини кашф этди. Ислом Қаримовнинг теран шаклланган сиёсий назарияси ўлароқ, улкан имкониятлар мамлакати — озод ва обод Ўзбекистон ўз ривожининг ҳозирги янги сифат босқичида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган фаровон марраларга етишдек стратегик мақсад йўлида жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг ялпи сиёсий-ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституциявий принципига амал қилинишини, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг Конституция ҳамда қонунларда белгиланган ўз ваколатларини тўлиқ адо этишларини таъминлаш, давлат қурилиши ҳамда бошқарувини ташкилий-институционал янада такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ҳамда ислоҳ қилишга киришди.

Илк бор икки палатали парламент (**қуйи палата — Қонунчилик палатаси ҳамда юқори палата — Сенат**)нинг ташкил этилганлиги мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгарилаб бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **“Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”** дастурий маърузасида И.А.Қаримов демократик истиқбол стратегияси билан боғлиқ устувор вазифа ҳамда йўналишларни белгилаб берди. Жумладан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ҳамда таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб, барқарор мувозанатга эришиш, деб эътироф қилинди. Икки палатали парламентни барпо этиш мақсадлари, йўналишлари белгиланиб, вазифалар аниқланиб олинди ва улар асосида Қонунчилик палатаси

доимий ишлайдиган профессионал парламент, Сенат эса ҳудудий вакиллик палатаси мақомларида ўз фаолиятларини бошлашди.

Икки палатали профессионал парламентнинг, хусусан, унинг юқори палатаси — Сенатнинг ташкил этилгани цивилизациялашган демократик дунё сиёсий-ҳуқуқий тизимида борган сари кенг тарқалиб, халқаро миқёс, халқаро нуфуз касб этаётган парламентар йўналишнинг умуммуштарак миллий яхлит ташкилий ифодаси ҳисобланади. Бунинг умумтан олинган холис сабабалари бор. Улар:

**Биринчидан**, глобаллашаётган дунё қатъий тартиб, демократиянинг умумтан олинган тамойиллари асосида яшаш маданияти — кўникмаси тақдирнинг ягона муқобилсиз неъмат эканлигини масъулият билан янада теранроқ англаб ета бошлади. Ривожланган давлатлар демократик цивилизация йўлидан онгли равишда кучларни мутлақо янгича тартиблар ҳамда истиқболли талаблар негизида миллий ва умуммақсадлар во-басталигида бирлаштиришга киришдилар (масалан, Европа Иттифоқи). Бу эса табиий равишда мақсадлар умуммуштараклигига олиб келди ва ўзининг тарихда муқобили йўқ ҳодиса сифатидаги аниқ ташкилий ҳамда демократик-ҳуқуқий мақомини тақозо этди. Бирлашаётган Европа парламенти юзага келди. Унинг ҳозирги энг тақдириломон фаолияти меваси — Европа Иттифоқи Конституцияси бўлди.

**Иккинчидан**, жаҳон харитасида демократик ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаган янги дунёвий давлатлар пайдо бўлди. Натижада замонавий тарих икки парадоксал ҳодисани кечинди. Биринчи — дунёнинг онгли бирлашиш сари интилиши, иккинчиси — ажралиб туриб яқинлашиш истиқболи. Иккала ҳодиса ҳам демократик цивилизацияда ноёб ҳодисадир. Ҳамма гап — даврнинг ана шу қонунияти диалектикасини, қисмат стратегиясини вақтида тўғри англаб, тўғри хулоса чиқара билишда. Демократик тақдир истиқболнинг бошқача муқобил йўлини ҳозирча замонавий цивилизация кашф этгани йўқ, шекилли. Глобал жараёнлар давлат ва жамият қурилиши ҳамда бошқарувини ташкилий-тизимий, мақомий такомиллаштиришга табиий эҳтиёж туйди. Бу, аввало, ҳуқуқий май-



донда расмий тасдиғини топиши муқаррар эди. Ана шундай ҳуқуқий майдон парламент ва парламентаризм олдига ҳам ташқи сиёсат, ҳам ташқи иқтисодий, ҳам халқаро ҳуқуқ борасидаги фаолият маконини, кўламини янада кенгайтириш талабини қўйди. Талаб амалиёти бошланди: юзага келган ва яна келиши муқаррар парламентлараро иттифоқ, парламентлараро ассамблеялар миллий парламентлар фаолияти доирасини кенгайтириб бормоқда.

**Учинчидан**, парламентаризм ғоялари, хусусан, икки палатали парламентнинг юқори палатаси — Сенат амалиёти ва умумтан олинган демократик тамойилларининг давлатлару қитъалар оша кенг тарқалиб, тамаддун дунё томонидан тан олинаётгани уни ижтимоий тараққиёт истиқболининг ҳаракатчан қудратли омилига айлантирди.

**Тўртинчидан**, давлатнинг, жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий барқарорлиги, дунёвий ривожланиш истиқболи кафолати, таъмини, аввало, мавжуд сиёсий режим, аниқроғи, сиёсий тизимнинг танланган демократик усулларига боғлиқ бўлиб қолди. Демократик дунёда ана шундай синашта сиёсий тизим — парламентаризм, жумладан, Сенатдир.

**Бешинчидан**, ҳокимиятлар бўлиниши принципига қатъий риоя этилгани ҳолда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги барқарор мувозанатни, бир-бирини тийиб туришдек талабни таъминлаш демократик ҳуқуқий дунёвий давлатнинг табиий эҳтиёжига айланди. Бу, аввало, конституциявий-ҳуқуқий асосларни юридик мустаҳкамлашни, такомиллаштиришни тақозо этади. Ушбу асослар бевосита қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатига киради. Демак, аввало, ҳокимиятнинг ана шу тармоғи ҳамини табиий ислоҳга муҳтож. Зеро, парламент фаолиятини демократик такомиллаштириб, самарадорлигини, малакавий сифат даражасини тинмай ошириб бориш, қонун чиқарувчи ҳокимият билан ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари уйғунлигини таъминлаш узлуксиз фаол ислоҳий жараёндир. Демократик тараққиёт йўлидан бораётган, шу йўлни танлаган ҳар бир дунёвий давлат учун ушбу жараён табиий ҳодисадир. Ўзбекистон ана шу умумдемокра-

тик такомил цивилизациясидан четда қолмади, қолмаяпти. Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек конституциявий мақсад, Ўзбекистоннинг ўз тарихий давлатчилик анъаналари, халқ менталитетининг миллий ўзига хослиги, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг “ўзбек модели” стратегияси амалиётининг янги сифат даражаси, турмуш шароитининг ўзгариши, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини яхши билиб олган одамларнинг сиёсий-маънавий, ғоявий-мафқуравий юксак плюралистик онги, замонавий жаҳоний-ҳуқуқий теран тафаккури, иқтисодиёт демократияси бўлмиш бозор муносабатларига кўникмаси, жамият ҳаётининг барча соҳаларини, хусусан, сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш устуворликлари **“Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”** сиёсий қурилиш дастури амалиёти силсиласида миллий парламентни ҳам шаклан, ҳам мақомий, ҳам таркибан ислоҳий такомиллаштириш омиллари бўлди.

Бугун Ўзбекистон икки палатали парламент, жумладан, парламентнинг юқори палатаси — Сенатнинг иш бошлагани ўлароқ, ўз миллий тараққиётининг янги цивилизация босқичига кўтарилди. Бунинг асл объектив асос-сабаблари қуйида махсус бобда бирма-бир илмий-амалий исботини топган. Зеро, икки палатали парламент, жумладан, Сенат қонунчилик жараёнида популизм (ўз-ўзини мақташ ва ваъдалар бериш эвазига машҳур бўлишга интилиш)дан, лоббизм (ўз манфаатларини давлат ҳокимияти орқали тиқиштириш) ва конъюктурчиликдан ҳимоя қилувчи қўшимча филтер — тозалаш вазифасини бажаради, бир палатали парламент билан ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ҳар хил келишмовчиликларнинг олдини олади, қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижро этувчи ҳокимият, яъни парламент ва ҳукумат вазифалари-ю ваколатларини чеклаш имконини беради, ҳокимият тармоқларининг ўз ҳуқуқ-мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар ва кафолатлар яратади, уларнинг мувозанатини таъминлайди, жамият ҳаётининг демократик кўзгусига айланади.

Ўзбекистон конституциявий давлат сифатида, авваламбор, мазкур ислоҳий ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга киришди. 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ Референдуми икки палатали парламентга ўтишни маъқуллади: “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни қабул қилинди. Қонун Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишнинг ҳуқуқий имконини берди ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонунлар учун расмий юридик асосга айланди. Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлисининг ҳудудий вакиллик палатаси — Сенатнинг мақоми, ваколатлари, вазифалари, таркиби, уни шакллантириш тартиби ва ташкилий тузилиши ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар асосида ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан юқори палата — Сенатга сайловлар ҳамда сенаторларни сайлаш ва тайинлаш муддатлари, тартиб-тамойиллари аниқ расмийлаштирилди. 2004 йил 2 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

2004 йил 26 декабрда ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлангандан сўнг, маҳаллий Кенгашларнинг қўшма мажлисларида депутатлар орасидан ҳудудлардан 6 нафардан — 84 депутат Сенат аъзолигига сайланди, 16 та сенатор Президент Фармони билан тайинланди. Ана шу тариқа 100 та аъзодан иборат мамлакатимиз Сенати иш бошлади.

Сенатнинг ташкил этилиши мамлакат қонун ижодкорлигига ҳудудларнинг таъсирини кучайтириб, юқори палата томонидан маъқулланган ва ҳудудлар манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунлар орқали халқ ўз хоҳиш-иродасини тўлиқроқ ифодалаш имконини бериши муқаррар.

Антик ва демократик дунё Сенатчилигининг бой тарихий тажрибасини ижодий мукамал ўрганиш ҳамда ташкилий-мақомий ўзлаштириш негизида давлатчилигимиз анъаналари (масалан, Амир Темурунинг машваратлари) ва миллий менталитетимиз хусусиятлари вобасталигида ташкил этилиб, фаолият бошлаган Олий Мажлис Сенати ҳақидаги мазкур китоб мундарижаси Сенат тарихини, мақоми-ю ваколатларини ретроспектив тарзда мухтасар ўрганишдан, юқори палатанинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг теран шакланган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотини, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ташкилий таркиби, фаолият кўлами, иш услуби, меъерий-ҳуқуқий базасини махсус бобларда тадқиқ этишдан ташкил топган.

## **І Б О Б**

### **СЕНАТ: ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКЦИЯ**

Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш, юқори палата — Сенатга асос солиш, унинг фаолиятини йўлга қўйиш табиий ҳолда Сенат тарихини мухтасар бўлсада, ўрганишни талаб қилади.

Маълумки, тарихи минг йилдан ҳам қўп Сенат (қадим Рим Сенати) сиёсий институт мақомида ташкил топиш, ривожланиш ва такомиллашув босқичларида шаклланиш, мустақамланиш, чексиз-чегарасиз ҳокимиятга эга бўлиш амалиётини, шунингдек, турли-туман ички низолар, келишмовчиликлар, репрессиялар, мутлақ қарамлик жараёнларини кечинди. Фақат бир ҳақиқат — Сенатнинг демократик сиёсий институт эканлиги ҳақидаги комил тушунча то ҳануз ўзгармаслигича қолмоқда. Асрлар оша умумтан олиниб келинаётган бу феномен давлатчилик тарихида, бошқарув иерархиясида рости билан ҳам ноёб, нодир ҳодисадир. Айнан шу боис дунёлар демократик цивилизациялар тарихи оша ушбу ҳодисага имкони борича янгидан бот-бот қайтаверади, бот-бот ўзини тарихан синовдан ўтказаверади.

Тарихан такрорланиб, тарихан такомиллашиб, ороланиб бораётган бу мутлақ қонуният сири нимада? Ибтидоси миллоддан аввалги VIII асрларга бориб тақалувчи Сенат тарихи, унинг антик дунёдаги мақомлари-ю ваколатлари нималарда бўлган? Нега минг йиллар оша Сенат институти унутилмасдан, аксинча, ҳозирги ривожланган дунёнинг деярли барча давлатлари қурилиши ва бошқарувида энг синашта демократик тизимлигича ўзгармасдан қолмоқда?

Ушбу саволларга китобимизнинг яхлит мундарижасида

жавоблар берилган. Лекин барча жавобларнинг ибтидоси, табиий равишда, Сенат тарихидан бошланади.

Сенат тарихи, унинг шаклланиш ва такомил жараёнлари ҳамда босқичлари — бу жаҳон парламентаризмининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихидир. Қадим Туронда (“Авесто”-да мавжуд сиёсий-ҳуқуқий ғоялар), қадим Эллада ва Спарта давлатларида, кўҳна Римда юзага келган халқ йиғинлари, оқсоқоллар кенгашлари бани башарнинг демократик цивилизацияси ибтидоси бўлган. Қадим Халқ йиғинларини, Оқсоқоллар кенгашларини ҳозирги парламент институтининг ўзига хос ибтидоий шакли, дейиш мумкин. Ана шу тариқа илк бор ибтидоий парламентаризм юзага келган ва буни парламентаризм тарихида **дастлабки ибтидоий босқич**, деб атаса бўлади. Айнан шу илк босқичда қадим Римда Сенат тизими шаклланди ва **“Сенат” атамаси** истеъмолга кирди.

Маълумки, ҳар бир цивилизация жаҳон тарихи ва маданиятига ўзига хос ва ўзига мос ҳиссасини қўшиши аниқ. Қадим юнон ва рим халқларининг жаҳон тарихини фавқулодда бойитган тарихий ютуқлари — бу уларнинг давлатларидир. Юзлаб, минглаб авлодлар томонидан барпо этилган ва кўз қорачиғидек асраб-авайланган давлат тизимлари қадим Афина, қадим Спарта, қадим Римга юзлаб йиллар давомида мустақам давлат сифатида шон-шуҳратга қўмилишдек тарихий доврўқни насиб этди. Айниқса, жаҳон салтанатига айланган қадим Рим империясида. Айнан шу боис ҳам бу антик мамлакатларда мавжуд бўлган давлатчилик тизими механизмларини, уларнинг ташкил топиши ва ривожланиши, такомилли, механизмларнинг ўзаро ички алоқалари ҳамда бир-бирига боғлиқлигини, фаолиятлари мундарижасини ретроспектив махсус ўрганишга эҳтиёж юзага келади. Жумладан, Сенатнинг тарихий-гносеологик мақом ва ваколатлари билан ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг функционал вазибалари ўртасидаги муштарак жиҳатларни қиёсий-типологик ўрганиш ҳамда илмий-амалий умумлашмалар, хулосалар қилиш орқали анъанавий Сенат институтини ташкилий-мақомий жиҳатдан янада такомиллаштиришга сафарбар янги ғоялар заҳирасини таклиф қилиш табиий заруратга ай-

ланди. Ана шу усул билан биз кўҳна мозийдан бугунги кунга, эртанги истиқболга кўприк ташлаш ниятида Сенат тарихига мурожаат қилишни эҳтиёж, деб топдик.

Сенат тарихи билан боғлиқ гап илмий адабиётларда, одатда, қадим Римдан бошланади. Бу аслида тўғри ҳам. Чунки, биз билган, тушунган Сенат антик давлат қурилиши ва бошқарувининг анъанавий сиёсий институти сифатида айнан шу атамада илк бор қадим Римда шаклланган. Бу қадим Римгача, ҳатто, ундан ҳам олдинги даврларда Сенат мақомига хос тузилмалар бўлмаган, дегани эмас, албатта. Жумладан, Сенатга хос тизимнинг ибтидоий шакли, мақом ҳамда ваколатлари қадимги Афина давлатининг ташкил топиши (милоддан аввалги VII—VI асрлар) ҳамда ривожланган даврига (милоддан аввалги V—IV асрлар) тўғри келади, деб айтса бўлади.

Дарҳақиқат, қадимги маълумотлар гувоҳлик беришича, кўҳна Афинада ривожланаётган ижтимоий муносабатларни фаол тартибга солиш эҳтиёжи марказлаштирилган бошқарувни тақозо этган. Оқсоқоллар кенгаши ўрнига янги бошқарув органи — **ареонаг** ташкил топиб, унда архонтлар сайланган ва халқ мажлиси назорат қилинган. Ана шу тариқа жамият сиёсий жамиятга айланган. Фаол сиёсий ислохотлар ўлароқ, Солон ҳукмронлиги даврида янги давлат органи — **буле** тузилиб, **“400лар кенгаши”**, деб аталган сиёсий институт — халқ йиғини ташкил этилган. Халқ йиғинига олий мансабдор шахслар сайланиб, унга ҳисоб бериб турганлар. Халқ йиғини **эклесия**, яъни чорланганлар-сайланганлар йиғини, деб аталган. Кейинчалик Тўрт юзлар кенгаши ўрнига **Беш юзлар кенгаши** ташкил этилган. Кенгашга сайланиш тартиби Сенатга сенаторларни сайлаш тартибига деярли ўхшайди. Яъни Афина давлатининг ўнта ҳудудий филасидан тенг миқдорда — 50 тадан вакил чек ташлаш йўли билан сайланган.

Олий ҳокимият ва маъмурий орган мақомида Беш юзлар кенгаши халқ йиғини муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлаш органи ҳисобланиб, халқ йиғинлари орасидаги даврда Афина сиёсий ҳаётига раҳбарлик қилган, халқ йиғинларининг қарорларини олдиндан тайёрлаб, муҳокама қилиб, уларнинг ижроларини таъминлаган, молиявий бошқарувни

олиб бориб, давлатнинг даромад манбалари устидан назоратни амалга оширган, ташқи давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатган, мансабдор шахсларнинг ишларини кўриб чиққан.

Кенгаш кундалик ишларни юритиш учун таркибан ўнта комиссия — **пританийга** ажралган. Таркибига ҳар бир **филадан** элликтадан вакил киритилган комиссиялар навбатма-навбат Кенгаш мажбуриятларини бажаришган. Бунда ҳар куни қуръа ташлаш йўли билан янги Кенгаш раиси сайланиб, халқ йиғини вақтида унга раислик қилган. Милоддан аввалги IV асрда ушбу тартиб ўзгартирилган: раис Кенгашнинг ҳар бир мажлисидан олдин сайланадиган бўлган. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси хизмат ўташ муддати тугагач, ҳисобот берган. Кенгаш аъзоси жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин бўлган. ✓

Қадимги Афинада қонун чиқариш жараёни қуйидаги босқичлардан ташкил топган: ✓

1. Халқ йиғинига қонун лойиҳасининг киритилиши (бундай қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳар бир афиналик фуқаро эга бўлган).

2. Беш юзлар кенгаши томонидан қонун лойиҳасининг дастлаб кўриб чиқилиши ва бу ҳақда халқ йиғини учун хулоса берилиши.

3. Халқ йиғини томонидан қонун лойиҳасининг қабул қилиниши.

4. Қабул қилинган қонун лойиҳасининг кучга киритилиши ёки **гелиэя** (Афина олий суд органи) томонидан рад қилиниши мумкинлиги.

Кўриниб турибдики, қонун чиқариш жараёни босқичларига хос функцияларнинг бир қисми бевосита ҳозирги Сенат институтининг ваколатларига ўхшаш.

Худди шундай мақомдаги институт қадимги Спарта давлатида ҳам бўлган. Оқсоқоллар Кенгаши — **герусия** — кучли бошқарув органига айланган. Ваколатлари фавқулодда кенг бўлган кенгашда 60 ёшга етган 28 киши ва 30 ёшга етган иккита подшо аъзо бўлишган.

Афина ва Спартадаги қулдорлик демократияси рамзи бўлган давлат тузумидан, бошқарув тизимидан фарқли ўла-



роқ, аристократик ва демократик белгилар қўшилиб кетган қадим Рим республикаси давлат тузумида **Халқ мажлислари, Сенат** ва **Магистратуралардан** иборат бошқарувнинг олий органлари мавжуд бўлган. Ана шу тариқа қадим давлатчилик тизимида илк бор бошқарувнинг **Сенат институти** расман юзага келди. Сенат атамаси расмийлик мақомини олди.

Рим тарихида ярим афсонага айланган илк давр — Подшоҳлар даврининг ажралмас таркибий қисми — бу Сенатнинг мавжудлиги ва унинг фаолиятидир. Қадим римликлар ўз жамоаларини ҳокимиятнинг ушбу органисиз тасаввур қила олишмаган.

Рим Сенати қадим Римнинг барча даврларида (жумладан, Подшоҳлик ва илк Республикачилик давлари) тарихан мавжуд бўлиб, Рим давлатчилиги барбод бўлиши билан яқун топди. Сенатнинг пайдо бўлишидан то Аппий Клавдий ислохотлари ва улардан кейинги замонларгача, Подшоҳ Кенгаши ёки Оқсоқоллар Кенгашидан амалда Рим республикасини бошқарган, Рим давлатининг тимсолига айланган оқсуяклар — аристократлар уюшмасигача бўлган тадрижий такомил йўлини босиб ўтди.

✓ **Сенат** (“senatus”, “gerousiva”) — бу Оқсоқоллар Мажлиси ёхуд Оқсоқоллар Кенгаши. “Сенат” атамасини мутафаккир **Квинтилиан** ўзининг “**Нотиққа маслаҳатлар**” китобида айнан шундай изоҳлайди.

Давлат Кенгаши ҳурмат юзасидан миллат отаси, ёш жиҳатидан сенатор, деб аталадиган Оқсоқоллар қўлида бўлган. Буни антик даврнинг римлик йирик мутафаккирлари — Флор, Фест, Юстин, Евтропий, Сервий ва бошқалар расман эътироф этишган. ✓

“Сенат” сўзини қадим юнон олимлари ҳам айнан шундай талқин этишган. Масалан, Дионисий Галикарнасский ва Плутархлар Сенат сўзини юнон тилига “**Оқсоқоллар Кенгаши**”, деб таржима қилишган.

Илмий-тарихий манбаларда таъкидланишича, “senatus” сўзи Оқсоқоллар Кенгаши номи билан Рим республикаси даврида қўлланила бошланди.

Ишончли маълумотларга кўра, Сенатнинг дастлабки номи

“**patres**” (патриций — қадимги Римнинг туб аҳолиси), деб аталган ва Оқсоқоллар Кенгаши — Сенатга айнан уларнинг вакиллари кирган. Дарҳақиқат, “**patres**” атамаси дастлаб Сенат маъносида қўлланилган. Масалан, Цицерон “Давлат тўғрисида”, деган асарида айнан ана шу фикрни тасдиқлаган. Ушбу фикрни Веллей Патеркул қўллаб-қувватлаган ҳолда, **patresлар**, деб аталган юз одамни қадим Ромул давлати сайлаганлигини ёзади. Шу маънода, Рим Сенати ҳам моҳиятан ва ҳам ўз номи билан патрициат — қадим Рим туб аҳолисининг аждодига айланди.

**Сенат** — “**patres**” дастлаб Подшоҳ Кенгашини ташкил этувчи сенаторлар мақомини англатган. Сенаторларни оқсоқоллардан тайинлаш, шунингдек, уларнинг чекланган сонини белгилаш фақат ва фақат подшоҳнинг ҳуқуқий ваколоти ҳисобланган. Дастлаб жамоанинг ўз бойлиги билан ажралиб турган исталган аъзоси табиий ҳолда алоҳида ижтимоий маъқеи ўлароқ, подшоҳ Кенгашига аъзо бўлган. Бой оилаларнинг кўпайиб боргани сари сенаторлар сони ошиб бораверган. Бу, албатта, сенатга аъзоликка номзодлар доирасини, сонини сенаторлар оилаларининг бир-бирлари билан қуда-анда бўлиши ҳисобига чеклашни тақозо этган. Ана шу тариқа келажакда сенатор бўлиш ҳуқуқини берувчи сенаторларнинг ўғиллари — Рим патрицийлари пайдо бўлди.

Сенатор — оқсуяк зодагонлар тезда муайян имтиёзларга эга бўлишди. Улар подшоҳликдаги тегишли лавозимларни эгаллаш, отлич армияни шакллантириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Сенаторлик гарчи меросга айланган бўлса-да, у бошқа янги сенаторлар учун ҳамиша очиқ бўлган. Бу анъана қадим Римда ҳамиша сақланилган ва унга доимо риоя қилинишини шахсан подшоҳнинг ўзи назорат қилган. Чунки Сенат расмангина подшоҳ кенгаши бўлиб, у подшоҳ истаган пайтдагина, унинг хоҳиш-иродасига қараб йиғилишган. Табиийки, Сенат подшоҳдан унинг фикри ёхуд маслаҳатини тинглашни талаб қилмаган. Ва бу мумкин ҳам бўлмаган.

Сенат аъзолари сони подшоҳ томонидан белгиланган. Дастлаб Ромул томонидан 100 киши сенат аъзолигига тайинланган. Кейинчалик улар сони 300 га етди. Республика даври учун бу нормал ҳисобланган.

100 кишидан иборат дастлабки Сенатнинг битта аъзосини Ромулнинг ўзи тайинлаган. 9 сенаторни **триблар** сайлашган (ҳар бир трибдан 3 кишидан). Қолган 90 сенаторни 30 та минтақа-курийдан 3 кишидан белгиланган кишилар ташкил этишган. Ана шу тариқа қадим Римда илк шаклланган Сенат институти икки йўл — подшоҳ томонидан тайинлаш ва минтақаларда сайлаш йўли билан ташкил топди. Сенатни шакллантириш ва сенаторларни тайинлаш ҳамда сайлаш тарихий анъанага айланди. Анъана ҳозиргача сақланган.

Рим жамоаси бошқарувида Сенатнинг ўрни ва ролини тасаввур этиш учун унинг уч хилдаги ваколатини билиш даркор. Биринчи ваколат бу — **консилиум (consilium)**дир. Консилиум Сенатнинг ўзига хос характеристикаси бўлиб, у подшоҳнинг оқсоқолларнинг обрў-нуфузи (*auctoritas*) ҳамда донишмандлигига суяниб ҳукмронлик қилишини билдиради. Айни пайтда, мазкур органнинг ташкил этилиши мақсадини белгилаб беради.

Ана шу тариқа подшоҳнинг жамоанинг энг нуфузли, обрўли вакиллари билан йиғилиши — Сенат қадим Рим сиёсий ҳаётининг одатий удумига айланди, подшоҳларнинг онгли равишда олиб борган анъанавий сиёсатлари, хусусан, уларнинг ҳар бир сенаторга, бутун кенгашга шахсан ишончлари, шунингдек, Сенатнинг чуқур ўйланиб олиб борган вазмин, барқарор сиёсати, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ваколати ва мақоми доирасида фаолият кўрсатиши давлат бошқарувида унинг аҳамиятини ошириб юборди.

Иккинчи ваколат — бу “*patrum auctoritas*”, яъни Сенат томонидан халқ қарорларининг тасдиқланишидир. Бошқача айтганда, халқнинг подшоҳни тайинлаш ҳақидаги қарори оқсоқоллар томонидан тасдиқланган тақдирдагина кучга кирган. Шу жиҳатдан “*Patrum auctoritas*” Сенат ҳуқуқи ҳисобланган. Бу ҳуқуққа барча сенаторлар эга бўлишган.

Учинчи ваколат бу *INTERREGNUM*, яъни қадим Римда янги подшоҳ сайланганига қадар оралиқда юзага келадиган ўзига хос ҳукмронлик тизими. Қадим Рим давлатчилиги тарихидан маълумки, подшоҳ вафот этгандан сўнг янги подшоҳ сайлангунга қадар орадан муайян вақт ўтган. Баъзан бу бир

йиллаб давом этган. Ана шу оралиқ даврда давлатни бошқариб турган ҳокимият мавжуд бўлган. Ҳокимиятни, одатда, интеррегнумлар, яъни вафот этган подшоҳ томонидан сайланган патрицийлар — сенаторлар Сенат аъзоларининг умумий сонидан келиб чиқиб, бирма-бир, якка ҳолда муайян кунларда давлатни бошқаришган.

Интеррегнум удумининг пайдо бўлишига қадим Римда подшолик бошқаруви — ҳокимиятининг диний характердалиги сабаб бўлган.

Подшоҳлик ҳокимияти таназзулга учрагач, Республика даври бошланди. Бевосита давлат тарихи билан боғланган Сенатнинг давлат органи мақомидаги тарихи ҳам давлатчилик даври ўзгариши ўлароқ, такомиллашиб борди. Рим Сенати тарихида Республика давлатчилигининг пайдо бўлиши билан сифат жиҳатидан мутлақо янгича давр бошланди. Сенат давлатда ҳокимиятни ишонч билан ўз қўлига олди. Ваколоти кенгайди. Рим давлатининг сиёсий ва ижтимоий ривожини Сенат таркибига ва мавқеига катта таъсир кўрсатди. Республиканинг юзага келиши ўлароқ, муҳим жамоа органи бўлмиш Сенатда кўплаб янги аъзолар сайланишига сабаб бўлди. Эски сенаторлар билан янги сенаторлар сони деярли тенглашди. Сенаторларга расман **“partes conscripti”**, деб мурожаат қилиш таомилга айланди. Сабаб — биринчидан, патрицийларни назарда тутган Сенат аввалбошдан айнан шу ном билан аталган. Иккинчидан, янги аъзолар пайдо бўлгач, Сенат ушбу мураккаблашган ном билан аталиши анъанага айланган. Учинчидан, атама Сенат таркибининг бир хил бўлганлиги билан изоҳланади. Чунки **“partes”** — *Сенатнинг эски аъзолари*, **“conscripti”** эса *янги аъзолар*, деган маънода қўлланилган.

Сенат аъзолари ижтимоий таркибининг ўзгариши Сенат таркибини ҳам ўзгартириб юборди. Натижада **“partes”** сенатор — патрицийларга, **“conscripti”** эса сенатор — плебейларга расман нисбат бериладиган бўлди (плебейлар Сенатда сон жиҳатидан, албатта, кам бўлишган. Кейинчалик улар орасидан вакиллар олий давлат лавозимларига ҳам сайланишган. Милоддан аввалги IV асрда, сиёсий жиҳатдан фавқулодда фаоллашган плебейлар, ҳатто, Сенатнинг айрим тузилмалари,

масалан, коллегияда 6 тадан 5 ўринни ҳам эгаллашга муваффақ бўлишган. Бунга кўпроқ Лициний-Секстий қонунларининг Сенатга кўрсатган таъсири имкон берган).

Публилий Филоннинг (милоддан аввалги 339 йил) қонунлари Рим олий жамияти менталитетини ўзгартириб юборди. Сенатга аъзо бўлиш учун энди бойлик эмас, балки давлатга хизмат қилиш ва ресиублика олдидаги улкан хизматлар асос қилиб олинди. Қадим тарихчилар атамаси билан айтганда, “патрициат таъмирланди”. Натижада патрицийлар ва плебейлар ўртасида ҳам, ҳар бир ижтимоий қатламнинг ичида ҳам муайян сиёсий манфаатларга асосланган ўзига хос партиялар юзага келди. Халқ оммасига таянган плебей партияси Сенатда ғолиб чиққан пайтлар ҳам бўлган. Ана шу тариқа қадим Римда зодагон оқсуякларнинг плебейлардан иборат янги табақаси пайдо бўлган. Уларнинг расман тан олинган етакчиси Квинт Публилий Филон милоддан аввалги 339 йилда консул лавозимига сайланиб, давлатнинг ички муаммолари ечимига бағишланган учта қонун лойиҳасини ишлаб чиққан. Биринчи қонунга кўра, плебейлар мажлиси қабул қилган қарорлар ҳамма фуқаролар учун мажбурий ҳисобланган. Иккинчи қонунга мувофиқ, Сенат томонидан тасдиқланадиган центуриат комицийлар қарорларини дастлабки қарорлар, деб ҳисоблашган. Учинчи қонунга биноан цензорлардан биттаси, албатта, плебейлардан сайланган бўлиши шарт.

Ўз қонун лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун диктатор лавозимига тайинланган Публилий Филон қонунлари халқ йиғинларининг мустақиллигини мустаҳкамлаб, Рим жамиятида Сенат аъзоларининг янги элитаси — **нобилитет**нинг шаклланишига асос бўлди. Нобилитет мафкураси Сенатга янгича мазмундорлик бахш этди. Милоддан аввалги VII—IV асрларда етакчи бўлган эски Сенатнинг аслзода зодагонларини четга суриб, янги Сенат аристократиясига йўл очди. Натижада Сенат республиканинг етакчи раҳбар кучи, оқсуяклар таянчи сифатидаги мақомини расман сақлаган ҳолда, патриций ва плебейлар вакилларида иборат халқнинг вакиллик органига айланди. Рим Сенатининг бу мақоми юқорида эслатилган қадим Афинанинг Беш юзлар Кенгаши мақомига тенглашди.

Ана шу тариқа патрицийлар таянчи бўлган Рим Сенати сифат жиҳатидан ўзгарди, нобилитетлар уюшмасига айланди. Давлатни нобилитетларнинг ҳақиқий ҳокимият органлари — Сенат ва Магистратуралар идора қила бошлади.

Аппий Клавдий Цек ҳукмронлиги даврида (милоддан аввалги 312 йил) Сенат таркибан ислоҳ қилинди: одатдаги анъанавий оқсуяк зодагонлар сафига қулликдан озод қилинганлар ҳам Сенат таркибига киритилди. Сенатни ислоҳ қилиш, фаолиятини такомиллаштириш, мақомини янада мустаҳкамлаш, уни бутун Рим қавмининг вакиллик органига айлантириш ниятида Овиний томонидан қонун ишлаб чиқилиб, уни амалиётда қўллаш бошланди. Лекин жуда кўп сабабларга биноан, асосан, аристократлар таъсири билан қонундан қўзланган Сенат ислоҳотларини амалга ошириб бўлмади. Тарихда бу ислоҳотлар қилишга интилиш, деб баҳоланди. Рим Сенатини Афина Булесига ўхшаш мақомга айлантириш Сенатнинг мағлубияти билан хотима топди. Лекин Сенат кейинчалик, яъни Рим империяси даврида яна қудратли сиёсий кучга айланди. Асрлар ўтиб, Рим империясининг ҳалокати билан Сенат ҳам фаолиятдан тўхтади.

Ана шу тариқа Римнинг биринчи подшоси — Ромулнинг ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, унинг обрў-нуфузини ошириш мақсадида обрўли одамлар, нуфузли оилалар бошлиқлари, жамоа оқсоқолларидан иборат таркибда тузган Подшоҳ Кенгаши — Сенат қадимги Рим давлатининг шаклланиши ва ривожини, патрицийлар билан плебейлар кураши замонида мураккаб такомил босқичларини кечинди. Сенат ана шу курашнинг марказида туриб, бир томондан, унинг боришига, натижасига бевосита таъсир кўрсатди. Иккинчи томондан, Рим жамиятидаги турли гуруҳлар ўртасидаги шафқатсиз қарама-қаршилиқлар таъсиридан қийналди. Шунга қарамай, Сенат Рим давлатининг сиёсий рамзига айланди, Рим республикаси давлат бошқаруви тизимини қўлида маҳкам ушлаганича, давлатни жаҳоннинг ҳукмрон салтанатига — империяга айла-нишдек истиқболга бошлади. Асрлар ўтиб, Рим империяси таназзулга учрагач, илк демократиянинг Сенат институти ҳам хотима топди.

**Ана шу тариқа ибтидоий босқич ҳам ниҳоясига етди.** Лекин батамом эмас. Ўрта асрларда Фарбий Европа Миллий Уйғонишдек маданий тамаддунчилик сари юз тута бошлаган даврда Сенат демократиянинг қадим синашта институти сифатида янгидан шаклланиш босқичига қадам қўйди. Айнан шу сабабдан парламентаризм институтининг, наинки, **иккинчи босқичи**, балки унинг узвий давоми бўлган **кейинги тўрт босқич** ҳам ўз тадрижида давом этди.

Ўрта асрлар Фарбий Европада, масалан, Буюк Британияда XIII асрдаёқ шаклланган икки палатали Британия парламенти (қуйи палата — Жамоалар палатаси ва юқори палата — Лордлар палатаси) жаҳон парламентаризми тарихида янги сифат босқичи (**II сифат босқич**)ни бошлаб берди. Британия парламенти ҳам шаклан, ҳам мақом-мазмун нуқтаи назардан шундай демократик такомилга эришдики, ҳозир барча мутахассислар яқдиллик билан уни **парламентаризмнинг классик намунаси**, деб эътироф этишади.

**“Парламент”** атамаси Буюк Британияда бир неча маънода қўлланилса-да, у, асосан, олий қонунчилик органи мақомида тушунилади. Ўзига хос жиҳати шундаки, парламент Жамоалар палатаси ва Лордлар палатаси қаторида монарх ҳукмронлигини ҳам ўз ичига олади. Сабаб — айнан ана шу уч тизимнинг бирлигигина мамлакатда ҳақиқий маънодаги парламентни шакллантиради. Шу боис ҳам XVI—XVII асрларда Британия парламенти монарх ҳузуридаги маслаҳат мақомига эга табақавий вакиллик органига айланган.

Николло Макиавеллининг “Ҳукмдор”, хусусан, “Флоренция тарихи” асарларида ўрта аср Италиясида ҳам ўзига хос парламент институти мавжудлиги қайд этилади.

**Учинчи босқич** бевосита Европа мамлакатларида рўй берган буржуа инқилоблари билан боғлиқ. Жумладан, Буюк Француз инқилоби даврида қироллик ҳокимиятига барҳам берилиб (1792), замонавий парламентаризм институти шакллантирилган эди. Бошқарувнинг парламент шакли Учинчи француз инқилоби (1875—1940), кейинги Тўртинчи инқилоб (1940—1958) сиёсий тизимининг мазмун-моҳиятини ташкил этган эди.

Айнан XVIII аср охирларидан бошлаб парламентаризм сиёсий ва ҳуқуқий таълимотнинг махсус мавзусига айланди. Даврининг машҳур мутафаккирлари (Ж.Локк, Ж.-Ж. Руссо, Шарль Монтескье ва бошқалар) сиёсий-ҳуқуқий қарашларида парламентаризм ғояси етакчи мавзу бўлди. XVIII аср охирларида Вольтер томонидан илк бор халқ суверенитети ва одамлар билан ҳукмдорлар ўртасида ижтимоий шартнома ғояси илгари сурилди. Ғоя Америка Конституцияси ижодкорлари томонидан ҳуқуқий расмийлаштирилди (1787). “Ҳокимият бўлиниши ҳақидаги машҳур доктринада парламентга қонун чиқарувчи орган сифатида анча ўрин ажратилди. Илк бор халқ вакиллари қонунчилик фаолияти билан алоқаси, қонуннинг эса сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалаши хусусида хулоса қилинди”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан учинчи босқични парламентаризмнинг дастлаб ҳуқуқий асоси яратилган, шунингдек, унинг назариясининг, демак, илмининг шаклланган даври, деб атаса бўлади. Гап шундаки, парламентаризм тарихида 1689 йилдаёқ Буюк Британияда “**Ҳуқуқлар тўғрисида**”ги **билл-қонун** қабул қилиниб, унда илк бор қонун чиқарувчи олий ҳокимият мақоми ҳуқуқий расмийлаштирилган эди.

**Тўртинчи босқич** парламентаризмнинг назариядан амалиётга оммавийлашгани давридир (XIX аср). Бу босқичда сайловлар тўғрисида яратилган қонунлар асосида парламентга узлуксиз сайловлар йўлга қўйилди. Алал-оқибат, парламент расман қонун чиқарувчи органга айланди. Боз устига, айнан XIX асрда парламентнинг ҳозирги тўлиқ шаклланган яхлит тизими юзага келди, қонун ижодкорлиги расман анъанага айланди, депутатлар, сенаторлар мақомлари дастлабки мазмунда белгиланди, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Энг муҳими — айнан шу асрда ундан қарийб олти аср аввал Буюк Британияда ташкил этилган икки палатали парламент тизими кенг ёйилди. XVIII аср охирларида Америка ва Францияда икки — қуйи ва юқори палаталар (Сенат)дан ташкил топган Конгресс ва парламент қонун чиқариш борасида

<sup>1</sup> Парламентаризм: опыт зарубежных стран. — Т.: Шарқ, 2002. — С. 18.



Ўзига хос демократик парламентаризм анъанаси — мактабини юзага келтирган эди. Шу жиҳатдан XIX асрни икки палатали профессионал парламент, хусусан, унинг юқори палатаси — Сенатнинг мустақил тизим сифатида тўлиқ шаклланган даври, деб аташ мумкин. Тарихий фактларга мурожаат қилайлик:

Италияда 1848 йилда қабул қилинган Альбертин статуи (Конституцияси)да илк бор қонун чиқарувчи ҳокимият, нафақат, қирол томонидан, айти пайтда, қиролнинг ўзи тайинлайдиган Сенат ва сайланадиган Депутатлар палатаси томонидан ҳам амалга оширилиши расмийлаштирилган эди.

Британия Шимолий Америкаси (Канада ўшанда шундай, деб аталган) ҳақидаги конституциявий Актга асосан 1867 йилда асос солинган Канада парламенти мустақил қонунчилик органи мақомида юзага келган эди. У ўз фикрларини эркин ифодалайдиган, мустақил қарорлар қабул қилишга қодир, на сайлов корпусига, на партиявий рақобатга боғлиқ бўлмаган кишилардан таркиб топган эди. 1867 йил Акти Сенатга жамоа палатаси ҳуқуқига мутаносиб мақом бахш этган эди. Фақат биргина фарқ бор эди: барча молиявий қонун лойиҳалари дастлаб палатага кўриб чиқиш учун киритилар эди. Қонуннинг ушбу қондаси Сенатнинг қуйи палатага нисбатан мақомини пасайтириб юборган эди. Конституциявий Акт молиявий қонун лойиҳаларига Сенат томонидан ўзгартишлар ва тузатишлар киритиш ҳуқуқини назарда тутмаган эди. Боз устига, Сенат сайлов корпуси мандатидан мосуво бўлиб, умуммиллий қонунчилик органи ролига даъвогарлик қилолмасди.

Сенат Канада федерацияси субъектлари — провинциялар манфаатлари ифодачиси ва ҳимоячиси сифатида юзага келган эди. Афсуски, Сенатнинг ўз вазифасини бажариши учун на конституциявий ва на ҳуқуқий механизмлар яратилмаган эди. Бу ҳол Канадада то ҳанузгача давом этиб келяпти.

**Бешинчи босқич** том маънодаги парламентаризм босқичидир (XX аср). Гарчи ўтган асрнинг биринчи ярим йиллигида давлат қурилиши ва бошқаруви тизимида парламентларнинг ўз мақомларини ҳимоя қилишлари, яъни кураш даври бўлсада, иккинчи ярим йилликда (жараён иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган эди) парламент устунлиги, қонун чиқа-

рувчи орган устуворлиги умумтан олинган сиёсий-ҳуқуқий ҳодисага, фактга айланади. Айнан кейинги ярим асрда миллий парламентларда икки палатали тизим ривожланди, Сенат институти кўпайди, мақоми кенгайди. Босқичга хос сифат ўлароқ, демократик фуқаролик жамияти етуклашди, ҳаётнинг барча соҳалари эркинлашди, кучли давлатлар кучли фуқаролик жамияти мақомига эга бўлди. Инсонпарвар демократик ҳуқуқий дунёвий давлат мақомини олган мустақил давлатлар ўз миллий парламентини шакллантириб, унинг профессионалликни таъминлашга киришди. Жараён мустақил Ўзбекистонни ҳам қамраб олди. Мамлакатимизда икки палатали профессионал миллий парламент — Олий Мажлис шакллантирилди ва миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор ҳудудий вакиллик палатаси — Сенат ташкил топиб, унинг аниқ конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди.

**Олтинчи босқич** ҳам ташкилий-таркибий, ҳам мақомий, ҳам сифат, ҳам вазифа ва ҳам ваколат нуқтаи-назаридан олдинги босқичлардан туб моҳияти билан фарқ қилади. Гарчи ушбу босқич дастлабки беш босқичнинг мантиқий якуни бўлса-да, у миллий қобик доирасидан умумқитъавий кўламдорлиги, шунингдек, парламентаризм тарихида учрамаган, муқобилсиз ноёб ҳодиса эканлиги билан ажралиб туради. Чунки глобаллашётган дунё цивилизациялашган инсоният ва давлатлар олдида тақдирломон муаммоларни қўймоқда. Уларни ҳал қилиш қисмат муаммосига айланди. Ва бу тўғри ҳам. Менинг назаримда, бу масалада ақлли бошқа муқобиллик йўқ. Инсоният, дунё, аввало, миллий ва у билан боғлиқ умумбашарий манфаатлар йўлида онгли бирлашмаса имконлар чекланиб бораверади. Мен бутун бир қитъанинг ягона Европа Иттифоқида бирлашаётганини даврнинг энг глобал ҳодисаси, деб биламан. Европа Иттифоқи бугун истиқболли реалликка айланди. Европа Иттифоқи Конституцияси яратилди. Европарламент тузилди. Иттифоқ таркиби ва тизимининг яратилган конституциявий асоси Иттифоққа аъзо давлатларнинг миллий парламентлари, жумладан, уларнинг юқори палаталари мақом ҳамда ваколатларига ҳам, шубҳасиз, таъсир қилди, қилмоқда. Аниқроғи, миллий қуйи палаталар қатори юқори палаталарнинг

ҳам даврнинг тарихий бу ҳодисаси билан ҳисоблашишларини талаб этди. Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг айнан юқори палаталари (Сенатлар, бундесрат ва ҳоказо) қитъа ҳақидаги фикр-мушоҳадалар чуқурлашяётган, у билан бевосита танишиш имконини бераётган тизимга айланди. Масалан, Франция Сенати Европа қитъаси муаммолари ҳақидаги маълумоту ахборотларни яхшилаш, уларни тўлиқ қилиш ниятида 1991 йилдаёқ махсус қарор қабул қилган эди. Унга кўра, юқори палатанинг очиқ мажлисида сенаторларнинг Европа Иттифоқи ҳақидаги тасаввурларини реал аниқлаштириш мақсадида оғзаки сўров ўтказиб, натижаларини муҳокама қилиш тартиб-тамойили белгилаб олинган эди. Муҳокамага кўпи билан 10 дақиқа муддатда савол берувчи ва ҳукумат вакилидан (ҳукумат аъзоси гапирганда регламент чекланмайди) ташқари Европа Иттифоқига юборилган делегация вакили, малакали доимий комиссия, ташқи сиёсий фаолият комиссияси ва ҳар бир партиявий гуруҳ вакиллари аралashi мумкин, холос. Бундан ташқари, парламентни Европа қонунчилигини ишлаб чиқишга яхшироқ жалб қилиш ниятида Франция Конституцияси (88-модда, 4-банд) Европа қонунчилигига кирувчи қитъага дахлдор таклифлар ва умумий акт-ҳужжатларни мамлакат Миллий Мажлиси ҳамда Сенатидан Бирлашган Кенгашга олиб беришни кўзда тутди. Франция Сенати Европа қарорларига дахлдор таклифга ўз нуқтаи назарини ифода этишни хоҳ очиқ мажлисида, хоҳ комиссияда овоз бериш йўли билан ҳал қилади. Франция ҳукумати бунинг ўзининг Европа Иттифоқи доирасидаги сиёсатида инобатга олади.

Парламентаризм тарихи, унинг икки палатали тизими буғуни ҳамда истиқболи ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалиётда жорий этишнинг кафолати бўлди ва шу мақомда қолажак. Бунга шубҳа йўқ. Чунки айнан икки палатали парламент қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги мувозийлик — балансни таъминлайди, бир-бирини тийиб туради. Айни пайтда, палаталараро мувозанат нисбати, мақом даражалари ҳам сақланилади, ҳокимиятни сайловчилар олдидаги мажбуриятини тўлиқ адо этишга мажбур қилади, халқнинг хавфсизлиги, жамиятнинг барқарорлиги мустаҳкамлана-

ди, инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмайди. Агар шундай ҳолатлар рўй бергудек бўлса, унда икки, бир-биридан автоном палаталардан ўзаро келишиб, уларнинг олдини олиш талаб қилинади. Бундай ҳолда, шубҳасиз, юқори палата — Сенат ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Чунки айнан Сенат юқори палата мақомида қўйи палата томонидан тайёрланган қонун лойиҳасининг мазмун-мундарижаси, сифати ва амалдаги ижроси учун масъул ҳисобланади. Сенатнинг мутлақ ваколатлари бошқача бўлишга йўл ҳам қўймайди. Шу сабаб жуда кўп нарса Сенат аъзолигига кимларни сайлаш, кимларни тайинлашга боғлиқ. Сенатор катта ҳаётий тажрибага, замонавий жаҳоний тафаккурга, эл-юрт олдида обрў-эътиборга, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, қонунчилик жараёнини яхши биладиган, тушунадиган шахс бўлиши шарт. Ана шундагина қўйи палата депутатлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари синчиклаб, моддама-модда, бирма-бир ўрганилиши, уларга жиддий ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши, керак бўлса, лойиҳа қўйи палатага қайта кўриб чиқиш учун қайтарилиши лозим. Бунинг учун Сенат аъзолари ҳар томонлама малакавий етук бўлишлари шарт. Бехудага Франция Сенати ёки Германия Бундесрати аъзоларининг бир қисми олдин Франция Миллий Мажлиси, Германия Бундестаги — Федерал Мажлиси депутатлари бўлишмаган. Америка Сенати, Россия Федерацияси Федерация Кенгаши таркиби ҳам деярли шундай. Бу тажрибани Ўзбекистон ҳам ўзлаштирмоқда. Олий Мажлис Сенати таркибида оз миқдорда бўлса-да, Олий Мажлиснинг олдинги депутатлари фаолият кўрсата бошлади.

Қайд этилган омиллар жаҳон парламентаризми бикамерализмининг яна қатор ўта муҳим талаблари вобасталигида парламентнинг профессионал фаолият кўрсатишида ворисийликни сақлаш имконини беради, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини таъминлайди, улар ижросининг тўлиқ бўлишини, демак, жамиятда демократик ҳуқуқий барқарорликни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди, давлатнинг дунёвий мақомини амалда исботлайди.

Албатта, икки палатали парламент ўзининг ҳам ижобий, ҳам муайян маънода салбий томонларига эга. Салбий жиҳати

шундаки, икки палатали тизимда озгина кишилар кўпчилик сингари мавқега эга бўлиши мумкин. Чунки бир палатада бир овоздан қабул қилинган масала иккинчи палатада атиги бир овоз фарқ билан рад этилиши мумкин. Боз устига, палаталар бўлиниши уларнинг таркибига қараб иккита ҳар хил, бир-бирига зид йўналишнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Яна бир томони — ҳар палата биргаликдаги мажлисда эга бўлиши муқаррар маълумотларнинг атиги муайян қисминигина билиши мумкин, холос. Яъни тўлиқ маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, яхлит парламентнинг палаталарга бўлиниши ишни сустлаштиради. Ниҳоят, охиргиси — палаталарнинг бўлиниши уларнинг ҳуқуқларига, ваколатларига таъсир қилади: бирига ташаббус (масалан, қонунчилик ташаббуси), бошқасига — негатив ҳуқуқ берилади. Негатив ҳуқуқ берилган палата, шубҳасиз, барча таклифларни рад этиш билан банд бўлади.

Ижобий томони шундаки, биринчидан, икки палатали тизим ўрнатилган қоида ва тартибларга қатъий риоя қилинишини кафолатлайди. Яъни, мабодо бир палата ушбу қоида — тартибларни бузса, демак, бошқа палатанинг мавжуд баҳсли томонларини рад этишга имкон беради.

Масалани ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқиш учун манфаатлар ва қарашларда, одат ва кўникмаларда, албатта, фарқ бўлиши шарт. Чунки узоқ вақт бирга ишлаган депутатларда бошқа палатага нисбатан, албатта, ўзгача қараш бўлиши табиий. Шу нуқтаи назардан иккинчи палатани биринчисига нисбатан ўзига хос апелляция суди, деб атаса бўлади. Иккинчидан, ягона палатанинг ҳокимиятини чеклаш. “Палаталарнинг ҳар қандай таркибида қонунчилик корпусининг бўлиниши, — деб ёзади машҳур инглиз файласуфи И. Бентам, — ислоҳотларга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Бу эса мустаҳкам Конституция мавжуд шароитда унинг нақадар зарурлигини тасдиқлайди. Иккита лангарда мустаҳкам турган давлат кема-си шундай қаршилик кучига эга бўладики, бундай қудратга у бошқа бирор усуллар билан эриша олмаган бўларди”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Парламентаризм: опыт зарубежных стран. — Т.: Шарқ, 2002. — С. 22.

Икки палатали парламент амалиёти дунёда кенг тарқалган. ХХІ аср бошида Европанинг 600 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган 19 мамлакатда икки палатали профессионал парламент мавжуд (Буюк Британия, Франция, Испания, Италия, Германия, Польша, Руминия, Югославия ва бошқалар). МДХда Қозоғистон, Россия, Украина, Тожикистон каби давлатларда ҳам шундай. Қирғизистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида икки палатали парламент ташкил этилган эди. Аммо парламент билан ҳукумат ўртасидаги келишмовчилик Қирғизистонни бир палатали парламентга қайтишга мажбур қилди.

Замонавий парламент тузилиши, ваколатлар кўлами, ижтимоий таркиби, ҳатто, қонун чиқарувчи орган ва унинг палаталари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, АҚШда Конгресс, ГФРда Федерал Парламент, Буюк Британияда Британия Парламенти, Швейцарияда Федерал Мажлис, Мексикада Бош Конгресс, Болгарияда — Халқ Мажлиси, Венгрияда — Давлат Мажлиси, Голландияда — Бош Штатлар, Испанияда — Бош Кортеслар, Қозоғистонда — Мажлис, Словакияда — Миллий Кенгаш, Вьетнамда — Миллий Мажлис, Украинада — Олий Рада, Беларус Республикасида — Миллий Мажлис, Ўзбекистонда — Олий Мажлис.

Маълум бўляптики, парламентларнинг номланиши аксар ҳолларда олий вакиллик — қонунчилик органининг табиатан бир-бири билан боғлиқ икки хил шаклда расмийлашгани бўлиб, бу парламентнинг халқ томонидан сайланишини таъкидлайди, баъзан эса давлатнинг маъмурий-ҳудудий қурилишини ифодалайди.

Дунё парламентаризми тарихи ва амалиётида ўзига хослик мавжуд. Бу — табиий ҳол, албатта. Масалан, АҚШ, Франция ва Италиянинг иккала палаталари қонунчилик жараёнига хос муштарак хусусияти шундаки, қонун лойиҳаси олдинга юқори палата — Сенат қўмиталари томонидан кўриб чиқилади, сўнгра Сенатнинг ялпи мажлисларида кўрилади. Олий Мажлис Сенатида ҳам айнан шу усул асос қилиб олинган. Буюк Британия парламенти, жумладан, юқори палата — Лордлар палатасида эса аксинча, қонун лойиҳаси аввал юқори палатада тўлиқ таркибда кўриб чиқилади, ундан сўнгина

қўмиталарга юборилади. Умуман, Буюк Британия классик парламентида, жумладан, Лордлар палатаси ваколоти, шаклланиш тартиби ўзига хос.

Лордлар палатаси сайлов асосида шакллантирилмайди. Палатага аъзолик тегишли дворян унвонини олиш билан боғлиқ. Лордлар палатаси аъзолари орасида 1195 герцог, маркиз, граф, виконт, баронлар бор. Парламент аъзолари — пэрлар диний, дунёвий, меросхўрлар ва бутун умрга сайланганлар тоифаларидир. Диний тоифага 26 архиепископ ва епископлар мансуб. Улар ўз лавозимларига кўра палата аъзоларидир. Палатанинг қолган барча аъзолари дунёвий тоифага мансуб. Асосий гуруҳдаги аъзолар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган меросхўрлардан иборат (улар 789 аъзони ташкил этади). Палатада 359 та ижтимоий ва сиёсий фаолиятда алоҳида нуфузга эга умрбод тайинланган аъзолар бор. Палатанинг 11 аъзоси апелляция бўйича лорд-ординарлар ҳисобланади. Улар юқори суд лавозимларида ишлашиб, суд ишларини кўриб чиқишда ёрдам беришади.

Лордлар палатасида партиявий гуруҳларга бўлиниш мавжуд. Лекин уларнинг таъсири қўйи палата — Жамоалар палатасидаги партиявий гуруҳларга нисбатан паст. Лордлар партиялар ва сайловчилардан нисбатан мустақил кишилар бўлиб, партиявий интизомга унчалик ҳам риоя қилаверишмайди.

Лордлар палатасига раис — лорд-канцлер раҳбарлик қилади. Лорд-канцлер кабинет, яъни ҳукумат аъзоси. У Бош вазир томонидан тайинланади. Лорд-канцлер, айти пайтда, мамлакат суд тизими бошлиғи ҳам. Лордлар палатасида баҳс-мунозараларда ва овоз беришда иштирок этади. Палатада мажлис парламенти процедураси талаблари билан чекланмаган, лорд-канцлер баҳс-мунозараларга бўлар-бўлмасга аралашавермайди.

Палатада қўмита лорд-раиси ва унинг ўрнида раислик қилувчи муовин бор.

Лордлар палатасида доимий лавозимли шахс бу — **клерк**дир. Клерк раҳбарлигида палатанинг иши билан доимий шуғулланувчи клерклар фаолият кўрсатишади.

Лордлар палатасида ҳар бир партия ўз етакчисига эга. Палата сардори ҳукумат партияси вакилидир. Мухолифатни

мухолифат партия етакчиси бошқаради. Палатада баҳс-мунозарани режалаштириш улар бурчига киради.

Лордлар палатасининг ички тузилиши тартибига кўра, мажлислар пайтида диндор лордлардан ташқари барча аъзолар олдинги даврлардагидек, ўзларининг юқори унвонларига қараб эмас, балки ҳукумат ўриндиқларида ўтиришади. Мухолифатда бўлган аъзолар мухолифат учун ажратилган махсус жойларда ўтиришади.

Палата мажлиси ҳафтанинг душанба, пайшанба кунлари, сессиялар охирида эса жума кунигача (жами сессиянинг 160 кунига яқин) ўтказилади. Мажлис қисқагина вақтни оладиган “саволлар соатидан” (20 дақиқага яқин) бошланади. Лекин саволлар фақат асосий кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасидан сўнггина берилади. Палата иш вақтининг ярмидан кўпи ҳукумат биллари — қонунларини кўриб чиқиш билан ўтади. Сабаб — биллар лойиҳаларининг 90% ҳукумат томонидан тайёрланиб, аввал Жамоалар палатасига, сўнг Лордлар палатасига тақдим этилади.

Лордлар палатаси ўзининг доимий қондасига эга. Бироқ унда регламент қаттиқ эмас. Интизом нуқтаи назаридан у парламент аъзоларига анча эркинлик беради. Палатада тартибни сақлаш барча аъзоларнинг бурчи ҳисобланади. Сўзга чиқиш тартиби олдиндан белгиланади. Шу сабаб лорд-канцлернинг палата аъзоларини баҳс-мунозарага чорлашга эҳтиёж қолмайди. Палатада қонун лойиҳалари бўйича баҳс-мунозара учун қандайдир қоида мавжуд эмас. Шу билан бирга бошқа масалалар олдида ҳукумат ишларининг муҳимлиги тўғрисидаги қоида ҳам йўқ.

Лордлар палатаси мажлисларида палатанинг учдан бир қисми доимий қатнашади ва овоз беришда иштирок этишади. Палатанинг баъзи аъзолари мажлисларда, умуман, қатнашмайди, бошқа бир қисми мажлисларда иштирок этмаслик учун руҳсат олишади. Бундай имтиёз ё парламентнинг муайян чақирув ваколати муддатига ёки сессиялар муддатига берилди.

Буюк Британияда қонун қабул қилиш механизми икки палатали барча парламентлар тартиб-тамойилига деярли ўхшаш.



Иккала палата ҳам қонунчилик ташаббусига эга бўлганлиги учун қонун лойиҳаси устида ишлаш ва уни қабул қилиш механизми ўзига хос. Яъни Лордлар палатаси ўзи тайёрлаган қонун лойиҳасини ўз палатаси муҳокамаси ва тасдиғига тақдим этади. Қуйи палата — Жамоалар палатаси эса ўзи тайёрлаган қонун лойиҳасини, албатта, юқори палата муҳокамасига ҳамда тасдиғига киритиши шарт.

Лордлар палатасида қонун лойиҳасини кўриб чиқиш одатдаги тартибда амалга оширилади. Муҳим босқич бу — қўмиталарда қараб чиқиладиган билл-қонун лойиҳалари мазмун-мундарижасига сезиларли таъсир қилувчи ўзгартишлардир.

Лордлар палатасида молияга, жумладан, бюджетга оид қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жуда масъулиятли жараёндир. У Лордлар палатасига ҳукумат баёноти предметига айлангачгина иккинчи ўқишда муҳокама қилинади. “Парламент тўғрисида”ги қонунга биноан Жамоалар палатаси томонидан юборилган лойиҳа Лордлар палатасида бир ой муддатда кўриб чиқилиши лозим. Агар муддат чўзилса, қонун Лордлар палатаси тасдиғисиз қабул қилинган ҳисобланади.

Буюк Британия парламентида илк бор палаталараро ўзига хос келишув институти мавжуд. Тўғри, келишув жараёни, одатда, оғир, мураккаб кечади. Тартибга кўра, Лордлар палатаси томонидан махсус мажлисда муҳокама этилиб, асосли рад қилинган қонунлар лойиҳаси қайтиб, қуйи палатага юборилади. Жамоалар палатаси тузатишлардан норози бўлса, ушбу норозиликни асослаш учун комиссия тузилади. Қуйи палата, ўз навбатида, юқори палата тузатишларига қўшилмаса лойиҳага янги ўзгартишлар киритади. Асослаб берилган қўшимчалар билан лойиҳа яна Лордлар палатасига юборилади. Лордлар палатаси янги лойиҳани яна синчиклаб ўрганиб чиқади ва тегишли қарор қабул қилиб, уни қуйи палатага юборади. Жараён такрорланади. Шунда ҳам палаталар умумий келишувга келиша олишмаса, Лордлар палатаси ёзма баёнотлар билан лойиҳани яна қуйи палатага қайтаради. Ёзма равишда юқори палата ўз эътирозларини асослайди ва лойиҳада ўз тузатишларини ҳисобга олинишини талаб қилади.

Одатда, палаталараро бундай келишмовчиликлар охир-

оқибат иккала томонни ҳам қониқтирувчи келишувга олиб келади.

Иккала палата ҳар бирига баббаравар дахлдор масалалар юзасидан биргаликда махсус бирлашган қўмиталар тузишади. Масалан, ҳозирги кунда тайёрланган қонунчилик ҳужжатларини текшириш, ўзаро келишув, билларни ўрганиш бўйича бирлашган қўмиталар мавжуд. Уларда муҳокама қилиниши лозим масалалар мунозарали сиёсий масалаларга тегишли бўлмаслиги шарт. Бирлашган қўмиталар ҳар иккала палатадан тенг миқдордаги аъзолардан иборат бўлади. Бирлашган қўмиталарнинг маърузалари ҳар иккала палатага баб-баравар берилади.

Лордлар палатасининг ҳукумат устидан назорати чекланган. Чунки Буюк Британия қонунчилигига кўра, ҳукумат Лордлар палатаси олдида сиёсий масъуллик ҳис қилмайди. Лордлар палатасида ҳукумат томонидан ҳукумат таркибига кирувчи ҳукумат аъзоси сўзга чиқади. Ҳукумат вакиллари, одатда, кабинетнинг уч-тўрт аъзоси, кабинет аъзолигига кирмовчи тўрт-олтита вазир ҳисобланади.

Назорат қаттиқ регламент асосида амалга оширилмайди. Пэрлар (Лордлар палатаси аъзолари) қаттиқ тартиб-тамойил қоидалари билан ҳам, баҳсларга аралашиб турадиган раис томонидан ҳам сиқувга олинмайди. Лордлар палатаси тартиб-тамойили вақти чекланмаган. Палата мажлисининг исталган пайтида саволлар берилиши мумкин.

Лордлар палатасининг яна бир вазифаси унинг мамлакат Олий апелляция суди мақоми билан боғлиқ. Палата мамлакатнинг бутун ҳудудида фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судларнинг қарорлари апелляциясини қараб чиқади. Йилига 70 га яқин судлов ишларини кўриб чиқадиган палатанинг апелляция бўйича қарори сўнгги қарор ҳисобланади. Шикоятга ўрин қолмайди.

Иккала палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаси Англия қироличаси томонидан маъқуллангач, қонун мақомига эга бўлади. Аслида бу қонунчилик жараёнининг шартли босқичи ҳисобланади. Чунки мутлақ **вето** ёлғиз давлат бошлиғининг ҳуқуқидир.

Дунё парламентаризми амалиётида мавжуд бошқа бир ўзига хослик шундаки, масалан, Канада, Япония, Италия, Польша каби давлатларнинг Конституцияларида парламент номи расман қайд этилмаган. Фақат палаталар номи мавжуд, холос. Икки палатали миллий парламентлар номлари борми, йўқми, қатъи назар, палаталар кўш номлар билан аталиши анъанага айланган. Яъни Қонунчилик палатаси — Сенат; Вакиллар палатаси — Сенат; Миллий Кенгаш — кантонлар Кенгаш; Депутатлар палатаси — Сенаторлар палатаси; Вакиллар палатаси — Маслаҳатчилар палатаси; Сейм — Сенат; Миллий мажлис — Сенат; Вакиллар палатаси — Республика Кенгаш; Федерал Мажлис (Бундестаг) — Федерал Кенгаш (Бундесрат) ва ҳ.к. Италияда палаталар кўпроқ Биринчи ва Иккинчи палаталар, деб аталади. Лекин уларнинг номи расман мавжуд: Депутатлар палатаси — Сенат.

Албатта, гап палаталарнинг номланишида эмас, балки уларнинг барча демократик давлатларда аниқ белгиланган муштарак конституциявий-ҳуқуқий мақомларида, янада тўғриси — олий вакиллик органи, яъни ҳаммаси қонун чиқарувчи ҳокимият вазифасини бажаришга расман тўлиқ сафарбар эканлигидадир.

Қуйи ва юқори палаталарнинг шаклланиш тартибини дунё парламентаризми мисолида қиёсий-типологик ўрганиш ягона муштарак хулосага олиб келади. Яъни қуйи палата, асосан, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайловлар орқали бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Бу борада деярли барча демократик давлатларда бир хил ҳолат — сайлаш ва сайланишнинг муштарак усули кўзга ташланади.

Юқори палатани шакллантиришда эса дунё парламентаризмида бошқача демократик принцип, яъни ҳар хил усуллар мавжуд. Улар, асосан, тўрт хил усул: тўғридан-тўғри сайловлар орқали; билвосита сайловлар орқали; давлат бошлиғи томонидан тайинланиш орқали; кооптация йўли орқали. Масалан, Чехия, Руминия, Польшада юқори палата бевосита тўғридан-тўғри сайлов орқали шакллантирилади. Бельгияда 40 та сенатор тил квотаси бўйича пропорционал вакиллик асо-

сида тўғридан-тўғри сайлов орқали, 21 сенатор эса билвосита, яъни сайловлар асосида ва тил квотаси бўйича тиллар жамоаси Кенгаши томонидан сайланишади.

Канада Сенати 104 аъзодан иборат бўлиб, улар Бош вазир тавсиясига қўра генерал-губернатор томонидан тайинланади. Сенатор қайси провинцияга мансуб бўлса, ўша минтақа манфаатларини ҳимоя қилади. Провинциялардан тенг вакиллар сонини сақлаш тамойили ўлароқ, минтақалар тўрт гуруҳга бўлиниб, ҳар биридан 24 тадан вакил танлаш ҳуқуқи ҳамон давом этиб келмоқда. 1949 йилдан бошлаб Ньюфаундленд провинциясидан 6 та, 1976 йилдан эса Шимоли-ғарбий минтақалар ва Юкондан биттадан сенатор танлана бошланган.

Сенаторликка номзод Канада фуқароси бўлиши, 30 дан ёш бўлмаслиги, тайинланадиган провинцияда муқим яшаётган бўлиши, камида 4 минг долларлик кўчмас мулк соҳиби бўлиб, қарзи бўлмаслиги шарт. Шу сабаб ҳам сенаторлар орасида тадбиркорлари кўп.

XX асрнинг 60-йиллари ўрталаригача Сенат аъзолари бир умрга тайинланар эди. Мамлакат Конституциясига 1965 йилда киритилган ўзгартишлар улар ёшини 75 ёшгача чеклади.

Сенаторлар олдида Конституция бўйича катта шартлар қўйилган. Агар сенатор икки сессияда мунтазам қатнашмаса, фуқаролигини алмаштира, банкрот, қарздор бўлса, жиноят қилган бўлса Сенат аъзолигидан маҳрум қилинади.

Сенат расман мансабдор шахслар ва қўмиталардан ташкил топган. Сенат спикери Бош вазир тавсиясига биноан генерал-губернатор томонидан тайинланади. Керак бўлса, у спикерни лавозимидан озод ҳам қилади.

Сенат қўмиталари Сенат резолюцияси асосида тузилади ва доимий, махсус ҳамда бирлашган қўмиталардан ташкил топади.

Сенат фаолияти вақти-вақти билан янгиланадиган регламент асосида амалга оширилади ва ҳамиша ҳам кун тартибига риоя қилинавермайди. Баъзан бир неча дақиқаларгина давом этади, холос. Ҳафтада уч ёки тўрт мартагина ишлайди. Спикерни қўшганда мажлисда 15 сенат аъзосининг иштироки кифоя.

Сенат мақомини оширишни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар то ҳануз кутилган натижасини бермаяпти, Сенат ҳамон хусусий кишилар томонидангина тайёрланган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш билангина чекланиб қолмоқда.

Канада Сенатининг ташкилий-мақомий жиҳатлари профессионал Сенат тузилиши ва ваколатларига ўхшаш.

Юқори палатани шакллантиришда Европа давлатларига хос ягона устувор тамойил бу — вакилликнинг ҳудудий тамойилидир. Айнан ҳудудий вакиллик кўпгина юқори палаталарнинг таркибини белгилаб беради. Одатда, юқори палата аъзолари айрим давлатларда тўғридан-тўғри сайловлар йўли билан (Польша, Италия, Швейцария), билвосита сайловлар йўли билан (Голландия, Словения, Франция), аралаш йўл билан (Испания, Ўзбекистон, Қозоғистон, Ирландия) ва тайинлаш йўли билан (Россия, Германия) шакллантирилади.

Ўзбекистон тажрибаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Юқори палата — Сенат икки йўл — аралаш усули орқали шакллантирилади. Яъни Сенат аъзолари ҳам сайланишади ва ҳам қисман тайинланади. Мамлакат Конституциясига биноан (77-модда) ҳудудий вакиллик палатаси, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Шундай қилиб, мамлакатимизнинг 14 субъектидан 84 киши сайланади. Унга Президент томонидан тайинланган 16 киши қўшилади. Натижада жами сенаторлар сони 100 кишини ташкил қилади.

Миллий парламент тарихида илк бор шаклланган юқори палата — Сенатни таркибан шакллантиришда Ўзбекистон дунё парламентаризми тажрибасини ижодий ўзлаштириб, ўзига хос усулни танлади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон тажрибаси Ирландия тажрибасига яқин. Ирландияда 60 та сенат аъзосидан 11 тасини мамлакат Президенти тайинлайди, 49 таси эса (6 таси — университетлар, 43 таси — турли профессионал гуруҳлар томонидан) сайланади.

Дунё парламентаризми тарихи, хусусан, кейинги ўн йилликлар тажрибаси палаталараро таркиб нисбати ўзига хос бўлиши, яъни қуйи палата депутатлари сон жиҳатидан кўпроқ, юқори палата эса камроқ бўлиши лозимлигини ва бундай нисбат парламент фаолиятини конституциявий тартибга солиб турувчи омил эканлигини кўрсатмоқда. Нисбат жиҳатдан юқори палата аъзоларининг камлиги, асосан, бевосита қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган қуйи палатанинг конституциявий мақоми билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 120 депутатдан, Сенатнинг эса 100 та сенатордан иборат таркибда ташкил этилгани мантиққа мос келади. Боз устига, бу борада Ўзбекистон ёлғиз эмас. Масалан, Японияда палаталар аъзолари нисбати — 500:252, Польшада — 460:100, Швейцария конфедерациясида — 200:46, Голландияда — 150:75, Бельгияда — 150:71 ва ҳ.к.

Сенат тарихи ҳамда амалиётида Сенат аъзоларининг ва қуйи палата депутатларининг ваколатлари муддатлари ҳар хил. Ўзбекистонда икки палатанинг ҳам ваколатлари Конституция бўйича беш йил, деб белгиланган. Бу, биринчидан, палаталараро мувозанатни сақлаш имконини берса, иккинчидан ва у асосийси, қонун ижодкорлиги жараёнининг узлуксизлигини, учинчидан, мамлакат сайлов тизимида сайловларнинг аниқ вақтда, бир пайтнинг ўзида ўтишини, демак, сиёсий ҳаётда барқарорлик устувор бўлишини таъминлайди ва ҳ.к.

Сиёсий барқарорликка сафарбар палаталараро мувозанат аслида демократик давлатлар сиёсий тажрибасида, жумладан, сайлов тизимида азалдан мавжуд. Масалан, Италия, Голландия, Испания, Норвегия, Польша каби давлатларда пар-

ламентлар палаталари бир вақтда, бир муддатда сайланади. Японияда, Францияда бошқача тизим: Японияда қуйи палата (Вакиллар палатаси) тўрт йил, юқори палата (Маслаҳатчилар палатаси)да эса муддат — олти йил. Боз устига, ҳар уч йилда Сенат аъзоларининг тенг ярми янгидан сайланади. Францияда сенаторларнинг ваколат муддатлари олти йилдан тўққиз йилгача. Лекин ҳар уч йилда уларнинг муайян қисми алмаштирилиб турилади.

Франциянинг икки палатали парламенти Европа профессионал парламентаризмининг ўзига хос модели ҳисобланади. Францияда қонун қабул қилиш тажрибаси ва механизми ўзига хос (мамлакат қонунчилигига кўра, юқори палата — Сенат билан қуйи палата — Миллий Мажлис мақом жиҳатидан умумтенгдир).

Франция қонунчилигига кўра, сенатор депутат сифатида, аввало, қонун чиқарувчи мақомида Республика қонунларининг овозга қўйилишига масъулдир. Сенатор қонунчилик ташаббусига эга. Франция парламентида 10 фоизгача қонунлар айнан парламент ташаббуси ва таклифи самарасидир. Қолганлари, асосан, ҳукумат томонидан тайёрланади.

Қонун лойиҳалари парламентнинг иккала ассамблеяси (Францияда палаталар Ассамблея, деб юритилади) — Миллий Мажлис ва Сенатда кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда ҳукумат ваколатни кўпроқ қуйи палата — Миллий Мажлисга беради.

Сенатнинг қонунчилик ташаббуси, асосан, ҳукумат ва депутатлар томонидан тайёрланган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, лозим ҳолларда уларнинг матнига қўшимчалар киритиш ваколатидан иборат.

Францияда қонун қабул қилиш тартиби ҳар хил. **Биринчидан**, ҳукумат томонидан тақдим этилган қонун лойиҳаси Миллий Мажлисга ҳавола этилади. Лойиҳа қабул қилинса, тасдиқлаш учун Сенатга юборилади. **Иккинчидан**, тайёрланган қонун лойиҳаси ҳукумат томонидан бевосита Сенатга юборилади. **Учинчидан**, бир ёки бир неча сенаторлар томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари Миллий Мажлис тасдиғига юборилади. **Тўртинчидан**, бир ёхуд бир неча депутатлар томо-

нидан тайёрланган қонун лойиҳаси аввал Миллий Мажлисга овозга қўйилиб, кейин тасдиқ учун Сенатга жўнатилади.

Рўйхатдан расман ўтган қонун лойиҳаси зудлик билан барча сенаторларга тарқатилади. Уни доимий комиссиялар, зарур ҳолларда, махсус тузилган комиссиялар синчковлик билан ўрганиб чиқишади ва қабул қилиш-қилмаслик ҳақида аниқ қарорга келишади. Сенатнинг ялпи мажлиси шунга қараб қарор қабул қилади.

Франция Сенати таркибан ҳар бири ўз президентига эга 6 комиссиядан иборат:

— маданий-оқартув ишлар комиссияси: 52 та аъзо;

— иқтисодий ишлар комиссияси: 78 та аъзо;

— ташқи сиёсий фаолият, мудофаа ва Қуролли кучлар комиссияси: 52 та аъзо;

— жамоат ишлари комиссияси: 52 та аъзо;

— молия комиссияси: 44 та аъзо.

Жами: 321 сенатор.

Қонун лойиҳаси қайси комиссияга келиб тушишидан қатъи назар, комиссия ўз аъзолари орасидан референтни тайинлайди. Жараёнда бу референт ҳал қилувчи ролни ўйнайди. У ишни қонун лойиҳаси матнини тайёрлаган муаллифлардан бошлайди. Муаллифлар нима учун айнан шу лойиҳани тайёрлашгани ва уни қандай мазмун-мундарижада ёзилганини референтга ишончли исботлар билан асослаб беришади. Референт, айти пайтда, лойиҳадан манфаатдор кузатувчиларни ҳам маслаҳатга жалб қилади. Матнни чуқур, синчковлик билан ўқиган референт аниқ, қатъий хулосага келади, унга қўшилиши лозим ўзгартишлар билан боғлиқ таклифларни тайёрлайди ва уни комиссияга топширади. Комиссия аъзолари — сенаторлар иштирокида ўз ишчи йиғилиши вақтида лойиҳани ёхуд таклифларни ўрганайди. Референт барча аъзоларни матн мазмуни ва унга киритилиши лозим ҳар томонлама асосли қўшимчалар, ўзгартишлар билан батафсил таништиради. Шундан сўнг муҳокамага сенаторлар қўшилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтишади.

Матн ҳар бир модда бўйича ўрганилади. Референт матнга киритилган ўзгартишларни “қўшимчалар”, деб айтиш лозим-



лигини тан олиш-олмаслигини айтади. Бунга аъзолар муносабат билдиришади. Муносабат, шубҳасиз, турлича бўлади. Лекин бунгача референт комиссия президенти билан атрофлича маслаҳат қилиб олган бўлади. Шу боис референт фикрлари, одатда, инobatга олинади. Комиссия ҳар битта қўшимча, ҳар бир модда бўйича овоз беради. Шундан сўнггина лойиҳа матнини қабул қилиш ёки қилмаслик борасида қарор қабул қилинади.

Референт комиссия кўпчилик овоз билан қабул қилган таклифлар ва қўшимчалар ҳақида ахборот тайёрлайди. Ахборот чоп этилиб, барча сенаторларга тарқатилади. Сенаторлар ахборот билан танишиб, ўз фикр-хулосаларини айтишади, зарур, деб ҳисобланса, яна қўшимча, ўзгартишлар киритиш таклифини беришади. Охириги йиғилишда комиссия сенаторлар томонидан тушган таклифлар асосида тўлдирилган матни муҳокама этиб, муайян қарорга келишади.

Агар лойиҳа матни махсус комиссияга ёки танишиш учун бошқа комиссияга юборилган бўлса, “матн имтиҳони” худди шу сценарий асосида амалга оширилади. Танишув комиссияси эса матнда фақатгина ўзларини қизиқтирган жиҳатларнигина қараб чиқишади, холос.

Ана шу жараёнлардан кейингина қонун матни ёки унинг лойиҳаси Сенатнинг ялпи мажлисида кўрилади ва сенаторларнинг умумий овозига қўйилади. Умумий муҳокамада ҳукумат вакиллари (улар, одатда, вазирлар ёхуд қонун ижроси билан шуғулланадиган раҳбар мутасаддилар бўлишади), катта имтиёзга эга референт (ёки бир неча референтлар), ўз фикрини айтиш хоҳишида бўлган сенаторлар ва ниҳоят, мажлисга раислик қилувчи Сенат Президенти ёхуд вице-президентлардан бири иштирок этишади.

Манфаатдор вазирдан иборат ҳукумат, шубҳасиз, ўзи тайёрлаган лойиҳани ҳимоя қилади. Референт ўз хулосаларини айтади, позициясини комиссияда ҳимоя қилади, ўзининг ҳақ, холис эканлигини исботлашга уринади. Жараёнда сиёсий гуруҳлар ва улар томонидан комиссияга вакил қилиб юборилган сенаторлар фаоллашади. Мунозарага қизғин аралашади. Умумий муҳокама ана шу тарзда ўтади. Кейин бевосита қонун

лойиҳаси матни муҳокамаси бошланади. Мажлис раиси сенаторларни ҳар бир модда ва унга таклиф этилаётган ўзгартишлару қўшимчаларни кетма-кет изчилликда муҳокама қилишга даъват этади. Муҳокамада матн устида ишлаган сенаторларга, референт(лар)га сўз берилади. Ҳар бир сенатор уларга муносабат билдиради: ё қўллайди, ё қарши чиқади. Сенаторлар ичидан сайланган котиблар берилган овозларни ҳисоблаб чиқишади. Овоз бериш натижасига қараб Сенат раҳбари қонун лойиҳаси биринчи ва охириги моддасигача тўлиқ қабул қилинган ёки қилинмаганлигини расман эълон қилади. Шундан сўнггина Сенатда охириги — якуний расмийлик, яъни матнни тўлиқ тасдиқлаш тартиб-тамойили амалга оширилади.

Франция парламентаризми тажрибасида яна бир ўзига хослик иккала палатанинг ҳам қонунчилик ташаббуси билан боғлиқ. Маълумки, айрим давлатлар олий вакиллик органларида қонунчилик ташаббуси ёлғиз қуйи палата вазифаси ҳисобланади. Бу ҳолатда қонун лойиҳасини тайёрлаган қуйи палата уни тасдиқлаш учун юқори палата — Сенатга жўнатади. Сенат маъқул топса, лойиҳани тасдиқлайди, маъқул топмаса зарур эътирозлару асослар билан уни қуйи палатага қайтаради. Ўзбекистонда айнан ана шу усул танланган. Чунки Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ташаббусига эга эмас. Францияда эса бошқача йўл танланган. Яъни қонунчилик ташаббусига эга қуйи палата — Миллий Мажлис ва юқори палата — Сенат ҳар бири ўзича янги қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ҳуқуқига эга. Демак, қуйи палата тайёрлаган лойиҳа юқори палатага, Сенат тайёрлаган лойиҳа эса Миллий Мажлисга муҳокама ва тасдиққа юборилади. Юқорида таъкидлаганимиз, қонунчилик ташаббусига эга Сенат томонидан тасдиқланган қонун лойиҳаси Франциянинг қуйи палатаси — Миллий Мажлисга ҳавола этилади. Бу нормал тартиб-тамойил иккала палатанинг келишуви билан хотима топади. Келишув ҳар палатадан 7 тадан депутат ва сенатордан иборат аралаш тартибдаги комиссия ёрдамида амалга ошади. Мабодо аралаш комиссия ўзаро келиша олмаса, комиссия янги тартибда фаолиятини давом эттиради. Қонунчилик ташаббусига эга ҳукумат аралаш комиссияси ишини тўхтатиб, Миллий Мажлистан охириги инс-

танция сифатида қонун лойиҳасини тасдиқлаш ҳақида қарор қилишини талаб қилади (лекин ҳукумат Сенатга нисбатан муҳолифатда бўла олмайди. Бунга Франция Конституцияси йўл қўймайди). Ана шу тариқа Миллий Мажлис томонидан тайёрланган лойиҳа тасдиқланиб, қонун мақомини олади. Қонун матни тасдиқланиш учун Франция Республикаси Президентига имзо учун тақдим этилади. Президентга матн маъқул бўлмаса Конституциявий Кенгашга мурожаат этади ёки ўз ваколати доирасида иккала палата — ассамблеяга матнни янгидан муҳокама қилишни топширади. Бу ҳолда парламентнинг барча тартиб-тамоийли янгидан тақдорланади.

Қонунга Президент имзо чеккач, у газетада эълон қилинади. Қонун расман эълон қилинган куннинг эртасидан бошлаб кучга киради.

Демократик парламентаризм ўз конституциявий-ҳуқуқий мақомига кўра, сиёсий партиялар тизимиغا боғлиқлиги ҳаммага маълум. Партиявий тизим, асосан, қуйи палатани шакллантиришнинг бош омили. Кўппартиявийлик негизидаги сайлов, асосан, қонун ижодкорлиги билан бевосита шуғулланувчи палатанинг умумдунё тан олган демократик талаби. Мустақил номзодлар (Ўзбекистонда депутатликка мустақил номзодлар сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари орқали танланади. 2004 йил 26 декабрдаги Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида 54 та мустақил номзоддан 12 таси депутатликка сайланди), одатда, сон жиҳатидан кам бўлиб, улар мамлакат сиёсий ҳаётида сезиларли роль ўйнамайди. Сиёсий партиялар ва улар таркибидан сайланган депутатлар мамлакатда конституциявий-ҳуқуқий ислоҳотлар тақдирида ҳал қилувчи ролни ўйнашади, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларни демократик янада чуқурлаштиришдек туб янгиланиш жараёнларига сафарбар қарорлар қабул қилишади, уларнинг ижроларини амалиётда таъминлашда ташаббус кўрсатишади. Бу — бир томондан. Иккинчи томондан, парламент фаолиятининг серсамарлигини таъминлайди. Чунки парламент ишининг самарадорлиги кўп ҳолларда палаталарни шакллантирадиган, жамиятнинг, аҳолининг турли ижтимоий қатламларини, сиёсий гуруҳларни умуммақ-

сад йўлида бирлаштирадиган ҳар хил соғлом сиёсий кучларнинг қонун чиқарувчи орган таркибида қонуний эгаллаган ўрни, таркиби ва ўзаро нисбатига бевосита боғлиқ. Учинчидан, мамлакатда ҳукмрон сиёсий режим айнан миллий парламентнинг партиявий таркибида демократик намоён бўлади.

Модомики, қуйи палата, демократик анъанага кўра, асосан, турли сиёсий партиялар вакилларидан иборат депутатлар, фракциялар ва блоклар корпусидан ташкил топиши зарурат — талаб экан, унда юқори палата таркибида партияларнинг ўрни ҳамда мавқеи қандай?

Саволга дунё парламентаризми, аниқроғи, юқори палата тажрибасида мавжуд икки хил тартиб жавоб бўла олади. Биринчи тартиб — юқори палатада партиявий гуруҳларга бўлиниш тажрибаси мавжуд. Дарҳақиқат, айнан партиявий гуруҳлар давлат ҳокимияти органлари ўртасида доимий боғловчилик вазифасини, шунингдек, жамоатчилик фикри ифодачиси бўлишдек ўзининг асосий мақомини бажаришга ҳамиша тайёр бўғин ҳисобланади. Айнан сиёсий гуруҳлар ҳам парламентнинг таркибига, ташкилий шаклига, фаолият усуллариغا, ҳам қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги муносабатлар тизимига таъсир кўрсатишади. Бу асосан, қуйи палатага хос. Лекин юқори палатада ҳам партиявий гуруҳлар бор. Масалан, Буюк Британияда. Юқори палата — Лордлар палатасида аъзоларнинг партиявий гуруҳлари мавжуд. Бироқ уларнинг таъсири қуйи палата (Жамоалар палатаси)даги партиявий гуруҳларнинг таъсиридан кўра камроқ. Чунки лордлар сиёсий партиялар ва сайловчилардан нисбатан мустақил ҳисобланади. Шу боис партиявий интизом масаласида улар эркин. Албатта, юқори палата раиси — Лорд-канцлер ҳукумат аъзоси бўлиб, шахсан Бош вазир томонидан тайинланса ҳам (демак, у Бош вазир мансуб партия аъзоси), унинг учун муайян партияга мансублик катта аҳамият касб этмайди.

Италия парламентида эса депутатлар ҳам, сенат аъзолари ҳам парламент гуруҳларига, демак, партиявий гуруҳларга мансуб бўлиши шарт. Тўғри, Сенатда аъзолар муайян гуруҳларга бўлиниш учун (аъзолар сони 10 тадан кам бўлмаслиги керак) айнан бир партиянинг аъзолари бўлишлари шарт эмас.

Сабаб — Италия Сенатида парламент гуруҳлари турли партиялар блокидан ташкил топади. Партиявий гуруҳлар Сенат фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Шундай ҳолатни Франция парламенти — Ассамблеяси Сенатида ҳам кузатиш мумкин. Сенат Францияда доимий Ассамблея бўлганлиги учун партиявий, яъни сиёсий гуруҳлар сенаторлар томонидан эркин тузилади. Сиёсий гуруҳлар, асосан, парламент соатини ташкил этувчи айнан бир партияга мансуб сенаторлар, баъзан эса сиёсий мақсадлари муштарак партиялар аъзолари — сенаторлар томонидан тузилади. Улар Сенат ҳаётининг демократик узвий механизми ҳисобланади. Камида 15 сенатордан иборат бўлиши шарт сиёсий гуруҳлар Сенат аъзолари бир қисмининг ҳар уч йилда алмашиб туриши сабабли таркибан ўзгариб туради.

Сиёсий гуруҳларни тузиш анъанаси қуйидагича: ҳар бир гуруҳ ўз аъзоларининг рўйхатини тузиб, уларни бирлаштирадиган манфаатлар, гоаялар, мақсадлар йиғиндисидан иборат сиёсий баёнот ишлаб чиқишади ва ўз бюрolari ҳамда президентларини сайлашади. Ана шу тариқа сиёсий гуруҳлар расмийлаштирилади ва моддий жиҳатдан таъминланилади, уларнинг мажлислар ўтказадиган бинолар, гуруҳ президенти ҳамда маъмурий котибият аъзолари учун хоналар, жиҳозлар, шунингдек, сенаторлар фаолиятига ёрдам берувчи ходимларга маблағлар ажратилади. Ҳар бир сиёсий гуруҳ президентларининг роли муҳимдир. Айнан улар сиёсий гуруҳлар президентлари Конференциясига аъзо бўлишиб, Сенатнинг очиқ мажлислари кун тартибини тартибга солиш учун масъул ҳисобланишади.

Канадада бошқача принцип: сиёсий партиялар сайловлар жараёнида расмий тан олинмайди. Чунки сайловлар тартиби бошқача. Яъни сайловда иштирок этаётган номзод якка шахс — фуқаро сифатида сайлов кампаниясида қатнашади. Лекин икки йирик партия — консерваторлар ва либераллар — сайловлар жараёнларининг етакчи иштирокчилари ҳисобланишгани, ҳокимият улар ўртасида алмашилиб туриши сабабли Сенат таркибига аъзоларни тайинлашда номзодларнинг муайян партияга мансублиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳокимият

тепасида турган Бош вазир Сенатдаги бўш жойларни ўз вакиллари билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Чунки сенаторликка, асосан, собиқ вазирлар, жамоалар палатаси аъзолари, провинцияларнинг Бош вазирлари тайинланади.

Ўзбекистонда Олий Мажлис Сенати таркибан турли партияларнинг вакиллари ҳисобланишса-да, сенат аъзоси бўлиш учун бунинг аҳамияти йўқ. Миллий Сенатда Қонунчилик палатасидагидек партияларнинг фракциялари ҳам, блоклар ҳам, демак, сиёсий гуруҳлар ҳам йўқ. Бунинг асосий сабаби Олий Мажлис Сенатининг конституциявий мақомида, яъни соф ҳудудий вакиллик палатаси эканлигидадир. Миллий Сенат Олий Мажлис Сенати тўғрисидаги конституциявий қонунга кўра ҳам айнан шу мақомда фаолият юритади. Бундай мақом Сенат ва унинг аъзоларининг турли сиёсий гуруҳларга бўлиниб кетмаслиги, яъни юқори палатанинг сиёсийлашиб кетмаслиги, балки бевосита ўз вазифаси билан шуғулланиши имконини беради. Сенат очиқчасига сиёсийлашиб кетса, унинг қуйи палата — Қонунчилик палатаси билан муносабатлари ҳам умумманфаат мақсадлар кўлаמידан тор партиявий-сиёсий манфаатлар доирасига ўтиб кетади. Оқибатда палаталар ўртасида зиддият, келишмовчилик, ҳатто, очиқчасига душманлик келиб чиқади, умуммиллий манфаатга зарар етади, жамиятда беқарорликни келтириб чиқаради. Бунинг амалдаги исботини Қирғизистон Республикаси парламенти тажрибаси мисолида кўриш мумкин. Қуйи ва юқори палаталар ўртасидаги очиқ мухолифат, кураш Қирғизистонда сиёсий-ижтимоий барқарорликни бузиб, вазият шу даражада кескинлашдики, охир-оқибат парламент тарқатиб юборилди, икки палатали парламент тизими бекор қилиниб, бир палатали парламентга ўтилди.

Яна бир хавfli томони шундаки, Сенатда партиявий гуруҳлар тузилса, унда ҳудудий, демак, умуммиллий манфаатлар четда қолиб, партиявий-сиёсий манфаатлар асосий мақсадга айланади. Тегишли ҳудудлардан сайланган вакиллар — сенаторлар ўз ҳудудлари манфаатлари устида эмас, кўпроқ ўзлари бирлашган партиявий-сиёсий гуруҳлар манфаатлари ҳақида қайғуришади. Бу юқори палатани сиёсийлаштириб юбо-

ради. Демак, конституциявий-ҳуқуқий нормалар бузилади. Ўзбекистон қонунчилигида аввалбошдан буларнинг олди олинди.

Сиёсий тажрибада давлат органи бўлмиш парламентнинг ваколати қанақа? Саволга жавоб, биринчидан, давлатда қонунчилик органи ўзининг қандай ижтимоий вазифасини бажаради, иккинчидан, парламентнинг марказий ва маҳаллий давлат органлари билан муносабати қандай бўлиши лозим, деган масалаларнинг ечими ҳисобланади.

Парламент ваколатининг ўзига хослиги бевосита қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий вакиллик органи мақом-моҳияти билан белгиланади. Парламент ўз ваколатини Конституция ва қонунлар қабул қилиш, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосларини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш орқали ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Бу парламент мутлақ ваколатларга эга, дегани эмас, албатта.

Парламент ваколати, одатда, кенг ваколатлидир. Яъни у ҳам қонун чиқарувчи, ҳам вакиллик, ҳам назорат ва ҳам таъсисчи ҳисобланади. Ваколатлар мазмуни, кўлами, шубҳасиз, ўша давлатнинг конституциявий қурилиш типи — Парламент Республикаси, Президент Республикаси, аралаш Республика билан бевосита боғлиқ.

Қонунларни қуйи ва юқори палаталарда кўриб чиқиш тартиби дунёнинг турли давлатлари Конституцияларида турлича юридик расмийлашган.

Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича қонунчилик жараёни ҳар бир давлатнинг Конституцияси ва палаталар Регламенти билан белгиланади. Икки палатали профессионал парламентда қонун лойиҳаси, одатда, аввал қуйи палатада, сўнг юқори палатада кўриб чиқилади. Демократик дунё парламентаризми тажрибасига кўра (масалан, Буюк Британияда), қуйи палата қонун лойиҳасини, асосан, уч ўқишда қабул қилади. Ушбу қонун тегишли тартибда қуйи палата Спикери имзоси билан юқори палатага юборилади. Юқори палатанинг тегишли кўмитаси ва Сенат Раиси томонидан тузилган комиссия белгиланган вақт ичида қонунни чуқур, атрофлича ўрганиб

чиқади, хулоса беради, Сенат мажлиси муҳокамасига қўйилади. Юқори палата қонунни ўзгартишлар-у қўшимчаларсиз қабул қилиниши ёки тегишли ўзгартишлар киритиш шартлиги ҳақида ҳар томонлама асосланган қарор қабул қилади. Мабодо қонун матни маъқул бўлмаса, уни чуқур асосланган қарор қабул қилган ҳолда, яна қуйи палатага қайтаради.

Қонун рад этилса, палаталар ўзаро келишган ҳолда, ҳар икки томондан тенг миқдорда келишув комиссиясини тузади. Келишув комиссияси муайян қарорга келгач, қуйи палата қабул қилиб, юқори палата қўллаб-қувватлаган қонун лойиҳаси кўпчилик овоз билан тасдиқланиб, расман қонун мақомини олади ва ўн кун ичида давлат бошлиғига имзолаш учун юборилади. Президент белгиланган вақт орасида қонунни тасдиқлайди. Агар давлат бошлиғида қонун мазмун-мундарижаси юзасидан муайян эътироз бўлса, тегишли, асосланган таклифлар билан қонун қуйи палатага қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади ёхуд Президент Конституциявий судга мурожаат этиб, қонун ёки унинг айрим қоидалари Конституцияга мос келиш-келмаслигини текшириб кўришни топширади. Бундай амалиёт кўпроқ Польшада мавжуд.

Агар Президент ўз **вето (тақиқлаш)** ҳуқуқидан фойдаланиб, қабул қилинган қонунни имзоламаса, қуйи палата қонунда белгиланган муддатда қонунни қайтадан кўриб чиқади ва депутатлар умумий сонининг 2/3 қисми овози билан қабул қилади. Қонун, одатдагидек, яна юқори палатага қайта кўриб чиқиш учун юборилади, сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози (2/3) билан қабул қилинади.

Жаҳон парламентаризмининг конституциявий-ҳуқуқий мақомига кўра, икки палатали парламентда палаталарнинг бир-бирини тийиб туриши ва ўзаро мувозийлиги ижро этувчи ҳокимият органлари устидан парламент назоратини амалга оширишнинг турли шаклларида ифодасини топган.

Хўш, назорат шакллари қандай? Улар:

— парламент аъзолари орасидан Бош вазир номзодини тавсия қилиш;

— ҳукуматнинг ўз фаолияти дастури ҳақидаги маърузасини эшитиш;



## СЕНАТИ

- ҳукуматга ишонч ёхуд ишончсизлик эълон қилиш;
- президент истеъфосини қабул қилиш;
- парламент қўмиталари ва комиссияларининг текширув-  
вини амалга ошириш;
- халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан  
қабул қилинган амалдаги қонунчиликка зид қарорларни бе-  
кор қилиш;
- халқ депутатлари маҳаллий кенгашларини тарқатиб  
юбориш ҳақида қарор қабул қилиш;
- ҳукуматга ва алоҳида вазирликларга саволлар ҳамда  
парламент сўровлари юбориш;
- ҳукумат ва муассасаларнинг ҳуқуқий нормалар ижод-  
корлигига дахлдор ҳуқуқий чегарани ўрнатиш;
- бюджет маблағлари тақсимоти юзасидан назоратни  
амалга оширувчи Ҳисоб қўмитаси (палатаси)ни шаклланти-  
риш;
- ҳукуматнинг парламент олдида масъулигини белги-  
лаш.

Маълумки, парламент назорати, энг аввало, ижро этувчи ҳокимият органлари устидан амалга оширилади. Лекин дунё парламентаризми тажрибасида муайян ҳолларда суд ҳокимия-ти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Қуролли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлатнинг бошқа идоралари устидан ҳам парламент назорати амалга оширилади. Муайян ҳолларда давлат ва хусусий корхоналар, тадбиркорлар уюшмалари ҳам назорат объектига айланиши мумкин. Ҳукуматнинг молиявий фаолияти устидан Сенат назорати дунёнинг аксар давлатларида узоқ даврлардан бери мавжуд, масалан, Испания Конституцияси ушбу мақсадда давлатнинг молиявий ҳисоботини ва иқтисодий фаолиятини текшириш бўйича олий назорат органи — Ҳисоб палатасининг ҳуқуқий ваколатларини аниқ белгилаб берган. Ҳисоб палатаси бевосита парламентга итоат қилади. Текшириш учун унга давлатнинг ва расмий секторнинг молиявий ҳисоботи топширилади. Унинг асосий вазифаси — бош ҳисоботни тузиш ва парламент эътиборини бюджетни бажариш жиҳатларига қаратишдир. Россия Федерацияси ва Қозоғистонда ҳам федерал

ва республика бюджетлари бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи Ҳисоб палатаси ҳамда Ҳисоб қўмитаси мавжуд.

Ҳисоб палатаси Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 8-бандида Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киритилиб, шу модданин 17-бандида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш назарда тутилган.

Парламент назоратининг самарали шаклларида бўлмиш **парламент сўрови** кўплаб хорижий давлатларда иккала палата томонидан ҳам амалга оширилади. Бундай ваколат Ўзбекистоннинг қуйи ва юқори палаталарига ҳам берилган. Шунингдек, АҚШда Конгресс ҳар икки палатасининг қўмита ва комиссиялари ҳам парламент сўрови ҳуқуқига эга. Сенат ёхуд Вакиллик палатаси қарори бўйича обдон текширилган иш судга оширилиши мумкин.

Парламентаризм амалиётида парламент текшируви бу — ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари, мансабдор шахслар, Конституция ҳамда қонунлар ижроси устидан ўрнатилган назоратнинг олий шаклидир. Назорат ҳуқуқи Конституцияда расмийлаштирилган.

Дунё парламентаризми тажрибасида икки палатали қонун чиқарувчи орган амалда мавжуд конституциявий нормаларга асосланган умуммуштарак тамойиллар негизида ўхшаш хусусиятларга ҳам эга. Биринчидан, ҳар бир палата ўз қонунчилигига ва Регламентига эга. Уларда палаталарнинг мақомлари, ваколатлари аниқ ажратиб берилган. Иккинчидан, ҳар бир палата ўзига юклатилган вазифани тўлиқ, малакали бажариши учун тегишли таркибга ва девонга эга. Қуйи палатага Спикер, Сенатга — Раис раҳбарлик қилади. Спикернинг ҳам, Раиснинг ҳам ўринбосарлари бор. Палаталарда тегишли қўмиталар, комиссиялар фаолият кўрсатади. Учинчидан, юқори палата — Сенатда Раёсат (Бюро, Кенгаш) — ишчи орган ҳисобланади. Асосий иш қўмиталар (комиссиялар)да бажарилади. Айнан улар қуйи палатадан келган қонунларни кўриб чиқади.

Палаталарни бошқарган Раис ва Спикер ўз палаталари номидан иш кўради, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, фаолияти учун масъул бўлади, ялпи мажлисларни бошқаради, масалаларни овозга қўяди, Раёсатга, Кенгашга раислик қилади. Ўринбосарлар Раис ва Спикер йўқлигида ялпи мажлисларни, Кенгашни бошқаришиб, раҳбарлар томонидан берилган топшириқларни бажаришади. Раёсат таркиби раислар, уларнинг ўринбосарларидан иборат бўлади. Раёсат режа асосида ҳар ҳафта йиғилиб, қонун чиқариш билан боғлиқ барча масалаларни муҳокама этади.

Барча Сенатлар таркибан қўмиталар (АҚШ Сенатида Доминий қўмиталар) ва комиссияларга бўлинади. Сенат қўмиталари ҳам, комиссиялари ҳам, одатда, бевосита Сенат мақоми ва вазифалари, шунингдек, қуйи палата қўмиталарининг сони ҳамда фаолият йўналишидан келиб чиқилгани ҳолда тузилади. Дунё парламентаризми тажрибаси, бюджет ва иқтисодий масалалар, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш масалалари, ташқи сиёсат масалалари, муҳофаа ва хавфсизлик масалалари, парламент этикаси сингари қўмиталар мавжуд.

Таркибан сайланган Раис, унинг ўринбосари (ўринбосарлари) ва аъзолардан иборат Сенат қўмиталари Сенат мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунлар ижросини, шунингдек, Сенат қабул қилган қарорлар ижросини назорат этиш мақсадида тузилади. Барча қўмиталар тенг ҳуқуққа эга. Улар Сенат олдида масъул бўлиб, унга ҳисобот бериб туради.

Фаолият тартиби Сенат Регламентида белгиланиб берилган қўмиталар режа асосида ишлаб, қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

— қуйи палатадан келган қонунларни тасдиқлаш ёки рад этиш бўйича хулоса беради;

— ўз ташаббуси ёхуд Сенат топшириғига мувофиқ ваколат тасарруфларига дахлдор масалалари бўйича Сенат ҳужжатларини тайёрлайди;

— Давлат бюджети лойиҳаси бўйича хулоса ва таклифлар беради;

— қуйи палатадан келган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳларини тузади, унинг таркибига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий муассасалар вакиллари, мутахассисларни, олимлар, хўжалик раҳбарларини жалб қилади;

— қонунларга, шунингдек, Сенат қабул қиладиган қарорларга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

— Сенатнинг қонунчилик фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, тегишли қонунлар лойиҳалари мантларини тайёрлаб, уни қабул қилиш тартиб-тамойиллари билан шугулланади;

— давлат ҳокимияти органлари ва бошқармалари раҳбарларининг қонунларни, Сенат ҳамда қўмиталарнинг қарорларини ижро этилиши юзасидан ахборотларини тинглайди ва ҳоказо.

Албатта, Сенат қўмиталарининг ваколатлари ҳар давлатда ҳар хил. Сенатнинг мақомий ваколатлари қанча кенг бўлса, қўмиталарининг ваколатлари ҳам шунга яраша бўлади.

Жаҳон парламентаризми тажрибасидан маълумки, Сенатлар таркибида комиссиялар ҳам мавжуд. Улар доимий комиссиялар ва муваққат комиссиялардир. Ваколат қамрови кенг ва тажрибаси бой Сенатларда ҳар икки комиссия ҳам фаолият кўрсатади.

Турли долзарб масалалар, кўпроқ бажарилиши зарур аниқ вазифалар ижролари юзасидан Сенат мажлисида, одатда, 9—15 аъзодан иборат доимий ёки муваққат комиссиялар тузилади. Мабодо кўриладиган масала ўта муҳим, боз устига, мураккаб, тезлик билан ҳал этишни тақозо этса, фавқулодда комиссиялар ҳам тузилиши айрим давлатлар қонунчилигида назарда тутилган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунда Сенат комиссияларини тузиш шартлари ва ваколатлари, Сенат Регламентида эса уларни ташкил этиш ҳамда фаолият тартиблари белгилаб берилган. Миллий Сенатимиз комиссиялари зарур ҳоллардагина

ташқил этилади. Аксар хорижий давлатлар Сенатларида эса, асосан, доимий комиссиялар Сенат ваколати муддатида ҳаммаша расман фаолият кўрсатади. Одатда, доимий комиссиялар аъзоларининг асосий бурчи, аввало, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси бўйича ўз шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириш, уларни такомиллаштириш ёки қонун тайёрлаш ҳақида таклифлар бериш, давлат ва жамият ҳаётининг долзарб масалалари бўйича мунозаралар ўтказишдан иборат. Комиссиялар, асосан, очиқ, зарур ҳоллардагина ёпиқ мажлислар ўтказишади. Очиқ мажлисларда оммавий ахборот воситалари вакиллари ва манфаатдор шахслар таклиф қилинади.

Дунёдаги барча Сенат институтлари ўз Девонига эга. Девон Сенат тўғрисидаги қонунлар ва Сенат Регламентларида белгиланган тартибда, шунингдек, ўз Низомлари асосида фаолият кўрсатади. Девон, асосан, Сенат қўмиталарига, аъзоларига ахборот, илмий, ҳуқуқий, ташкилий ва техник ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилади.

Девоннинг бош вазифаси — ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш йўли билан қонун ижодкорлиги жараёнини таъминлашдир. Шу нуқтаи назардан Девон ва ундаги тегишли мутахассислар бўлимлар ходимларининг интеллектуал салоҳияти фавқуллодда баланд, малакавий савияси ва тажрибаси етук, ўз соҳасининг билимдон мутахассислари, таҳлилий теран мушоҳадага эга экспертлар бўлиши шарт. Сенатчилик амалиётидан шу нарса маълумки, Девон ходимлари баъзи ҳолларда ожизлик қилиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда четдан малакали экспертлар таклиф қилинади. Биргина мисол: АҚШ Сенати ўз экспертларига ва таҳлилий марказларига эга. АҚШ Конгресси кутубхонаси ҳам ўз тадқиқот хизматида эга. У Конгресс, жумладан, АҚШ Сенати учун табиий ва ижтимоий фанларнинг турли соҳаларига дахлдор масалалар бўйича махсус тадқиқотлар олиб боради. Конгресс, жумладан, АҚШ Сенати талабига биноан очиқ ва ёпиқ мазмундаги турли маърузалар, меморандумлар, эксперт хулосалари тайёрлайди. Ўз навбатида, Конгресс кутубхонаси тегишли илмий марказлар ва етакчи мутахассислар билан яқин алоқада. Ана шу тариқа тайёрланган ҳар томонлама пишиқ, асосланган таҳлилий ма-

териаллар қонунларни пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистонда миллий Сенат эндигина ўз фаолиятини бошлади. У шаклланишнинг ибтидо босқичида. Муаммолар етарли. Тажриба кам. Лекин тажриба аста-секинлик билан босқичма-босқич келади. Сенат раҳбарияти ва аъзолари буни теран тушунишади, боз устига, тарихан шакланган ва ривожланган дунё парламенти, унинг Сенат институтлари тўплаган бой ижодий-амалий тажрибалар Олий Мажлис Сенатининг мақомий фаолиятида, қонунчилик ишида роса асқотишини ҳам яхши билишади.

## И Б О Б

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*1-бағиса.*

Ўзбекистон инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат мақомига кўра конституциявий давлат бўлиб, ўз тараққиёти йўлини Асосий Қонун негизида белгилаб олди. Конституция ва қонун устунлиги миллий демократик ҳуқуқий ривож стратегиясининг асосий тақдириломон тамойилларидан бирига айланди.

Конституциявий давлат барпо этиш мақсади, шубҳасиз, конституционализмга олиб келади. Зеро, конституционализм Асосий Қонунга таянувчи конституциявий давлат ҳисобланади. Конституция ҳаёти, мақоми, унинг сиёсий тизимга уйғунлашуви давлат ва ҳуқуқ назариясида конституционализм, деб аталади. Асл маънода конституционализм бу — давлатдир, бу — сиёсий ва иқтисодий тузумга нисбатан умуммиллий келишувни, ялпи умумбарқарорликни таъминловчи ҳокимиятнинг конституциявий усулидир.

Миллий Тикланиш жараёнларининг туб тақдириломон ислохий-тадрижий босқичларининг ҳуқуқий яхлит ақоидига айланган, Ислом Каримов сиёсий-ҳуқуқий таълимотининг мажмуий теран маҳсули бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб берди.

Ўзбекистон ўз миллий истиқлол тараққиётининг, давлатчилик ривожининг жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, демократик туб ўзгаришларни янада чуқур-

лаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ ҳозирги янги сифат босқичида конституциявий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқур демократлаштиришдек табиий эҳтиёжини қондиришга киришди. **Жараённинг илмий-назарий яхлит асосланган амалий ижроси босқичи бошланди.** Босқич сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш, адолатли, очиқ фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш мақсад-вазифаларидек Ислом Каримов сиёсий таълимотининг устувор йўналишлари билан боғлиқ ғоялар маҳсули сифатида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини, уларнинг мақомини такомиллаштириш амалиётидан, умумхалқ Референдумидан бошланди.

2002 йил 27 январда ўтган Референдумда доимий ишлайдиган икки палатали профессионал парламент барпо этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари халқ томонидан қўллаб-қувватланди. <sup>1</sup>

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида бевосита Ислом Каримов ташаббуси, раҳбарлигида, аниқроғи, ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонун қабул қилинди (2002 йил 4 апрель).

10 моддадан иборат ихчам мундарижага, концептуал теран демократик мазмунга эга конституциявий қонун конституциявий-ҳуқуқий ялпи ислоҳотларнинг навбатдаги **сифат босқичини** бошлаб берди. Ўз мақоми нуқтаи назаридан Конституцияга тенг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонун амалдаги Конституцияга, қонунларга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, қабул қилинажак қонунларни янги конституциявий талаб ҳамда нормалар, принциплар негизда пишиқ, мукамал тайёрлаш имкони — ҳуқуқини берди. Зеро, **“агар, Референдум натижалари, биринчи галда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмаса, ҳавода муаллақ ҳолда осилиб қолиши**



мумкин”<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам эътибор, аввало, мазкур масалага қаратилди. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳолда, 2002 йил 27 январь куни ўтказилган ҳамда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масала бўйича қарор қабул қилган, шунингдек, демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қоидаларни ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишларни юридик белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлди.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг бешта асосий принципларини белгилаб берган конституциявий қонунда Ўзбекистон Республикасида сайловлар ўтказиш муддатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мақоми ва миллий парламентаризм тарихида илк бор ташкил этилажак икки палатали парламентнинг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ҳамда Сенат (юқори палата)дан иборат таркиби, уларнинг мақоми, шаклланиш тартиби, шартлари, палаталар ишини ташкил этиш, қонунни қабул қилиш ҳамда имзолаш процедуралари юридик расмийлаштирилди. Буларнинг барчаси кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, палаталар тўғрисидаги конституциявий қонунлар мундарижаларида расман ҳуқуқий аксини топди.

Бошқача айтганда, миллий конституциявий ривожланишнинг сифатан янги такомил босқичига юридик асос бўлган ушбу қонун Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. — Т.: Ўзбекистон, 2002. — 321-бет.

амалий ифодасини топа бошлади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва ниҳоят “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги туркум конституциявий қонунлар яратилди, амалдаги муайян қонунларга тегишли ўзгартишлар киритилди.

Қайд этилган туркум конституциявий қонунлар яхлит мундарижада иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун мазмунида тўлиқ аксини топди. Кейинчалик айнан ана шундай мундарижада янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида юридик расмийлашди. Шу сабаб асосий эътиборни, аввало, ушбу конституциявий қонунга, демак, Конституцияга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси моддалари нормаларига киритилган ўзгартишлар, асосан, унинг бешинчи бўлими XVIII—XX, XXIII бобларига тааллуқли.

Мазмунан олти йўналишдаги 32 моддага киритилган ўзгартишлар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мақоми ҳамда таркибига дахлдор ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳам мавжуд. Улар Конституция XVIII бобининг ўн тўрт моддасида (76—88- ва 93-моддалари) юридик расмийлаштирилган.

Конституциянинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси”, деб аталган XVIII бобига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларнинг Олий Мажлис Сенатига дахлдорлари **ўнта моддада** (76—78-, 80—82-, 84-, 86—88-моддалар) мужассамлашган. Киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни шартли равишда **тўрт гуруҳга** бўлиш мумкин.

**Биринчи гуруҳ** умумий йўналишдаги мундарижа билан боғлиқ. Яъни Конституциянинг 76-моддасида Олий Мажлис мақоми ва таркиби расмийлашган: “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

## С Е Н А Т И

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати — беш йил.

Иккинчи гуруҳ иккала палата, яъни ҳам Қонунчилик палатаси ва ҳам Сенатга тааллуқли моддалардан иборат. Олти моддада юридик аксини топган ўзгартишлар ва қўшимчаларнинг бевосита Сенатга дахлдорлари қўйидагилар (аслида моддалар мундарижаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунда ҳам мужассам бўлиб, унинг қўйироқда берилган таҳлилида мазкур моддалар мазмунан айнан такрорланади):

а) Конституциянинг 77-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов уни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас;

б) Асосий Қонуннинг 81-моддасида ваколат муддати ту-

гагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тегишинча янги чақириқ Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади. Мажлис сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлисларида, шунингдек, унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурор, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этиши мумкин. Ўзбекистон, Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин;

в) Конституциянинг 82-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

г) Асосий Қонуннинг 84-моддасида белгиланган қонун қабул қилиш тартибига биноан қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингандан сўнг, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мум-

кин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак;

д) Конституциянинг 87-моддасида "...Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Сенат муҳокамасига кiritиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан кўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, зарурат бўлган тақдирда, муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидан комиссиялар тузади", деб қайд этилган;

е) Асосий Қонунда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларига уларнинг сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланиши, Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги, Сенат аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши, улар Сенатнинг розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмаслиги ҳам қайд этилган.

Учинчи гуруҳда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари 78-моддада конституциявий махсус расмийлашган:

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тuzилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими-га биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бири-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади” (78-модда).

**Тўртинчи гуруҳга мансуб 80- ва 86-моддалар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига, таркиби ва уни сайлаш процедурасига ҳамда Сенат Раиси ваколатларига бағишланган:**

**а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига:**

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими-га



биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судини сайлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатаниннг ички тар-

тиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ўз таркибидан Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Сенат Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорларига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси:

1) Сенат мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;  
2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Сенат кўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;

7) Сенат қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси фармойишлар чиқаради.

Шунингдек, Конституциянинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти”, деб аталган XIX бобининг 93-, 95-, 98-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари, Сенатни тарқатиб юбориш сабаблари ва шартлари, ижро этувчи ҳокимият — Вазирлар Маҳкамаси билан Сенат ўртасидаги муносабатлар юридик расмийлашган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз конституциявий ваколатига кўра:

а) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни, Республиканинг чет давлатлардаги дипломатик ҳамда бошқа вакиллари тайинлаш учун номзодларни, шунингдек, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик суди раислари ва судьялари, Марказий банк бошқаруви раиси, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси лавозимларига номзодларни Олий Мажлис Сенатига тақдим этади;

б) Республика Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, шунингдек, Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаб, лавозимларидан озод қилганда бу масалаларга оид фармонларни Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади;

в) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлис Сенатига тақдимнома киритади ва судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этади;

г) ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

Президентнинг бу ваколатлари бевосита Олий Мажлис Сенати билан боғлиқ.

Давлат раҳбари конституциявий ваколатларининг бир қисми парламент — Олий Мажлисга, яъни унинг иккала палатасига ҳам дахлдор. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади ва лавозимидан озод қилади, давлатга ҳужум қилинганда уруш эълон қилади, шунингдек, фавқулодда вазиятлар юз берган тақдирда бутун ҳудудда ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиб,

қабул қилган қарорларини уч кун ичида Олий Мажлис палаталари тасдиғига киритади.

Конституциянинг 95-моддасида назарда тутилганидек, мабодо Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек, иккала палата ўртасида Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида иккала палата ҳам тарқатиб юборилиши мумкин. Янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юқори палата — Сенат мақоми, ваколатлари ва вазифалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита Сенатга дахлдор ваколатлари билан боғлиқ нормалари асосида юқорида таъкидланган махсус туркум конституциявий қонунлар қабул қилинди. Улардан учтасига — *“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунга*, *“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунларга тўхталамиз.*

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар талаби бевосита миллий парламентда келгусида шаклланажак юқори палата ҳақида *“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунда* ва *“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунда* муфассал ҳуқуқий ифодасини топди.

Беш қисм, 33 моддадан иборат *“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунда* (бундан кейин матнда конституциявий қонун, деб

юритилади) Умумий қоидалар ҳамда Яқунловчи қоидалардан ташқари Сенат ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шакллари, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари, Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссияларининг ваколатлари, қонунни кўриб чиқиш, келишув тартиб-қоидалари, қонуннинг Сенатда қайта кўриб чиқилиши процедуралари моддама-модда аниқ белгилаб берилган.

Умумий қоидаларда (1—7-моддалар) қонуннинг мақсади, Сенат мақоми ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари, Сенат таркибини шакллантириш, унинг ваколат муддати, Сенат аъзосининг сайланиш шартлари, ваколатлари, Сенат ҳужжатлари ва уларнинг қабул қилиниши процедураси бирма-бир қайд этилган.

Конституциявий қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мақомини белгилаш, Сенат фаолиятини ташкил этиш ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида белгиланган **Олий Мажлис Сенатининг мақоми, аъзоларининг сони, сайланиш ва тасдиқланиш процедураси** конституциявий қонунда аксини топган. Жумладан, Сенат иши ялпи мажлисларга ва унинг қўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади.

Сенатда ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳлар тузишга йўл қўйилмайди.

### **Сенат фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Сенат фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

### **Сенат фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг (бундан кейин матнда қонун, деб юритилади) 2-моддасида белгиланганидек, Сенат

фаолияти масалаларни биргаликда эркин муҳокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

Сенат иши вақти-вақти билан ялпи мажлисларга ва Сенат қўмиталари (комиссиялари)нинг мажлисларига чақириладиган сенаторларнинг фаолиятига асосланади.

### **Сенат таркибини шакллантириш**

Сенатни шакллантириш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **Сенатнинг ваколат муддати**

Сенатнинг ваколат муддати — беш йил.

Ваколат муддати тугагач, Сенат янги чақириқ Сенати иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

### **Сенат аъзоси**

Конституциявий қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси асосида Сенатга аъзо бўлиш шартлари, сенаторларнинг ҳуқуқий мавқеи, ваколатлари аксини топган. Бу ҳақда юқорида гапирилди. Уларга қўшимча қилиб куйидагиларни таъкидлаш мумкин:

Сенат аъзосининг ваколатлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Сенат аъзолари Сенатда доимий асосда ишлашлари мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторларнинг сони сенаторлар умумий сонининг тўртдан биригача бўлган миқдорда белгиланади. Улар сенаторлик ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Сенат аъзосининг мақоми қонун билан белгиланади.

### **Сенат ҳужжатлари**

Сенат ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек, палатанинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Сенат умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан баёнотлар ва мурожаатлар билан чиқиши мумкин, улар палатанинг қарори билан расмийлаштирилади.

Сенат қарорлари, ушбу қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Конституциянинг 78—80-моддаларидан келиб чиқилгани ҳолда Конституциявий қонуннинг **8—12-моддалардан иборат иккинчи қисмида** Сенат ваколатлари ва фаолиятнинг **ташкилий шакллари** юридик расмийлашган.

Сенат ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шакллари **икки йўналишда** — *бири*, Сенатнинг Қонунчилик палатаси ҳамкорлигидаги ваколатлари, *иккинчиси*, бевосита Сенатнинг ўзининг мутлақ ваколатлари, ўзига хос фаолият шакли — белгилаб берилган.

Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари Асосий Қонуннинг, юқорида таъкидлаганимиз, 78-моддасига биноан конституциявий қонунда айнан қайд этилган.

### Сенат мажлиси

Сенат фаолиятининг ташкилий шакли бўлмиш мажлислар заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Сенат мажлислари, агар уларнинг ишида сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларни маъқуллаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт.

Сенатнинг биринчи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат шакллантирилганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Сенатнинг биринчи мажлиси ишини ташкил этиш учун мажлиснинг муваққат котибияти ва саноқ комиссияси сайланади.

Сенатнинг биринчи мажлисида унинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади, шу жумладан, қоида тариқасида:

электрон тизимдан фойдаланиш устидан муваққат назорат гуруҳи сайланади;

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланади;

Сенатнинг қўмиталари тузилади.

Сенатнинг навбатдан ташқари мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат Раиси таклифига ёки Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисми таклифига биноан чақирилиши мумкин.

Фақат Сенат мажлисларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари маъқулланади ҳамда Сенат ҳужжатлари қабул қилинади.

Сенат ва унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди раислари, Бош прокурор иштирок этиши мумкин.

Сенат мажлисига давлат органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Сенат мажлислари очиқ, ошкора ўтказилади ва оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилади. Зарурат бўлганда, Сенат ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Сенат Регламентига кўра ҳар икки палата қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида мажлис ўтказилади. Қонунда белгиланган ҳолларда палаталарнинг қўшма мажлислари ўтказилади.



Палаталарнинг қўшма мажлиси очиқ ва ошкора ўтказилади.

Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади.

Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари асосида палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

### **Сенат мажлисининг кун тартиби**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига кўра, Сенат мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталари, маърузачилар (қўшимча маърузачилар), шунингдек, бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Сенат мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Сенат Кенгаши томонидан тузилади.

Сенаторлар Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида олдиндан хабардор қилинадилар.

Сенат мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади.

### **Сенат мажлисларида овоз бериш шакллари ва усуллари**

Шакл ва усуллар Сенат Регламентида белгилаб берилган. Унга биноан:

Сенатнинг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яши-

рин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин.

Сенат мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Сенат мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни сенаторлар жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади.

Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Сенат томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда конституциявий қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Сенатор ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

### **Парламент сўрови**

Конституциявий қонуннинг 12-моддасига биноан Сенат ва Сенат аъзоси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни Сенат Регламентига биноан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Сенат мажлисларида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Сенат муҳокама яқунлари бўйича қарор қабул қилади.

## **Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги бошқа ваколатларнинг амалга оширилиши**

Ваколатлар Сенат Регламентига кўра қуйидагича амалга оширилади:

— Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитади.

— Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин эшитади ва муҳокама қилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботлари юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сенатга тақдим этган ҳар йилги ҳисоботлари Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг қўмиталари, шунингдек, сенаторлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин.

Сенатнинг қўмиталари ёки сенаторлар талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Сенат қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади.

Конституциявий қонуннинг “Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари. Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари” — деб номланган учинчи қисми (13—22-моддалар) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига асосланган.

### Сенат Раиси

Сенат Раиси Сенат таркиб топганидан кейинги биринчи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади. Сенат Раислигига номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенат Регламентида расмийлашган. Регламентнинг 4-моддасига кўра Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат Раисини сайлашдан бошланади.

Сенат Раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан тақдим этилади. Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида сенаторлар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Сенат Раиси этиб сайланган ҳисобланади.

Сенат Раиси сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни Сенат мажлисида раислик қилувчи, яъни Марказий Сайлов комиссияси раиси имзолайди.

Сенат Раиси ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партия ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб туради.

Сенат Раиси Сенат қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Сенат Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторларнинг учдан икки қисмидан кўпрогининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Сенат Раиси ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

### Сенат Раисининг ваколатлари

Конституциянинг 86-моддасида белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ваколатларидан келиб чиқилгани ҳолда конституциявий қонунда

Сенат Раисининг қуйидаги 14 та ваколати юридик расмийлаштирилган:

1) Сенат ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Сенат маъқуллаган қонунларни имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборади;

4) Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

5) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

6) Сенат Раисининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

7) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

8) Сенат матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

9) Кенгаш билан келишилган ҳолда Сенат матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;

10) Сенат матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

11) Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;

12) Сенат ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;

13) Сенат девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, сенаторлар ва Сенат девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

14) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун ва Сенат Регламентида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Сенат Раиси ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли.

## Сенат Раисининг ўринбосарлари

Асосий Қонуннинг 86-моддасидан келиб чиқилгани ҳолда Сенат Раисининг ўринбосарлари Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади. Сенат Раисининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенат Регламентида белгиланган (4-модда). Регламентга биноан Сенат Раиси ўринбосарлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан тақдим этилади. Яширин овоз бериш натижасида сенаторлар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган номзод Сенат Раисининг ўринбосари этиб сайланган ҳисобланади.

Сенат Раиси ўринбосарлари сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилиниб, уни Сенат мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

Сенат Раисининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партиялар ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб туради.

Сенат Раисининг ўринбосарлари Сенат қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Сенат Раисининг ўринбосарлари Сенат Раисининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Сенат Раиси йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.

Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

## Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш

3-ража  
“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида кўзда тутилганидек, Сенат Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Сенат Раисининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Сенат Раисини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига ёки сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Сенат Раисини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни Сенат мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

### **Сенат Кенгаши**

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгаши тузилади.

Сенат Кенгаши палата мажлислари оралиғида заруратга қараб тўпланади.

Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва қўмиталарнинг раислари киради.

Сенат Регламентига асосан Сенат Кенгашига Сенат Раиси раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат Раиси имзолайдиган қарорлар қабул қилади.

### **Сенат қўмиталарини сайлаш**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 87-моддасида, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 16-моддасида назарда тутилганидек, Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш

рат қилиш учун Сенат шаклланганидан кейин унинг ваколатлари муддатига палата мажлисида Сенат Раисининг тақдимига биноан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сенаторлар орасидан Раис, унинг ўринбосарлари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади. Сенат Регламентига биноан Сенат бу ҳақда қарорлар қабул қилади.

Сенат Регламенти тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасида белгиланганидек, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари Сенатнинг қўмиталари таркибига сайланиши мумкин эмас.

Сенат Регламентига кўра Сенат қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, саккизтадан ошмаслиги керак. Ҳозир Сенатда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Сенат Регламенти бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкинлигини назарда тутган.

Сенат қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Қўмита таркибига сайланмаган сенатор унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

Сенат қўмиталари Сенат олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

### **Сенат қўмиталарининг ваколатлари**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 18-моддасида Сенат қўмиталарининг саккизта ваколоти қайд этилган. Улар:

1) Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун топширилган қонунлар юзасидан хулосалар беради;

2) ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан ўз ташаббуси билан ва Сенатнинг топшириғига биноан Сенат ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

3) қонунни мажлис кун тартибига киритиш ёки унинг



устида ишлашни давом эттириш ёхуд асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

5) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари ва бошқа хулосаларни, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

6) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

7) киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Сенат томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

8) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади.

### **Сенат қўмиталарининг ишини ташкил этиш**

Сенат тўғрисидаги конституциявий қонунга биноан Сенат қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек, Сенат, унинг Раиси ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Сенат қўмиталарининг фаолияти тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

### **Сенат қўмиталарининг мажлислари**

Сенат қўмиталарининг мажлислари Сенат мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари очиқ ўтказилади. Зарурат бўлганида Сенат қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

### **Сенат қўмиталарининг қарорлари**

Конституциянинг 80-моддаси 13- ва 14-бандларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига ўз фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ, шунингдек, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар, жумладан, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш назарда тутилган. Ваколатлар Сенат тўғрисидаги конституциявий қонуннинг 21-моддасида ҳам юридик аксини топган. Унга кўра, Сенат қўмиталари кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилиги овози билан қарорлар қабул қилади.

Сенат қўмиталарининг давлат органларига юбориладиган қарорлари улар томонидан кўриб чиқирилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

### **Сенат комиссиялари**

Конституциянинг 87-моддасида муайян вазифаларни бажариш учун сенаторлар орасидан Сенат комиссиялари тузиш мумкинлиги назарда тутилган. Сенат ва Сенат Регламенти тўғрисидаги қонунларнинг 22- ҳамда 8-моддаларида ана шу конституциявий талаб қуйидаги мундарижада умумлашган:

Сенат муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссиялар Сенат мажлисида сенаторлар орасидан комиссия раиси ва аъзолари, зарурат бўлганда эса комиссия

раисининг ўринбосаридан иборат таркибда тузилади. Сенат Регламентига биноан комиссия тузилгани тўғрисида Сенат қарор қабул қилади. Айти пайтда, комиссияни тузишдан қўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади.

Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вази-фалар бажарилганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига бино-ан муддатидан илгари тугатади.

Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тар-тиби Сенат Регламентида белгиланади.

### **Қонуннинг Сенат қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилиши**

Қонун Сенатга келиб тушганидан кейин, Сенат Регла-ментида белгиланганидек, Сенат Раиси уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул қўмитани белги-лайди.

Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асо-сида масъул қўмита қонун юзасидан хулоса қабул қилади. Хулосада қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги тав-сия ифодаланган баҳо бўлиши керак. Сенат Регламентидаги шартга биноан қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги ху-лосада масъул қўмитанинг қонунни рад этиш зарур, деб ҳисоб-лашининг важдари баён этилиши лозим. Масъул қўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилади, Кенгаш қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-кирит-маслик тўғрисида қарор қабул қилади.

### **Қонуннинг Сенат мажлисида кўриб чиқилиши**

Сенат масъул қўмитанинг хулосасини олгандан кейин маж-лисни, Сенат Регламентига биноан, маърузачининг ушбу ху-лосасини ўқиб эшиттиришдан бошлайди. Кейин қонунни му-ҳокама қилади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан маъқулланади.

Сенат Регламентида қайд этилганидек, Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун

Сенат қарори билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Қонунни рад этиш тўғрисидаги Сенат қарорида рад этиш важлари кўрсатилиши керак. Унда бир ватқнинг ўзида қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек, келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифлар баён этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда уларга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Овоз бериш очиқ ёки яширин бўлиши мумкин.

Овоз беришнинг шакли ва усули тўғрисидаги қарор Сенат томонидан Сенат мажлисида ҳозир бўлган сенаторларнинг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

### **Келишув комиссияси**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Сенат тўғрисидаги конституциявий қонуннинг 25-моддасига, Сенат Регламентининг 12-моддасига биноан Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни барта раф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Келишув комиссиясини тузиш тартиби, комиссиянинг таркиби ва иши белгилаб берилган Сенат Регламентида қайд этилганидек, Сенатда келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат Раисидан, шунингдек, Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумкин.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Се-

нат Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Сенатдан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида, Сенат мажлислари оралигидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссияси қонуннинг Сенат эътироз билдирмаган айрим моддалари таҳририни ўзгартириш тўғрисида, агар бундай ўзгартиришни Сенатнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонун моддаларининг таҳрири тақозо этадиган бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларининг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади.

Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасидан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишинча Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади.

Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак.

Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда, Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган туза-

тишларни инобатга олган ҳолда, ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

### **Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилган қонуннинг Сенат томонидан маъқулланиши**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 26-моддасига мувофиқ келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда, қонун Қонунчилик палатасида одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши лозим ва у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Агар Сенат илгари рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда уни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, қонун рад этилган ҳисобланади ва у Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

### **Қонунни имзолаш ва уни эълон қилиш**

Сенат маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, конституциявий ваколатидан келиб чиққан ҳолда (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 93-моддасининг 17-банди), қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қайтаришга ҳақли.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонуннинг Сенатда қайта кўриб чиқилиши**

Конституциянинг 84-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли эканлиги қайд этилган. Ана шу конституциявий ваколат доирасида Се-

нат тўғрисидаги конституциявий қонуннинг 28-моддасида, Сенат Регламентининг 13-моддасида қонунни Сенат томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби берилган. Тартиб қуйидагича:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган ва Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш учун Сенатга қайтадан киритилган қонунни Сенат кўриб чиқиб, уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Шунингдек, Сенат Регламентида таъкидланганидек, агар Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Сенатнинг эътирозларини ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинса, ушбу қонунни Сенат янгидан қабул қилинган қонун сифатида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

### **Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 8-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари жумласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ ваколатни Сенат қайси тартиб ҳамда мазмунда амалга ошириши Сенат Регламентида аниқ белгилаб берилган (16—17-моддалар). Яъни навбатдаги молия йили учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябрдан кечиктирмай Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети Сенатнинг кўриб чиқиши учун топширилади ва масъул кўмита томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджетига доир материаллар сенаторларга олдиндан, Сенат мажлисида кўриб чиқилгунга қадар юборилади.

Давлат бюджетини Сенатнинг мажлисида муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси молия вазири ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети бўйича қарор Сенат томонидан жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай қабул қилиниши керак.

### **Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш**

Сенат Регламенти тўғрисидаги қонуннинг 17-моддаси назарда тутганидек, Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала Сенатнинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилиши керак.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар мазкур бюджетни қабул қилиш учун белгиланган тартибда киритилади.

### **Сенат томонидан мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш)**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш) ваколати икки хил тартибда аксини топган. Асосий Қонуннинг 78-моддаси 15-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, 16-бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарларини сайлаш, 14-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киради.

Конституциянинг юқорида қайд этилган 80-моддасининг



2-, 5- ва 8—9-бандларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимларидан озод этиш бевосита Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатларига киради.

Хўш, ушбу ваколатлар Сенат Регламентида қандай мундарижада аксини топган?

**а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири  
номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан Сенатнинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенат тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди, Сенатни тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

**б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш**

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш масаласи юзасидан қарори Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узилкесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

**в) Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясини тузиш**

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

**г) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди,  
Олий суди ва Олий хўжалик судини сайлаш**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш тўғрисидаги масалани ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш масаласи юзасидан қарорлари маз-

кур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тақдим этилган номзодлар овоз бериш пайтида Сенат аъзолари овозларининг етарли сонини ололмасалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенат кўриб чиқиши учун шу номзодларни қайтадан тақдим этиши мумкин. Агар улар қайта рад этилса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенат кўриб чиқиши учун бошқа номзодлар тақдим этилади.

**д) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимдан озод этиш**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари лавозимларига тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Сенатга тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимдан озод этиш тўғрисидаги масалани Сенат ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ёки уларни лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кун-

дан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари лавозимларига тайинлаш учун тақдим этилган номзодлар овоз бериш пайтида Сенат аъзолари овозларининг етарли сонини ололмасалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенат кўриб чиқиши учун шу номзодларни қайтадан тақдим этиши мумкин. Агар улар қайта рад этилса Сенат кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бошқа номзодлар тақдим этилади.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Мазкур процедура Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78- ва 80-моддалари талаблари асосида амалга оширилади ва қуйидагиларни ўзида қамраб олади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, Давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 13-бандида назарда тутилган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, Давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш” иккала палатаниннг ҳам ваколатига киритилган. Сенат ваколати Сенат Регламентининг 23-моддасида қуйидагича белгиланган:

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, Давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги ўз тасдиғига киритилган фармонлари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва-

зирликлар, Давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

**б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш**

Асосий Қонуннинг 78-моддаси 18- ва 19-бандларида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш” ҳам Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатларига киради. Сенат ваколоти Сенат Регламентида (27-модда) шундай белгиланган:

Сенат ўз тасдиғига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини ушбу фармон келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соатдан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини эса улар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқ-

лаш ҳақидаги масала Сенат қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулудда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

**в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш**

Сенатнинг мутлақ ваколатлари ҳисобланган ушбу процедура Конституциянинг 80-моддаси 6- ва 7-бандларида аксини топган. Уларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш бевосита Сенат ваколатига киради. Шундан келиб чиқилгани ҳолда Сенат Регламентининг 25-моддасида қуйидагилар юридик расмийлашган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масалалар Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарор-

лари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

### **Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш**

Конституциянинг 78-моддасида белгиланган “Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш” Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари доирасига киради. Сенат Регламентига кўра (26—27-моддалар), Сенат Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш кераклиги тўғрисидаги материалларни, Қонунчилик палатасининг референдум ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш тўғрисидаги қарорини, шунингдек, мазкур масала бўйича масъул қўмитанинг хулосасини кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

— референдум тайинлаш ва уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

— референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикасининг референдуми масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига, шунингдек, референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур масала юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатасининг қарорлари ушбу масала юзасидан Сенат қарор қабул қилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

## **Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Асосий Қонуннинг 78-моддаси 20-бандида белгиланган “Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш” иккала палатанинг ҳам биргаликдаги ваколатлари ҳисобланади. Сенат Регламентида (27-модда) бу қуйидагича расмийлашган:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масаланинг Сенатда кўриб чиқилиши Қонунчилик палатасининг тегишли қарори Сенатга киритилганидан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат маъқуллаган қарор белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

## **Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Конституциянинг 78-моддаси 11-бандига кўра, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатларига киради. Ана шу қоидадан келиб чиққан ҳолда, Сенат Регламентида (28-модда) қуйидаги тартиб белгиланган:

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатаси ижобий қарор қабул қилганидан ва Сенатга тегишли материаллар келиб тушганидан кейин Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат



маъқуллаган қарор белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

### **Амистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш Конституциянинг 80-моддаси 10-бандига кўра, бевосита Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатларига киради.

Сенат Регламентига кўра (29-модда), Сенат амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади.

Амистия тўғрисидаги ҳужжат мазкур ҳужжат қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида эълон қилиниши керак.

### **Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Асосий Қонунда (80-модданинг 11-банди) Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари сирасига “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш” ҳам киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг сенаторни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномалари Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг сенаторни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш масаласи юзасидан қарори

дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

### Сенатнинг халқаро алоқалари

Конституциянинг 86-моддаси 5-бандида Сенатнинг халқаро алоқалари “парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади” мазмунида юридик ифодасини топган. Ана шундан келиб чиқилгани ҳолда, Сенат Регламентида Сенатнинг халқаро алоқалари кўлами ва тартиби аксини топган (33-модда). Регламентга кўра, Сенат бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, расмий парламент делегациялари алмашилиши, шунингдек, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирларни ўтказиши мумкин.

Бошқа давлатларнинг парламентлари раҳбарларига, давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларига, парламент делегациялари раҳбарларига уларнинг илтимосига биноан Сенат мажлисида сўзга чиқиш имконияти берилиши мумкин.

### Сенатни тарқатиб юбориш

Асосий Қонуннинг 95-моддасида Сенатни тарқатиб юбориш сабаблари, шартлари қайд этилган. Ана шу конституциявий шартдан келиб чиқилгани ҳолда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Сенатнинг тарқатиб юборилиш сабаблари бирма-бир кўрсатиб берилган:

— Сенат таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёки у бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

— Сенат билан Қонунчилик палатаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига

таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда.

Сенат тарқатиб юборилган тақдирда уч ой мобайнида унинг янги таркиби шакллантирилади.

Сенат фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

### **Сенат Регламенти**

Сенат, унинг органлари ва мансабдор шахслари фаолиятининг тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Бу юридик тартиб эса таҳлил қилганимиз “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги махсус қонуннинг қабул қилинишини тақозо этди.

### **Сенат Девони**

Сенат, унинг органлари ва сенаторлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Сенат девони амалга оширади.

Сенат девони тузилмаси, штатлари, ходимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек, уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар Сенат Раиси томонидан тасдиқланади.

Сенат девони ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари Сенатнинг ваколати муддатига боғлиқ бўлмайди.

Сенат девони юридик шахс ҳисобланади.

Сенат девонининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Сенат Раиси томонидан тасдиқланадиган Низомда белгиланади (бу ҳақда IV бобда батафсил фикр юритилади).

### **Сенат фаолиятини молиялаштириш**

Конституциянинг 88-моддасида Сенат аъзоларига уларнинг сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланиши айtilган. Шундан келиб чиққан ҳолда Сенат фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Харажатлар сметаси Сенат раиси томонидан тасдиқланади.

## Сенатнинг матбуот органлари

Конституциявий қонунга биноан Сенат ўз матбуот органларига эга бўлади.

Нихоят, биз Олий Мажлис Сенати мақоми, ваколатлари, вазифалари билан боғлиқ конституциявий-ҳуқуқий асослар мажмуи билан танишиб чиқдик. Энди навбат Сенат аъзоси мақомининг ҳуқуқий манбасига. Шундай манба — “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги махсус қонун бўлди. У 2004 йил 2 декабрда икки палатали парламентга сайловлар арафасида қабул қилинди. Мақсад Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ҳамда депутатлик, сенаторлик фаолиятининг асосий кафолатларини юридик белгилашдан иборат.

Умумий қоидалардан ташқари (2—6-моддалар) Сенаторнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари (7—8— ва 10—11-моддалар) ҳамда Сенатор фаолиятининг асосий кафолатлари (12—21-моддалар) мундарижасидан иборат жами 21 модданинг 1- ва 9-моддаларидан ташқари 2-моддаси бевосита Сенатга, қолган моддалари Олий Мажлиснинг иккала палатасига дахлдор.

Умумий қоидаларда сенатор бўлиш шартлари, сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ваколатлари муддати, сенатор гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони, сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги иши юридик расмийлашган. Жумладан, Олий Мажлис Сенатига сайланган ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сенатор ҳисобланади.

Сенатор ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати-

нинг Регламенти тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, мазкур қонун ва бошқа қонунларга мувофиқ амалга оширади.

Сенатор Сенатнинг ваколатлари муддатига сайланади (тайинланади).

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунда қуйидаги ҳолларда сенаторнинг ваколатлари муддатдан илгари тугатилиши назарда тутилган:

— ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

— қонунга кўра сенаторлик ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;

— унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

— чақириб олинган тақдирда;

— суд уни муомалага лаёқатсиз, деб топган тақдирда;

— суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган, деб топилган ёхуд вафот этган, деб эълон қилинган тақдирда;

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

— вафот этган тақдирда;

— палата тарқатиб юборилган тақдирда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгагининг сенатор этиб сайланган депутати ваколатларининг муддатидан илгари тугатилиши унинг сенаторлик ваколатлари тугатилишига олиб келади.

Алоҳида ҳолларда сенаторнинг ваколатлари Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Сенатор, деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Сенаторнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас.

Сенаторда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан бериладиган тегишли гувоҳнома ва

кўкрак нишони бўлади. Сенатор гувоҳнома ва кўкрак нишонидан ўз ваколатлари муддати мобайнида фойдаланади.

Сенаторнинг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисидаги Низом, шунингдек, бундай гувоҳнома ва нишон намуналари ҳамда тавсифлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Сенатор қонун ҳужжатларига мувофиқ Сенатда доимий асосда ишлаши мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Қонунда сенаторнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қуйидагича белгиланган:

— Сенатор Сенатнинг мажлисида кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

Сенатор:

— палатанинг органларига сайлаш ва сайланишга;

— палата мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

— палата мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;

— қарор лойиҳаларига тузатишлар киритишга;

— палата томонидан тузиладиган органларнинг шахсий таркиби ҳамда сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;

— мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;

— парламент сўрови билан мурожаат этишга;

— ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга;

— палата мажлисида раислик қилувчига палата мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топширишга;

— палата таркибидаги ўзи аъзо бўлган тегишли органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини палата мажлисида баён қилишга ёки бу ҳақда Сенат Раисига ёзма равишда маълум қилишга;

— палатага ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини палата мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;

— Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек, палата қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

— палата мажлисларининг стенограммалари билан танишишга;

— фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Сенатор қонунларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Сенатор Сенатнинг мажлисларида, шунингдек, палатанинг қайси қўмитаси, комиссияси таркибига, келишув комиссияси таркибига сайланган бўлса, шу қўмита, комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда Сенатнинг Регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт.

Сенат, қўмита, комиссия, келишув комиссияси мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда сенатор бу ҳақда Сенат Раисига, қўмита, комиссия раисига, келишув комиссиясининг тегишли палатадан сайланган ҳамраисига олдидан хабар қилиши шарт.

Сенаторнинг зиммасида қонунларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақлидир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига жавобни белгиланган муддатларда палатанинг мажлисида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига, Олий ҳўжалик суди раисига, Бош прокурорига, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин.

Сенатор одоб қоидаларига қатъий риоя этиши лозим. Сенаторнинг ўз мақомидан фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Сенаторлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг, сенаторнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли палата томонидан ёки унинг топшириғига биноан палатанинг органи томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Қонунда сенатор фаолиятининг асосий қафолатлари белгилаб берилган. Жумладан, ҳар бир сенаторга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шартшароит қафолатланади, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадрқиммати муҳофаза қилинади.

Сенаторнинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий ёки ўзга тарзда жавобгар бўладилар. Сенаторни ҳақорат қилиш, шунингдек, унга нисбатан тўхмат қилиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Сенаторлик ваколатларини амалга оширишига тўсқинлик қилиш мақсадида сенаторга қанақа тарзда бўлмасин таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Сенатор олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб унга ёлғон ахборот берадиган, сенатор фаолиятининг қафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Сенатор ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади.



Палатанинг розилигисиз сенатор жиной жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олинishi ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Сенаторни мажбурий келтиришга, шунингдек, унинг уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорти воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек, унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Сенатор палатада овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан, ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар шундай хатти-ҳаракатлар муносабати билан сенатор ҳақорат қилишга, туҳмат қилишга ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган бошқа қонунбузарликларга йўл қўйган бўлса, у дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда жавобгарликка тортилади.

Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан ўн кун ичида ҳал этилади.

Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг ёки палата Кенгашининг сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик бериш масаласига доир қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурига юборилади.

Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иш юртиш тамомланган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида Сенатга ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади. Тегишли ишни тугатиш тўғрисидаги қарор фақат янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

Сенатор ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқидан, шунингдек, уларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сирини ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотларга сенаторнинг кириш тартиби қонунда белгиланади.

Сенаторнинг палатада ишлаган вақти умумий иш стажига ва аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда амалга ошираётган сенаторни у ўзининг сенаторлик вазифаларини бажарадиган вақтда, унинг иш жойи (лавозими) сақланган ҳолда, ишдан озод қилишлари шарт. Сенаторлик вазифаларини бажараётган вақтда сенаторнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Сенаторга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади, қонун ҳужжатларида кўпроқ муддатли таътил назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Сенат тарқатиб юборилган тақдирда Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторга ишдан бўшатиш нафақаси тўланади ҳамда ишга жойлашиш даврида қонунда белгиланган тартибда ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Сенатор ўз ваколатлари амал қилаётган муддат мобайнида ҳарбий йиғинлардан озод қилинади.

Сенат девони сенаторни ҳужжатлар, зарур ахборот ва маълумот материаллари билан таъминлайди, шунингдек, сенаторлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштиради.

Сенаторга техник воситалар, алоқа воситалари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш учун шарт-шароит яратилади.

Сенаторга сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайдиган маблағ тўланади.

Сенаторга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биносида идора мебелли, зарурий техника воситалари ва девонхона ашёлари билан жиҳозланган алоҳида хизмат хонаси (ёки хизмат хонасида иш жойи) берилади.

Сенатор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортида (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

Сенатор аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йўл вокзаллари ҳамда станцияларининг расмий шахслар ва делегациялар учун мўлжалланган залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Сенатор ўз гувоҳномасини кўрсатганидан кейин темир йўл вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиацияси агентлиги ёки аэропортлар унга поезднинг ётоқли ёки юшоқ ўриндиқли вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой беришлари шарт. Сенатор палатанинг мажлисига бораётганда унга самолёт чиптаси парвоздан камида икки соат олдин, бошқа ҳолларда эса камида бир сутка олдин берилади.

Чиптасида ўриндиқнинг тартиб рақами ҳам кўрсатиладиган шаҳарлараро, шунингдек, шаҳар атрофига қатнайдиغان автобусларда сенатор автовокзаллар ва автостанцияларнинг кассаларидан навбатсиз олинадиган текин чипта билан юради. Қолган барча ҳолларда сенаторнинг йўловчилар транспортида юриши (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) сенаторнинг гувоҳномаси бўйича амалга оширилади.

Сенатор ҳар бир транспорт турида амалда бўлган нормаларга мос қўл юқини текин олиб юриш ҳуқуқига эга.

Транспорт ташкилотлари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторга, агар улар Тошкент шаҳрида турар-жойга эга бўлмаса, берган аризаларига биноан ваколатлари амал қиладиган муддатга оила аъзолари билан яшаш учун Тошкент шаҳрида хизмат турар-жойи берилади.

Сенатор ўзига берилган ҳамда ўзи эгаллаб турган хизмат турар-жойини сенаторлик ваколатлари тугаган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай бўшатиб бериши шарт. Мазкур талабнинг бажарилмаслиги суд тартибида кўчиртирилишга сабаб бўлади.

Ана шу тариқа икки палатали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — миллий парламентнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди. Уларда палаталарнинг, жумладан, юқори палата — Сенатнинг ташкилий-институционал шаклланиши, мақоми, ваколатлари ва вазифалари, Сенат аъзоларининг мақоми юридик жиҳатдан пухта расмийлаштирилди. Жуда қисқа даврда бевосита Сенатга дахлдор бешта мақсадли қонунлар қабул қилинди, амалдаги Конституцияга, тегишли қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Мақсадли ушбу қонунлар учун “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонун асосий юридик база бўлиб хизмат қилди. Конституциявий қонунда икки палатали парламентни, жумладан, юқори палата — Сенатни ташкил этиш масаласи ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Натижада “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлар, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги туркум қонунлар қабул қилинди.

Ҳуқуқий демократик давлат конституциявий ислоҳотга киришди. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун ўлароқ, амалдаги Асосий Қонун XVIII бобининг ўн тўртта моддасида (76—88 ва 93-моддалар) бўлажак икки палатали миллий парламентнинг, жумладан, юқори палата — Сенатнинг мақоми ва таркиби билан боғлиқ ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонун Сенат мақоми, юқори палата ишини ташкил этиш ва унинг Қонунчилик палатаси ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатини тартибга солиш қоидаларини белгилаб берди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунда Сенат фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, асосий принциплари, шакллари, таркиби, Сенат мажлисларида қонунлар ва қарорларни кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилиш, раҳбариятни сайлаш, Президент фармонларини тасдиқлаш, юқори палата ваколатига кирувчи бошқа масалаларни кўриш тартиблари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда сенаторлик фаолиятининг асосий кафолатлари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунда белгиланди.

Олий Мажлис Сенатининг мавжуд конституциявий-ҳуқуқий асослари юқори палата тимсолида икки палатали профессионал миллий парламентнинг цивилизациялашган парламентаризм, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий давлатчилик сари демократик йўлини аниқ белгилаб берди.

### III Б О Б

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТИ ҲАМДА ИККИ ПАЛАТАЛИ МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИДА СЕНАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг теран шакланган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотида қонун чиқарувчи ҳокимият — миллий парламентнинг шаклланиш ва такомиллашиш жараёнлари, босқичлари, мақоми ҳамда вазифалари ҳам назарий, ҳам амалий муштаракликда яхлит квинт-эссенция ҳолида изчил уйғунликда кашф этилган. Йўлбошчимиз яхлит сиёсий фалсафасида ушбу масалалар назарий жиҳатдан гоят кўламдор, кенг қамровли, мундарижавий бой бўлиб, улар, шубҳасиз, махсус йирик тадқиқотлар объекти ҳисобланади. Шу боис биз масаланинг атиги бир қиррасини — Ўзбекистонда икки палатали профессионал парламент тизимида юқори палата — Сенатни шакллантириш ғояси ва унинг амалиёти билан боғлиқ давлатимиз бошлиғи қарашларини илмий умумлаштиришни асосий мақсад қилиб қўйдик.

Маълумки, профессионал парламент ғояси машҳур “ўзбек модели”нинг стратегик тамойиллари мазмуний мақом-мундарижаси моҳиятида яхлит мужассам эди. Миллий Тикланишнинг, демократик тараққиётнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий, яъни босқичма-босқич йўли, энг муҳими, шу йўлнинг мустақил давлатимиз Асосчиси сиёсий ғоялари — қарашлари квинтэссенцияси бўлмиш назарий асослари ва уларнинг бугунги амалий самаралари, янгиланиш жараёнларининг ютуқлари яхлит, муштарак ҳолда демократик истиқбол режаларини аниқ, оқилона, энг муҳими — реал белгилаб олиш имконини берди.

Ислом Каримов сиёсий ва ҳуқуқий таълимотида икки палатали профессионал парламент ҳақидаги қарашлар, гоёлар бевосита Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолияти асосини ташкил этувчи сиёсий ҳамда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳаларидаги туб ислоҳотларни янада такомиллаштириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ истиқболдаги стратегиялар билан боғлиқ.

Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” дастурий асарида учинчи минг йиллик арафаси ҳамда унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни тубдан янада чуқурлаштириш ва жамиятни демократик янгилашнинг мазмун-моҳиятини олти устувор йўналиш силсиласида мажмуий аниқ белгилаб берди. Миллий тараққиёт беш тамойилининг ўзига хос мантиқий узвийлиги ифодаси бўлиши устувор йўналишларнинг муштарак мазмуни жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришдек миллий гоё маҳсулидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “**ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият-эътиборига кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди. Шу билан бирга, табиийки, биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимизни демократиялаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз**”.<sup>1</sup>

Эркинлаштириш тамойилини кенгайтириш соҳасидаги асосий йўналишлар аввали мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, деб белгиланди.

“Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” асарида олға сурилган асосий устувор гоёлардан бири давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш сиёсий соҳани ялпи эркинлаштириш йўналишининг узвий мантиқий моҳиятларидан бирига, мазмуний мундарижасига айлангани фактида амалий намоён бўлди. Бу борадаги асосий вазибалардан бири — ҳокимият барча тармоқлари-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 380-бет.

нинг бир-бирдан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустақамлашдан иборат бўлди.

Давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш Конституцияда, қонунларда кўзда тутилган ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-бирдан ажратиш тамойили амалда қандай рўёбга чиқарилаётганига боғлиқ эди. Амалда таркиб топган давлат бошқаруви тизими, жумладан, бошқарувнинг Президентлик институти жорий этилди, Олий Мажлис, сайлаб қўйиладиган маҳаллий ваколатли органлар — Кенгашлар ташкил топди. Ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шакллантирилди. Истиқлолча миллий тараққиётнинг эркинлаштириш тамойили билан боғлиқ янги сифат босқичи, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” сиёсий қурилиши дастури давлат бошқаруви тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида уларга ўхшатиб такомиллаштиришни тақозо этди.

Ана шу тариқа XX аср сўнггида Йўлбошчимиз сиёсий назариясининг навбатдаги кашфиёти ҳисобланган эркинлаштириш стратегияси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш, жамиятда мавжуд турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, демократия тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган серсамар тизимни вужудга келтиришдек, долзарб вазифалар қўламини тайин этди.<sup>1</sup>

Вазифалар аввали ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституциявий принципига амал қилинишини таъминлашга қаратилди. Қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган вилоят, шаҳар, туман Кенгашларининг Конституция ҳамда қонунларда уларга берилган ваколат ва назорат вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишига эришиш мақсад қилиб қўйилди. Зотан, “дав-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.Т.8. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 332—333-бетлар.



латнинг куч-қудрати, аввало, демократик институтларининг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий... салоҳиятини рўёбга чиқариш... қобилияти билан ўлчанади”.<sup>1</sup> Бу ерда гап “мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган самарали тизимни вужудга келтириш ҳақида бормоқда”.<sup>2</sup>

Ана шундай самарали тизимлардан бири икки палатали профессионал парламентни ташкил этиш ғояси билан боғлиқ.

Ислом Каримов сиёсий ва ҳуқуқий таълимотида ушбу ғоя ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Давлат ўз демократик ҳуқуқий мақомида “ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили амалиёти силсиласида жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш борасида муайян стратегик тажрибага эга бўлди. Демократик миллий-сиёсий ва ҳуқуқий таълимот яхлит миллий-сиёсий назария мақомида тўлиқ шаклланиб, Йўлбошчимиз сиёсий фалсафаси кашфиёти сифатида Ўзбекистоннинг замонавий ақлий ривож стратегиясини белгилаб берди. Боз устига, ҳаётнинг, жамиятнинг тез суръатлар билан ўзгариши, одамларимизнинг сиёсий ва маънавий онги улғайиши, демократик янгиланишлар, туб ислоҳий жараёнларининг шиддатли шитоби, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ижобий ўзгаришларга эришишдек асл мақсад мукамал қонунларга бўлган зарур эҳтиёжни юзага келтирди. Эҳтиёж қонун чиқарувчи ҳокимият — парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли таркибий ва тизимий ўзгаришлар бўлишини табиий тақозо этди. Ана шу қонуний мантиқ, талабдан, демократик ҳуқуқий давлатнинг асл мақомидан келиб чиққан ҳолда, давлат қурилиши ва бошқарувини, хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимият тизимини такомиллаштириш кун тартибидаги долзарб сиёсий ҳодисага айланди. Зеро, ҳар жиҳатдан пухта заминга таянган, келажак уфқларини қамраб оладиган пишиқ қонунлар фақат ва фақат икки палатали пар-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 335-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 336-бет.

ламентдагина ишлаб чиқилиши дунё парламентчилиги тажрибасидан маълум. Табиий савол туғилади: икки палатали парламентнинг бир палатали парламентдан афзаллиги нимада?

Парламентаризм назарияси ва тарихига кўра, бир палатали парламент, биринчидан, ўз шаклланиш механизми билан, иккинчидан, қонун ҳужжатларини тез қабул қилиши билан фарқ қилади. Шу жиҳатдан бир палатали парламент муайян афзалликка эга, албатта. Қўш палатали парламентда иккинчи палатанинг мавжудлиги турли минтақалар манфаатларини ҳимоя қилишни, энг муҳими — қабул қилинаётган қонунлар савиясининг сифат жиҳатидан юқори бўлишини таъминлайди.

Яна бир фарқ шундаки, бир палатали парламент, одатда, аҳоли сони кам, жуғрофий жиҳатдан кичик давлатларда мавжуд. Аҳолиси кўп йирик давлатларда эса, асосан, икки палатали парламент (одатда, уларни қуйи ва юқори палаталар, деб аташади) фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда икки палатали парламентни ташкил этиш ғояси, таклифи илк бор Ислом Каримовнинг иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида сўзлаган “Ўзгариш ва янгиланиш — ҳаёт талаби” дастурий нутқида расман ўртага ташланди: “... биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим. Бунда қуйи палата — Олий Мажлис партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан сайланади. Сиёсий партиялар ва аҳоли йиғилишлари унга ўз вакилларини ўтказади, улар парламентда доимий равишда ишлайди... Муҳими шуки, янги шаклдаги парламентда мутахассис депутатлар фаолият кўрсатади, яъни у профессионал парламент бўлади”.<sup>1</sup>

Хўш, икки палатали профессионал парламентни ташкил этиш эҳтиёжига яна қандай омиллар асос бўлди? Нега мустақилликнинг ибтидосида биратўла икки палатали парламент тизимига ўтилмади? Ҳолбуки, истиқлолга эришган қўшни давлатлар қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг айнан шу икки ти-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.Т.8. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 483-бет.

зимли таркибини ўз мустақилликларининг дастлабки пайтларидаёқ ташкил этишган эди-ку (Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, кейинроқ Тожикистон ва бошқалар).

Ушбу саволларга асосли илмий-амалий жавоблар Ислом Каримовнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотида теран мужассам. Таълимотда бош омил, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари танлаган истиқлолча миллий тараққиёт йўли моҳиятида, ялпи туб ислоҳотларнинг босқичма-босқич, яъни тадрижий янги-ланиш, демократик узлуксиз такомиллашиш тамойилида. Давлат ва жамият қурилишида, бошқарувнинг таркибий тизими такомилида ҳам “Ўзбек модели”нинг айнан ана шу босқичма-босқич принципига қатъий риоя қилинди ва қилинмоқда. Ўзбекистоннинг икки палатали профессионал парламент сари тадрижий йўли ҳам, аввало, мазкур стратегия маҳсули.

Иккинчидан, қонунчилик каби қонун ижодкорлиги борасида ҳам миллий тажрибанинг етишмаслиги, профессионал кадрларнинг йўқлиги, жаҳон қонунчилиги, қонун ижодкорлиги амалиётидан тўлиқ хабардор эмаслигимиз, том маънодаги демократик парламент ҳамда парламентаризм анъаналарининг йўқлиги билан боғлиқ қатор объектив ва субъектив омиллар Ўзбекистонда дастлаб бир палатали миллий парламент — Олий Мажлисни шакллантириш учун асос бўлди.

Миллий тараққиётимизнинг белгиланган босқичма-босқич ислоҳотлар йўли парламентнинг дастлаб бир палатали шаклда ташкил этилиши объектив заруратлигини амалда яна бир бор исботлади. Миллий парламентаризм борасида тажрибасизлик аввалбошдан тузилиши мумкин бўлган икки палатали Олий Мажлисида рўй бериши эҳтимолдан ҳоли бўлмаган палаталараро келишмовчиликларга, айниқса, қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ихтилофларга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас эди. Посттоталитар давлатларнинг айримларида айнан шу ҳол рўй берганига, сиёсий ислоҳотлар бошлангач, кучли ихтилофлар юзага келганлигига гувоҳмиз. Масалан, Россия Федерациясида олдинга сиёсий майдондаги турли шакллардаги яширин, кейин очик, ошқора ихтилофлар охир-оқибатда 1993 йилдаги қонун чиқарувчи ҳокимият — Давлат думаси билан ижро этувчи ҳоки-

мият — Президент ва ҳукумат ўртасидаги кескин тўқнашувга олиб келганини ёхуд қўшни Қирғизистон Республикасида аввалбошдан ташкил этилган икки палатали парламентда палаталараро келишмовчиликларни, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар орасидаги низолару можароларни эшлаш кифоя (Охир-оқибат бу келишмовчиликлар Қирғизистонда 2005 йилнинг март ойида рўй берган ҳодисаларга сабаб бўлди). Қонун ижодкорлиги, профессионал парламент борасида тажрибанинг йўқлиги, пухта ўйланмасдан, шошма-шошарлик билан ташкил этилган миллий парламент алал-оқибат қонун чиқарувчи ҳокимиятни инқирозга олиб келди: Россия Федерациясида парламент тарқатиб юборилди (90-йиллар бошлари), Қирғизистон Республикасида икки палатали парламентдан воз кечилди.

Ўзбекистонда эса Олий Мажлис икки чақириқдан иборат ўн йиллик ташкилий-амалий фаолиятида икки палатали профессионал парламентни барпо этишдек тажрибага етарлича эга бўлди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон истиқлолча демократик миллий тараққиёт йўлида босқичма-босқич ривожланиш, давлат қурилиши ҳамда бошқаруви тизимини тадрижан такомиллаштириб бориш орқали бир палатали парламентни ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш амалиётидан икки палатали профессионал парламентни барпо қилиш, унинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини, вазифаларини аниқ белгилаб олишдек демократик цивилизацияга эришди. Муҳими — миллий парламент давлат қурилиши ва бошқаруви ислохотлари ўлароқ, ўз мақоми, ўрни ҳамда мавқеини, вазифаларини аниқ белгилаб олди, қонун ижодкорлигидек мураккаб жараёнда мамлакатда қизғин кечаётган, кутилган самараларини бераётган янги туб ислохотларнинг ишончли ҳуқуқий базаларини яратиб, кўп қиррали мураккаб ижтимоий муносабатларни тартибга солишдек функцияларини самарали бажара бошлади. Боз устига, жаҳон парламентаризми, жумладан, парламентчиликнинг икки палатали тарихи ва бой тажрибаси пухта ўрганилди, қонун ижодкорлиги билан боғлиқ миллий қонунчилик амалиёти шаклланди. Миллий хусусиятларимиздан, танланган ўзига хос демократик та-

раққиёт йўлимиз стратегиясидан, давлатчилигимизнинг қарийб уч минг йиллик тарихи, шунингдек, цивилизациялашган дунёнинг демократик ҳуқуқий тажрибаларидан, ибратли амалиётидан келиб чиқилгани ҳолда, қонун ижодкорлиги билан боғлиқ ўзига хос миллий мактаб юзага келди. “Биз ўсиб-улғайиб, бугун шу даражага етиб келдик. Энди малакали ҳуқуқшуносларимиз, иқтисодчиларимиз, сиёсатчиларимиз етарли. Қонун яратишда, аввало, ҳаётни яхши биладиган, сиёсатни чуқур тушунадиган ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва мутахассис вакиллар ишлаши даркор.

Профессионал парламент турли тоифалар, сиёсий партия ва ҳаракатлар вакиллари воситасида жамиятдаги мавжуд сиёсий-ижтимоий қарашларни ўзида акс эттиради... Мақсад шуки, улар дунё тажрибасини, қайси мамлакатда қандай қонунлар бор, уларнинг қандай афзал жиҳатлари мавжуд, бугунги замон нимани талаб қилмоқда — барчасини ўргансин, ибратли жиҳатларини ҳаётга тадбиқ этсин”.<sup>1</sup>

Ислом Каримов сиёсий ва ҳуқуқий таълимотининг навбатдаги янги саҳифаси бевосита “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” сиёсий қурилиш дастури билан боғлиқ. Зеро, Ўзбекистон тарихан саноқли йиллар ичидаёқ кучли демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишдек конституциявий мақсад сари дадил интилди. Мустақил ўзбек давлатчилигини мустаҳкамлаш, мустақилликни ҳимоя қилиш масалалари Ислом Каримов сиёсатининг бош тақдириломон мақсади сифатида ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналиши, деб белгиланди. “Зеро, кучли давлат — бу янгилишларни давом эттириш, инқирозлар олдини олиш, иқтисодиётни таркибий қайта қуришни йўлга қўйиш, унинг барқарорлиги ва ривожланишига шароит яратиш, деганидир”.<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, кучли давлатгина бош ислоҳотчи, конституциявий ҳуқуқий давлат бўла олади. Кучли давлат кучли давлатдек “тирикчилик” қилиши, янгича сифат, янгича моҳият-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 483-бет.

<sup>2</sup> Мухаметишин Ф.М. Законодательный процесс в системе государственной власти Российской Федерации. — М.: Научная книга, 2003. — С.7.

ни тақозо этди. Давлат қурилиш ва бошқарувида ана шундай янги сифату моҳият бўлиб тузилажак икки палатали профессионал парламент гоёси — ташаббуси хизмат қилди. Гоё ташаббускори — Ислом Каримов — аввало, унинг назарий-концептуал асосларини яхлит таълимот сифатида кашф қилди. Йўлбошчи кучли давлат барпо этиш амалиётига тўлиқ эришиш бевосита, тўғридан-тўғри қонунчилик жараёнини профессионал ташкил этишга боғлиқлигини яхши билар эди. Шунинг учун ҳам унинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти негизини икки палатали парламент, жумладан, юқори палата — Сенат назарияси ва амалиёти билан боғлиқ масалалар ташкил этди. Миллий Сенатни шакллантириш, унинг таркибий тузилиши, минтақалараро миқдор нисбати ва асосий вазифалари ҳақидаги фикрлар, қарашлар Президент сиёсий фалсафасининг устувор асосига айланди. **“Юқори палата таркибини, — деб таъкидлайди Йўлбошчи, — вилоят, шаҳар, туманлардан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил этади... Улар юқори палатада шу вилоятнинг манфаатларини ҳимоя қилади”**.<sup>1</sup> Улар ўзлари яшайдиган минтақадаги ҳақиқий аҳволни яхши биладиган, унинг имкониятлари, муаммолари ҳақида етарлича тасаввурга эга, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган ҳар томонлама тобланган кишилар бўлиши шарт. Вилоятлардан, уларнинг катта-кичиклиги, аҳолиси сонининг оз-кўплигидан қатъи назар, Сенатга сайланган депутатлар сони бир хил бўлиши лозим. **“Бу — вилоятлар ўртасидаги тенгликни таъминлайди.**

**Юқори палатага сайланган вакилларнинг асосий вазифаси куйи палатада тайёрланган қонунларни кўриб чиқиш ва шунга мос равишда ўзларининг қарорларини қабул қилишдан иборат бўлади”**.<sup>2</sup>

Сенат аъзолари ўзлари вакил ҳудуднинг манфаатларини ҳимоя қилади, деган мақомни тўғри тушуниш лозимлигини давлат бошлиғи алоҳида таъкидлаб ўтди: **“юқори палата мамлакатимизнинг барча ҳудудларига тенг кўз билан қараб, ана**

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. — Т.: Ўзбекистон, 2004. — 483—484-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 484-бет.

шу ҳудудларнинг вакиллари орқали халқимиз манфаатларини бир хилда ҳимоя қилиши керак”.<sup>1</sup>

Сенат ва Сенат мақомлари-ю вазифалари тўғрисидаги Президент сиёсий қарашларида илк бор олға сурилган ғоялар миллий давлатчилик қурилиши ва бошқарувининг энг янги замонавий тарихида сифат жиҳатидан эпохал даврни бошлаб берди. Тузилажак профессионал парламент, наинки, қонун ижодкорлиги борасидаги мавжуд айрим муаммолар ечимини топиб беришига, айти пайтда, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, қонун меъёрлари ва қоидалари асосида яшаш маданияти, яъни асл маънодаги ҳуқуқий давлат барпо этиш орқали очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш кафолатига айланишига ишончни комиллаштирди.

Икки палатали парламент ташкил этилишининг ғоядан реал амалиётга айланиши аниқ ҳуқуқий базага асосланиши лозим эди. Ана шундай дастлабки юридик база бўлиб 2002 йил 27 январда ўтказилишга мўлжалланган умумхалқ референдуми тўғрисидаги қарор, референдум натижалари асосида қабул қилинган “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни хизмат қилди.

Президент Ислом Каримов умумхалқ референдуми муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган “**Демократик тараққиёт йўлидан**”, деб номланган интервьюсида ташкил этилажак икки палатали парламент, жумладан, юқори палата — Сенат мақоми, ваколатлари, таркиби ва вазифалари билан боғлиқ масалаларни мамлакат сиёсий ҳаётининг янги воқелиги силсиласида назарий жиҳатдан батафсил ёритиб берди. Муҳими — икки палатали парламент, унинг қуйи ва юқори палаталари ҳақидаги назарий-амалий қарашлар теран аниқланди. Каримов сиёсий фалсафаси ана шу тариқа янги ғоялар, қарашлар ва талқинлар билан янада бойиди, янада теранлашди.

<sup>1</sup> Ўша жойда, 484-бет.

Референдум натижалари сиёсий ислохотлар жараёнларини фавқулодда тезлаштириб юборди, давлат қурилиши ва бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш омилига айланди. Жумладан, сайлов тизими тартиби, моҳияти, унга муносабат ҳам ўзгариши, профессионал депутатлардан иборат доимий ишлайдиган қўйи палатанинг ташкил этилиши амалда кўппартиявий тизим қарор топишига кучли туртки бўлиши кўзда тутилди ва ҳоказо.

Каримов сиёсий таълимотида юқори палатанинг ташкилий-мақомий фаолияти янада конкретлаштирилди, унинг Россиядаги Федерация Кенгаши ёки Франция Сенати, АҚШ Сенати каби фаолият юритиши зарурлиги таъкидланилди. Бунинг учун, аввало, ана шу давлатлар Кенгаш ва Сенатлари тажрибасини чуқур ўрганиш, бизнинг шароитимизга, ҳаётимизга, менталитетимизга тўғри келадиган жиҳатларни минг йиллик тарихимиз, илдизларимизни инобатга олган ҳолда ижодий ўзлаштириш орқали улардан кенг фойдаланишимиз лозимлиги айтилади. Шу жиҳатдан давлатимиз бошлиғи таълимоти методологик аниқ кўрсатма ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ташкилий-таркибий ва функционал вазифаси айнан ана шу методологик кўрсатма асосида амалга оширилади. Мақом ҳам шунга мувофиқ белгиланади: юқори палата, **“биринчидан... туман, шаҳар ва вилоят депутатлари орқали маҳаллий ҳокимият манфаатларини ифода этади. Иккинчидан, қўйи палата тақдим этган у ёки бу қонун лойиҳаларини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик орқали улар ўз ҳудудлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик жараёнида иштирок этади”**.<sup>1</sup>

Интервьюда келажакда шаклланажак юқори палата ваколатлари ҳақидаги янгича сиёсий қараш аксини топган. Жумладан, Президентнинг айрим ваколатлари, шунингдек, ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг кўпгина йўналишлари юқори палатага берилиши гоёси илгари сурилган эди.

Умумхалқ референдуми муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берилган интервьюда умумий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. — Т.: Ўзбекистон, 2002. — 185-бет.



Йўналишда аксини топган сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясидаги дастурий маърузасида ҳам назарий, ҳам амалий-таҳлилий умумлашмасини топди. Ғоя шаклидаги янгича қараш босқичма-босқич яхлит сиёсий-ҳуқуқий таълимот мақомини ола бошлади ва замонавий миллий ақлий ривожнинг навбатдаги инкишофига айланди. Президентнинг Олий Мажлис VIII сессиясидаги **“Янгилашни ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди”** дастурий маърузаси оҳорли сиёсий ғоялар, башоратли назарий-амалий қарашларнинг муштарак мундарижасидан иборат бўлди. Унда умумхалқ референдумининг натижалари, уларни ҳаётга тадбиқ қилиш йўллари, ҳуқуқий механизмлари кўрсатиб берилди. Гап сессия кун тартибига кирган “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ҳақида кетмоқда. Референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб, муҳрлаб берган бу ҳуқуқий ҳужжатда келгуси чақириқ Олий Мажлиснинг янги таркиби, парламент қўйи ва юқори палатасининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қонун қабул қилишдаги ўзаро алоқаси ва муносабати, палаталарнинг шаклланиш тартиби, аъзолари сони ҳамда ваколат муддатларини белгилаш принциплари, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозими ва Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг ягона муддати, шунингдек, истиқболда қабул қилиниши зарур янги қонунлар олдига қўйиладиган принципаал талаблар, амалдаги Конституцияга тегишли ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш тартиби аксини топди. Булар ҳаммаси яхлит муштаракликда асосий мақсад — қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанат ҳамда уйғунликни таъминлашга, бир-бирининг фаолиятини тақрорламасликка, органларнинг ҳар бири ўз вазифасини, бурчини, ваколатини аниқ бажаришга шароит яратиб беришга, демак, кучли демократик ҳуқуқий давлатдан кучли жамият сари илдам боришга сафарбарлиги билан тақдириломон сиёсий ҳодисалардир.

Ислом Каримов мазкур конституциявий қонунда Сенат аъзоларини сайлаш муддати борасида узил-кесил аниқлик киритилганини бирма-бир кўрсатиб беради. Юқори палата “сайловчилар томонидан барча маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар сафидан бу палатага территориал субъектлардан, Қорақалпоғистон Республикаси бўладими, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар бўладими, буидан қатъи назар, уларнинг ҳар биридан олти нафардан депутат сайланади. Улар қаторида Президент томонидан тайинланадиган ўн олти нафар эл-юртда обрў-эътибор қозонган, кўзга кўринган киши ҳам юқори палатанинг аъзоси бўлади”.<sup>1</sup>

Халқ вакиллари сифатида фаолият кўрсатадиган юқори палата аъзоларининг функционал вазифаларини таъкидлар экан, давлат бошлиғи Сенатнинг шаклланиш тартибига тўхталиб, у демократиянинг ҳар қандай талабларига тўла жавоб беришини эътироф этди. Айни пайтда, Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликдаги фаолияти, палаталар ўртасидаги фарқлар, Сенатнинг қуйи палата билан биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шуғулланмаслиги, балки қуйи палата томонидан тақдим этиладиган қонунларни маъқуллаши ёки рад этиш орқали, аввало, мамлакатимиз, шу билан бирга тегишли минтақа манфаатларини инобатга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги соҳасида иштирок қилиш каби ўзига хос ҳуқуқий мақомлари ҳақида тўхталиб, юқори палатанинг ваколатларини қайд этди. Улар орасида Президент бажараётган баъзи бир вазифалар, бошқа бир қанча муҳим масалалар қаторида Сенат зиммасига юклатилиши таъкидланди.

Палаталар фаолият тартиби ҳақида гапираркан, давлат бошлиғи қуйи палатанинг доимий асосда иш олиб боришини, Сенат эса ялпи мажлисларда тўпланиб, қуйи палата томонидан тайёрланган қонунларни муҳокама қилишини ва ўз қарорини чиқаришини айтади.

Албатта, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конс-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. — Т.: Ўзбекистон, 2002. — 331-бет.

титуциявий қонун шаклланажак икки палатали парламентнинг янги таркиби ва вазифасига доир фақатгина асосий белгиларнигина кўрсатиб берганлигини эътироф этган Президент, аввало, амалдаги Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни, палаталарнинг ҳар бири бўйича махсус қонунлар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди. Шундай туркум қонунлар ишлаб чиқилди ва уларга конституциявий қонун мақоми берилди. Улар орасида бевосита Сенатга дахлдорлари қуйидагилар: “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлар ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Регламенти тўғрисида”ги қонундир.

Маълумки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бутун дунёда *“Ислом Каримов Конституцияси”*, деб эътироф этилади. Бу — тўғри ва адолатли эътироф. Ҳали собиқ иттифоқ давридаёқ бошланган амалдаги Конституцияга ўзгартишлар киритиш ташаббуси тоталитар тизим — ёвузлик империяси парчаланиб кетиши ўлароқ, амалга ошмай қолган эди. Ташаббус ўшанда Ислом Каримовдан чиққан эди. Ҳатто, махсус комиссия ҳам иш бошлаган эди. Ана шу конституциявий янгиланиш ташаббуси жараёнидаёқ И.А.Каримовнинг мутлақо янгича қадриятлар ва назарий-амалий доктриналарга асосланган оҳорли сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари шакллана бошлаган эди.

Мустақилликдан кейин истиқлол Ўзбекистони суверен давлат мақомида ушбу масалага янгидан қайтди. Республикада Президент раҳбарлигида том маънодаги конституциявий ривожланиш босқичи бошланди. Босқич илмий адабиётларда муфассал таҳлил этилган, ҳам назарий ва ҳам амалий умумлашмалар қилинган. Биз бу ерда ёлғиз бир ижодий-тарихий фактни таъкидлаш билан чекланамиз. **Мустақил давлатнинг ўз Конституциясини қабул қилиш жараёнлари ва босқичлари амалда Ислом Каримов сиёсий-ҳуқуқий таълимотининг теран шаклланиш ва такомиллашиш жараёнлари ҳамда босқичлари бўлди.** Давлатимиз раҳбари мазмун-моҳият нуқтаи назаридан мут-

лақо янги сиёсий-ҳуқуқий назарияга асос солди. Шу жиҳатдан унинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясидаги (2003 йил 24 апрель) мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўта муҳим ўрин тутган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун муҳокамасига бағишланган **“Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли”** маърузасида олға сурилган янги гоёлар миллий сиёсий фалсафанинг навбатдаги кашфиёти бўлди.

Маълумки, 2002 йил 27 январда ўтган Референдум келажакда икки палатали миллий парламентни шакллантириш масаласини ҳал қилиб берган ва “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонунда у юридик расмийлашган эди. Конституциявий қонун **“Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий органи — икки палатали парламентнинг тузилиши, таркиби, фаолият юритиш асосларини, ...энг муҳими — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлаб берди”**.<sup>1</sup> Ушбу йўналишда, жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонунлар қабул қилинди, Асосий Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Маърузада Ислом Каримов конституциявий қонунларда, жумладан, юқори палата — Сенатнинг мақоми, уни шакллантириш тартиби, ваколатлари, қуйи палата — Қонунчилик палатаси ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмлари аниқлаб берилганини таъкидлар экан, бош эътиборни Асосий Қонунга киритиш таклиф этилаётган тузатиш ва ўзгартишларнинг принципаал моҳиятини бирма-бир асослаб беради. **“Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида, — дейди маърузачи, —**

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз таналаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — 218-бет.

ваколатларнинг янада демократик, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ва уларнинг мувозанати таъминланади. Ҳокимият тармоқларининг ҳар бирига Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратилади...

Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари янги ташкил этиладиган юқори палата — Сенатга ўтказилади”.<sup>1</sup>

Ана шу тариқа давлат бошлиғининг сиёсий-ҳуқуқий назариясида илк бор юқори палата — Сенатнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мутлақ ва қуйи палата билан биргаликдаги фаолиятига тааллуқли аниқ масалалар, шунингдек, Сенатни шакллантиришдан кўзланган мақсад ойдинлаштирилади: “вакиллик органи сифатида тузилаётган, ҳудудий субъектлар — маҳаллий кенгашлар депутатлари вакилларини тенг миқдорда бирлаштирувчи юқори палата — Сенатнинг шакллантирилиши қонунчиликнинг энг юқори органи бўлмиш Олий Мажлисга, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини беради... минтақавий кучларнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси барча ижтимоий қатламларининг манфаатларини тўлиқ ифода этиш учун зарур асос ва кафолатларни яратади”.<sup>2</sup>

Албатта, қонун чиқарувчи ҳокимият таркибий тузилишининг ўзгариши, унинг икки палатали асосда шакллантирилиши ва палаталарнинг мақомий фаолиятлари, ваколатлари Конституцияда аниқ чегаралаб берилиши лозим эди. Шундай қилинди. Натижада палаталар, жумладан, Сенатнинг фаолият соҳаси ва йўналишлари конституциявий нуқтаи назардан қонуний асосда аниқ, равшан белгилаб берилди. Бу, давлат бошлиғининг комил фикрича, биринчидан, “палаталар ишида

<sup>1</sup> Ўша жойда, 220-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 222-бет

бир хиллик ва бир-бирини такрорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди”, иккинчидан, “парламент аъзолари орасида ўзаро зиддият ва кибр-ҳавога берилиш, низоли вазиятлар вужудга келишининг ҳам олдини олишга имкон беради”.<sup>1</sup> Ана шу имкондан тўлиқ фойдаланиш, шубҳасиз, депутатлар каби сенаторлардан ҳам, наинки, теран малакавий кўникма, теран сиёсий-ҳуқуқий онг, илғор замонавий тафаккур, янгича демократик-ҳуқуқий дунёқараш маданият, халқ вакилига хос фуқаролик масъулиятини, айни пайтда, энг аввало, демократик тамойил ва меъёрларга риоя эта билиш, депутатлик, сенаторлик этикасини тўлиқ сақлаган, нуфузли номга дог туширмаган ҳолда, принципиаллигу қатъият кўрсатиб малакали, самарали ишлай билиш кўникмасини ҳам тақозо этади. Ҳамма гап сўнгги натижада, яъни қабул қилинган қонунларнинг савиясида. Пухта қонунлар эса бутун жамиятдан, авваламбор, халқ вакилларида юксак сиёсий-ҳуқуқий маданиятни, турли ижтимоий-сиёсий кучлар, биринчи галда, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукамал демократик тизимини чуқур ўрганиш ва амалда ҳаётга жорий этиш кўникмасини, барча фуқаролардан ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг теранлашувини талаб қилади. Йўлбошчи таъкидлаганидек, буларсиз демократик давлат фаолиятини, жамият сиёсий ҳаётини янги сифат босқичига кўтариб бўлмайди. Конституцияга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар, жумладан, айнан ана шу тақдириломон мақсадларга юридик сафарбарлиги, давлат ва жамият қурлишини эркинлаштириш йўлида босқичма-босқич, изчил жорий этилаётган интилишу саъй-ҳаракатларнинг теран ҳуқуқий ҳамда холис амалий ифодаси бўлди.

Шу мазмунда Ислоҳ Каримовнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотида олға сурилган янги ғоялар, **биринчидан**, конституциявий юридик расмийлашди, **иккинчидан**, жамият демократик тараққиёт йўлининг янги сифат босқичига, **учинчидан**, ушбу ғояларнинг амалий ижросига, мамлакат сайлов тизими-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 223-бет.

нинг такомиллашувига, икки палатали парламент шаклланишига янада пухта назарий-методологик асос бўлди. Каримов сиёсий ва ҳуқуқий таълимотининг ушбу янги гоёлари Қонунчилик палатаси сайловида ва юқори палата — Сенатни шакллантириш амалиётида тўлиқ ифодасини топди.

Ана шу тариқа машҳур “Ўзбек модели”нинг беш тамойилига асосланган ўзига хос, ўзига мос миллий тараққиёт йўли, яъни Ислом Каримов сиёсий назариясининг фундаментал кашфиёти — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек конституциявий мақсаднинг бош стратегияси, нанинки, Ўзбекистон ақлий ривожининг тарихининг янги ноёб саҳифасини, айна пайтда, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришга, мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга, жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш, мамлакатни модернизация ва тубдан янада ислоҳ этишга сафарбар тақдирилмон устувор йўналишлару вазифаларни концептуал белгилаб берган ҳолда, ҳозирги замон миллий ва жаҳоний сиёсий тафаккурни янги гоёлар билан бойитди. Бу ёлғиз бизнинг комил хулосамизгина эмас, балки цивилизациялашган дунё эътирофидир. *Иккита факт: биринчиси*, Ислом Каримов сиёсий-ҳуқуқий фалсафасининг ислоҳотларнинг босқичма-босқич модели, жумладан, қонун устуворлиги, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлатнинг бош ислоҳотчилиги ва кучли ижтимоий сиёсат принциплари МДХ мамлакатларида, хусусан, Россия Федерациясида Президент В.В.Путин томонидан устувор сиёсий мақсадга айлантирилди. Буни Россия Федерацияси раҳбарининг ўзи ҳам, барча эксперт-таҳлилчилар ҳам эътироф этишмоқда.

**Иккинчиси** — Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устувор йўналиши ҳақидаги оҳорли сиёсий қарашлари — фикрлари бевожита айрим қўшни давлатлар томонидан “ўзлаштириб” олинаётганидир.

Ушбу фактларнинг ўзиёқ, Ўзбекистоннинг замонавий сиёсий назарияси миллий доирадан жаҳоний кенгликларда тан

олиниб, кенг тарқалаётгани, демак, **Ислом Каримов сиёсий фалсафаси дунёвий мақом касб этганлиги, этаётганлигининг амалий исботи ҳисобланади.**

Амалий исбот, албатта, аввало, ғоя мансуб маконда намоён бўлади. Бошқача айтганда, миллий сиёсий ғоялар, биринчи галда, миллий заминда, миллий сиёсий-ижтимоий тизим амалиётида синовдан ўтади, кейин уни бошқалар ўзлаштиради. Ислом Каримовнинг яхлит сиёсий-ҳуқуқий таълимоти каби фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, ҳаётни тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш ғоялари, энг аввало, Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида ҳам ташкилий, ҳам мақомий, ҳам амалий синовдан ўтди. Гап шаклланаётган миллий фуқаролик жамиятимизнинг белгили ҳодисаси — икки палатали профессионал парламентнинг ғоядан аниқ амалиётга айланганлиги, яъни доимий ишлайдиган профессионал палата — Қонунчилик палатаси ва юқори палата — Сенатнинг шакллантирилгани ҳамда фаолият бошлагани хусусида кетмоқда.

Янги миллий тарихимизда алоҳида моҳиятга молик сайловлар ва уларнинг икки палатадан иборат натижалари Ислом Каримов яхлит сиёсий назариясининг навбатдаги амалий ибрати бўлди.

Ҳа, икки палатали парламент шакллантирилди, қуйи ва юқори палаталар иш бошлади, яъни ғоя амалиётга айланди. Хўш, мамлакат сиёсий ҳаётидаги ушбу амалиёт билан боғлиқ эндиги вазифалар нималардан иборат? Саволга жавоб Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 январда ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **“Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”** дастурий маърузаси мундарижасида, ўз аксини топган.

Чинакам демократик тамойиллар, сайловнинг меъёр ва механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда яхши мактаб вазифасини ўтаган сайловларга якун ясаб, тегишли хулосалар қилган Йўлбошчи ўзининг концептуал яхлит ва муштарак сиёсий таълимотининг ҳам назарий, ҳам амалий асос-ўзаги бўлган мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилашга сафарбар биринчи дара-



жали мақсад, вазифалар кўламини белгилаб берди. Миллий ривож стратегиясининг навбатдаги устувор йўналишлари — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ҳамда ислоҳ қилиш стратегияси ана шу тариқа икки палатали парламент фаолияти ўлароқ, бошланган янги сиёсий тарихимизнинг янгича сиёсий назариясини кашф этди. Бу назария асл мазмун-моҳияти ва концептуал оҳорли мундарижаси билан маълум маънода Ислом Каримов сиёсий қарашларининг шу кундаги яхлит квинтэссенциясига айланди. **Бош хулоса** ана шунда.

Хўш, давлатимиз бошлиғи палаталар кўшма мажлисида олға сурган икки палатали парламент, хусусан, юқори палата — Сенат фаолияти, мақоми, ваколатлари ва вазифаларига дахлдор янги сиёсий таълимоти мундарижавий қандай устувор гоьлардан ташкил топган?

Бош вазифа мақомидаги асосий гоь бу — қонун чиқарувчи ҳокимият, яъни парламентнинг давлат қурилиши ва бошқарувидаги ролини, таъсирини кучайтириш, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ҳамда барқарор мувозанатга эришишдир. Асосий мақсад — ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи бир-биридан мустақил ҳолда фаолият кўрсатишига эришишни амалда тўлиқ таъминлаш. Бунинг учун, жумладан, қонун чиқарувчи ҳокимият, **биринчидан**, ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган палаталараро мувозанат ҳамда чекловлар тизимини яратиш, **иккинчидан**, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги борасидаги иши сифатини кескин ошириш, **учинчидан**, асосан, маҳаллий Кенгашлар, ҳудудлар вакилларидан иборат ҳамда вакиллик вазифасини бажарувчи Сенатнинг мақомий ваколатларини инобатга олган ҳолда, умумдавлат ҳамда ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, **тўртинчидан**, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида аҳолининг фаол, онгли иштирок кўламини янада кенгайтириш лозим.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қ а р а н г : Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — 37—38-бетлар.

Ушбу ғоя — вазифа ҳамда йўналишларнинг Ислом Қаримов томонидан мақсад мақомида махсус олға сурилиши бевосита юқори палата — Сенатнинг вилоят, шаҳар ва туман вакиллик органлари депутатларидан сайланиши замирида ҳам мужассамдир. Боз устига, улар мамлакатни тубдан модернизация қилиш ва ялпи ислоҳ этиш борасидаги узоқни кўзлаган бош стратегия — “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” миллий сиёсий қурилиш дастуридан келиб чиққан.

Демак, давлатимиз, бутун жамият, айниқса, доимий, профессионал асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси, хусусан, миллий парламентчилигимиз тажрибасида носинашта, ноанъана бўлган бутунлай янгича парламент тизими — юқори палата ҳисобланган Сенат олдига мутлақо ўзгача талаблар қўяди, янада юксак масъулият юклайди.

Синалмаган фаолият шаклига кўникиш, мутлақо янги бўлган ишни ҳар тарафлама ижодий малакали ўзлаштириб олиш, палаталараро муносабатларни мавжуд қонунчилик асосида профессионал йўлга қўйиб, уларнинг озод ва обод Ватан, эркин ҳамда фаровон ҳаётнинг демократик манфаатлари, элу юрт қисмати истиқболидек муқаддас мақсадлар сари баҳамжиҳат, фавқулодда сабр-тоқат, ўзаро ишончу ҳурмат билан самарали ишлашларини, бир сўз билан айтганда, бутун жамиятдан, энг аввало, шубҳасиз, халқ вакилларидан теран малакавий салоҳиятни, депутатлик ва сенаторлик мардоналигини, керак бўлса, фуқаролик масъулиятини талаб қилади. Зеро, парламент, жумладан, унинг юқори палатаси — Сенат — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги, Сенатдаги муҳокама ҳамда мунозараларда ўз ифодасини топиши муқаррар. Ана шундагина парламент, жумладан, Сенат халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Қаримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — 26—27-бетлар.

Ўзбекистон жамияти ўз Йўлбошчисининг теран шаклланган, умумтан олинган мумтоз сиёсий назариясининг амалий тадбиғида бугун ана шундай ишончга, демак, демократик цивилизацияга эришди. Энг катта, энг улғу музаффарлик ана шунда бўлди. Зеро, Ислом Каримовнинг ҳақли, қонуний ифтихори — **“Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам”** — мазкур миллий ғолиблик қонунияти ҳамда ҳақиқати мақомида мағрур муҳрлангани бежиз эмас. Бутун жамиятни олдимизда турган вазифа нақадар мураккаб ва масъулиятли эканлигини чуқур ҳис этишга, ишимизни, наинки, халқ, айни пайтда, бутун жумлани жаҳон синчковлик билан кузатиб турганлигига жамоатчиликнинг, айниқса, депутатлар ҳамда сенат аъзоларининг алоҳида эътиборини қаратган Йўлбошчимизнинг уларга мурожаат қилиб, масъулиятли фаолиятларига бардам ва тетик кайфият билан, ўз кучига ҳамда эртанги кунига комил ишонч билан қараган ҳолда, киришишларига даъвати ҳам шунга мос.

Ислом Каримов сиймосида миллий истиқлол тарихимиз ақлий ривожини кашф этган янги мумтоз сиёсий назария ва унинг навбатдаги амалий сифат самараси Ўзбекистонни демократик цивилизациянинг ана шу неъматларидан ҳам баҳраманд бўлишдек қисматга сазовор этди.

**IV Б О Б****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ**

Ўзбекистонда икки палатали профессионал парламентни ташкил этиш ғояси амалиётга айланди. 2004 йил 26 декабрда Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ҳамда туман Кенгашларига сайловлар натижаси ўлароқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан олти кишидан, жами 84 та маҳаллий Кенгашлар депутатлари 2005 йил 17—20 январь кунлари Олий Мажлис Сенати аъзоларининг сайлови бўйича ўтказилган тегишли давлат ҳоқимияти вакиллик органларининг қўшма мажлислари баённомаларига асосан Марказий сайлов комиссияси томонидан Сенат аъзолари этиб рўйхатга олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов  
комиссиясининг****Қ А Р О Р И****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА  
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 58-модда-

сига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайлови бўйича 2005 йил 17—20 январь кунлари ўтказилган тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлислари баённомаларига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи
<i>Қорақалпоғистон Республикаси</i>			
<i>Адилов Агитай</i>	<i>1941</i>	<i>Тахтакўпир туманидаги “Тахтакўпир” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси</i>	<i>Тахтакўпир тумани</i>
<i>Аимбетов Нагмет Каллиевич</i>	<i>1955</i>	<i>Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси</i>	<i>Нукус шаҳри</i>
<i>Ерниязов Муса Тажетдинович</i>	<i>1947</i>	<i>Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесининг Раиси</i>	<i>Нукус шаҳри</i>
<i>Ибрагимов Ахмет Мамутович</i>	<i>1959</i>	<i>Тўрткўл тумани ҳокими</i>	<i>Тўрткўл тумани</i>
<i>Қалимбетов Парахат Джанабаевич</i>	<i>1960</i>	<i>Қўнғирот тумани ҳокими</i>	<i>Қўнғирот шаҳри</i>
<i>Қутибаев Еркинбай Менлибаевич</i>	<i>1972</i>	<i>Нукус Олимпия захиралари коллежи директори</i>	<i>Нукус шаҳри</i>

<i>Андижон вилояти</i>			
<i>Адилов Яркинбек Кадилович</i>	<i>1945</i>	<i>“Андижонкабель” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбари</i>	<i>Хонобод шаҳри</i>
<i>Бегалиев Сайдулла</i>	<i>1954</i>	<i>Андижон вилояти ҳокими</i>	<i>Олтинқўл тумани</i>
<i>Жўраев Султон Деҳқонбоевич</i>	<i>1952</i>	<i>Улуғнор туманидаги “Ишонч” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Улуғнор тумани</i>
<i>Иминов Бахтиёр Мирзажонович</i>	<i>1963</i>	<i>Асака шаҳар ҳокими</i>	<i>Асака шаҳри</i>
<i>Собиров Илҳомжон Абдуллаевич</i>	<i>1957</i>	<i>Избоскан тумани ҳокими</i>	<i>Избоскан тумани</i>
<i>Ҳужамбердиев Мамазаир</i>	<i>1944</i>	<i>Андижон Давлат тиббийёт институти ректори</i>	<i>Андижон шаҳри</i>
<i>Бухоро вилояти</i>			
<i>Латипов Азим Шукурович</i>	<i>1951</i>	<i>Шофиркон туманидаги “Бухоро” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси</i>	<i>Шофиркон тумани</i>
<i>Муҳаммедов Ҳамза Ҳайдарович</i>	<i>1952</i>	<i>Бухоро автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори</i>	<i>Бухоро шаҳри</i>
<i>Фаттоев Ёқуб Талабович</i>	<i>1951</i>	<i>Пешку туманидаги “Фаттоев” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Пешку тумани</i>

## С Е Н А Т И

<i>Хусенов Самойдин Қосимович</i>	<i>1946</i>	<i>Бухоро вилояти ҳокими</i>	<i>Бухоро шаҳри</i>
<i>Шарипова Дилбар Усмоновна</i>	<i>1958</i>	<i>Когон шаҳар марказий касалхонасининг бош шифокори</i>	<i>Когон шаҳри</i>
<i>Эсанов Муҳиддин Турдиевич</i>	<i>1952</i>	<i>Вобкент тумани ҳокими</i>	<i>Вобкент тумани</i>
<i>Жиззах вилояти</i>			
<i>Зиятов Парда</i>	<i>1947</i>	<i>Жиззах туманидаги “Қуёшсевар Парда” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Жиззах тумани</i>
<i>Иномжонов Ҳакимжон Муродович</i>	<i>1952</i>	<i>Жиззах шаҳар ҳокими</i>	<i>Жиззах шаҳри</i>
<i>Каримова Нодира Ҳазратовна</i>	<i>1956</i>	<i>“Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими ижрочи директори</i>	<i>Жиззах шаҳри</i>
<i>Отабоев Илҳом Лафасович</i>	<i>1969</i>	<i>Пахтакор хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори</i>	<i>Пахтакор тумани</i>
<i>Холбўтаев Маҳмуд Парсаматович</i>	<i>1971</i>	<i>Дўстлик тумани ҳокими</i>	<i>Дўстлик тумани</i>
<i>Яманкулов Убайдулла Яхшибоевич</i>	<i>1962</i>	<i>Жиззах вилояти ҳокими</i>	<i>Жиззах шаҳри</i>

<i>Навоий вилояти</i>			
<i>Алиев Ғофир Қувватович</i>	<i>1959</i>	<i>Кармана тумани ҳокими</i>	<i>Навоий шаҳри</i>
<i>Валиева Раъно Насимовна</i>	<i>1959</i>	<i>Қизилтепа туманидаги “Валиобод” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Қизилтепа тумани</i>
<i>Жуманиязов Раджап Солаевич</i>	<i>1962</i>	<i>“Қизилқумцемент” очиқ акциядорлик жамияти бош директори</i>	<i>Навоий шаҳри</i>
<i>Кустов Андрей Михайлович</i>	<i>1958</i>	<i>Навоий кон- металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси директори</i>	<i>Зарафшон шаҳри</i>
<i>Рўзиев Бахриддин Муртазаевич</i>	<i>1950</i>	<i>Навоий вилояти ҳокими</i>	<i>Навоий шаҳри</i>
<i>Файзиев Неъматулла</i>	<i>1953</i>	<i>Хатирчи иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори</i>	<i>Хатирчи тумани</i>
<i>Наманган вилояти</i>			
<i>Болтабаева Марҳабат</i>	<i>1950</i>	<i>Чортоқ тиббиёт коллежи директори</i>	<i>Чортоқ тумани</i>
<i>Каримов Икромжон</i>	<i>1947</i>	<i>Косонсой тумани ҳокими</i>	<i>Косонсой тумани</i>
<i>Нажмиддинов Икромхон</i>	<i>1951</i>	<i>Наманган вилояти ҳокими</i>	<i>Наманган шаҳри</i>
<i>Ҳакимов Аҳмад Ҳадиевич</i>	<i>1946</i>	<i>Норин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори</i>	<i>Норин тумани</i>



## С Е Н А Т И

<i>Шокаримова Гулсанам</i>	1954	<i>Чуст туманидаги “Гулшан” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Чуст тумани</i>
<i>Юсупов Муҳаммад Мубаширович</i>	1960	<i>Наманган шаҳар ҳокими</i>	<i>Наманган шаҳри</i>
<b>Самарқанд вилояти</b>			
<i>Жўраев Абдимўмин Суннатович</i>	1961	<i>Пастдарғом тумани ҳокими</i>	<i>Пастдарғом тумани</i>
<i>Нурмуратов Мамаризо Бердимуратович</i>	1960	<i>Самарқанд вилояти ҳокими</i>	<i>Самарқанд шаҳри</i>
<i>Рафиқов Сухроб Абдугафарович</i>	1957	<i>Самарқанд шаҳар ҳокими</i>	<i>Самарқанд шаҳри</i>
<i>Тўйчибаев Эшпўлат Тўйчибаевич</i>	1951	<i>Жомбой туманидаги “Тўйчи бобо” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Жомбой тумани</i>
<i>Ўрақов Сулейман Саломович</i>	1961	<i>“СамКочАвто” қўшма корхонаси директори</i>	<i>Самарқанд шаҳри</i>
<i>Шодиева Ҳамротош Нормуродовна</i>	1959	<i>Каттақўрғон педагогика коллежи директори</i>	<i>Каттақўрғон шаҳри</i>
<b>Сирдарё вилояти</b>			
<i>Абдураимов Ботир Тураевич</i>	1975	<i>Тошкент минтақавий темир йўл узелига қарашли Ховос темир йўл узели бошлиғи</i>	<i>Ховос тумани</i>
<i>Артуқбаева Ҳайтхан</i>	1946	<i>Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг масъул котиби</i>	<i>Гулистон шаҳри</i>



Шарифхужаев Мурод  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг Раиси.



Муҳитдинова Фарруха  
Фахриддиновна  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати  
Раисининг ўринбосари.



Ерниязов Муса Тажетдинович  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати  
Раисининг ўринбосари.



Иминов Бахтиёр Мирзажонович  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг Бюджет ва  
иқтисодий ислохотлар масалалари  
қўмитаси раиси.



Ражабова Мавжуда Абдуллаевна  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг Қонунчилик  
ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси  
раиси.



Сафоев Содиқ Солиҳович  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг Ташқи  
сиёсат масалалари қўмитаси раиси.



Воҳидов Эркин Воҳидович  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг Фан, таълим,  
маданият ва спорт масалалари  
қўмитаси раиси.



Собиров Илгизар Матқубович  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва  
хавфсизлик масалалари қўмитаси  
раиси.



Алиев Фафур Кувватович  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг Аграр, сув  
хўжалиги масалалари ва экология  
қўмитаси раиси.



Сенат фойеси.



Бир гуруҳ сенаторлар.





Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенатининг мажлислар заллари.



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисида



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи  
мажлисининг ҳайъати.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари — ялпи мажлис иштирокчилари рўйхатдан ўтмоқда.





# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисида



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси



## Сенатининг ялпи мажлисида



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси



## Сенатининг ялпи мажлисида



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси



## Сенатнинг ялпи мажлисида





Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси мажлиси.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлиси.



Жалолов Абдурахим Абдурахманович	1946	Сирдарё вилояти ҳокими	Гулистон шаҳри
Исраилов Мамараҳим	1950	Гулистон Давлат университети қошидаги Янгиер академик лицейининг директори	Янгиер шаҳри
Эрбеков Исроил Йўлдошевич	1953	Гулистон шаҳар ҳокими	Гулистон шаҳри
Эсиргапов Абдуқаҳҳор	1951	Сайхунобод туманидаги “Холбой-ота” фермер хўжалиги раҳбари	Сайхунобод тумани
<b>Сурхондарё вилояти</b>			
Алтиев Абдурашид Султанович	1962	Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё вилояти филиали директори	Термиз тумани
Зуннунов Закиржон Рўзиевич	1947	Саломатликни тиклаш ва табiiй даволаш илмий- текшириш институти Термиз филиалининг директори	Термиз шаҳри
Мадиев Парда Чориевич	1970	Сариосиё тумани ҳокими	Сариосиё тумани
Мустапов Панжи Саттарович	1953	Музработ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори	Музработ тумани
Нарзуллоев Аҳмат Имидович	1956	Денов туманидаги “Лочин” фермер хўжалиги раҳбари	Денов тумани
Эшмуратов Абдулҳаким Хушбоқович	1962	Сурхондарё вилояти ҳокими	Термиз шаҳри

<i>Тошкент вилояти</i>			
<i>Ибрагимов Хайрулла Файзуллаевич</i>	<i>1954</i>	<i>Қуйичирчиқ туманидаги “Қутпинисо ая” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Қуйичирчиқ тумани</i>
<i>Комилов Турсинбой</i>	<i>1950</i>	<i>Чиноз тумани ҳокими</i>	<i>Чиноз тумани</i>
<i>Куччиев Мирзамашраб Раззакович</i>	<i>1954</i>	<i>Бекобод тумани ҳокими</i>	<i>Бекобод тумани</i>
<i>Санақулов Қувондиқ</i>	<i>1957</i>	<i>“Олмалиқ тоғ- металлургия комбинати” очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси</i>	<i>Олмалиқ шаҳри</i>
<i>Тулаганов Козим Носирович</i>	<i>1949</i>	<i>Тошкент вилояти ҳокими</i>	<i>Тошкент шаҳри</i>
<i>Фарманов Александр Касимович</i>	<i>1958</i>	<i>“Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори</i>	<i>Бекобод шаҳри</i>
<i>Фарғона вилояти</i>			
<i>Абдуллаева Барнохон Анваровна</i>	<i>1964</i>	<i>Бешариқ агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори</i>	<i>Бешариқ тумани</i>
<i>Мирсадиқов Анваржон</i>	<i>1948</i>	<i>Данғара туманидаги “Найманча” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси</i>	<i>Данғара тумани</i>
<i>Назаров Имомали Турдалиевич</i>	<i>1963</i>	<i>Ўзбекистон туманидаги “Умид” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Ўзбекистон тумани</i>

<i>Нурматов Шермат</i>	1952	<i>Фарғона вилояти ҳокими</i>	<i>Фарғона шаҳри</i>
<i>Омонов Номон</i>	1944	<i>Охунбобоев тумани ҳокими</i>	<i>Охунбобоев тумани</i>
<i>Усмонов Маруф Азамович</i>	1965	<i>Қўқон шаҳар ҳокими</i>	<i>Қўқон шаҳри</i>
<b><i>Хоразм вилояти</i></b>			
<i>Авезов Шавкат Султанович</i>	1961	<i>Хоразм вилояти болалар шифоҳонаси бош шифокори</i>	<i>Хонқа тумани</i>
<i>Бабажанов Ислоҳ Алимович</i>	1957	<i>Хоразм вилояти ҳокими</i>	<i>Урганч шаҳри</i>
<i>Каримов Эгамберган Каримович</i>	1950	<i>Урганч автотранспорт касб-хунар коллежи директори</i>	<i>Урганч шаҳри</i>
<i>Пак Вера Борисовна</i>	1938	<i>Хива шаҳридаги 20-сон “Меҳрибонлик уйи” директори</i>	<i>Хива тумани</i>
<i>Собиров Илгизар Матёқубович</i>	1959	<i>Қўшқўпир тумани ҳокими</i>	<i>Қўшқўпир тумани</i>
<i>Ҳайтметов Гулмат</i>	1949	<i>Гурлан туманидаги “Ҳайтиммат-ота” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Гурлан тумани</i>
<b><i>Қашқадарё вилояти</i></b>			
<i>Аллақулов Панжи Эгамбердиевич</i>	1957	<i>Муборак тумани ҳокими</i>	<i>Муборак тумани</i>
<i>Зайниев Нуритдин</i>	1952	<i>Қашқадарё вилояти ҳокими</i>	<i>Қарши шаҳри</i>

## С Е Н А Т И

<i>Нормурадов Муродулла</i>	<i>1946</i>	<i>Қарши муҳандислик- иқтисодиёт институти ректори</i>	<i>Қарши шаҳри</i>
<i>Рўзиев Зафар Шаропович</i>	<i>1964</i>	<i>Яккабоғ тумани ҳокими</i>	<i>Яккабоғ тумани</i>
<i>Султонов Алишер Саидаббосович</i>	<i>1967</i>	<i>“Шўртангазкимё” мажмуаси директори</i>	<i>Ғузор тумани</i>
<i>Усмонов Баван Ҳакимович</i>	<i>1962</i>	<i>Нишон туманидаги “Пахтаобод” фермер хўжалиги раҳбари</i>	<i>Нишон тумани</i>
<i>Тошкент шаҳри</i>			
<i>Абдурахимова Фарида Юлдашевна</i>	<i>1950</i>	<i>Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин- қизлар қўмитаси раиси</i>	<i>Тошкент шаҳри</i>
<i>Герасимова Светлана Ивановна</i>	<i>1951</i>	<i>Тошкент шаҳридаги 50-сон мактаб директори</i>	<i>Тошкент шаҳри</i>
<i>Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович</i>	<i>1953</i>	<i>Тошкент Давлат юридик институтининг ректори</i>	<i>Тошкент шаҳри</i>
<i>Тўраев Азиз Дамирович</i>	<i>1961</i>	<i>Миробод тумани ҳокими</i>	<i>Тошкент шаҳри</i>
<i>Усманов Раҳманбек Джахангирович</i>	<i>1960</i>	<i>Яккасарой тумани ҳокими</i>	<i>Тошкент шаҳри</i>
<i>Шаабдурахманов Рустам Мавзурович</i>	<i>1962</i>	<i>Тошкент шаҳар ҳокими</i>	<i>Тошкент шаҳри</i>

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### Ф А Р М О Н И

24.01.2005 й.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари этиб тайинлансин:

**Орипов Абдулла** — Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси

**Воҳидов Эркин Воҳидович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси

**Йўлдошев Бехзод Содиқович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Ядро физикаси институти директори

**Кучерский Николай Иванович** — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори

**Иномова Светлана Турсуновна** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси

**Убайдуллаев Ботир Ҳусанович** — “Камолот” ёшлар Ижтимоий ҳаракати раиси

**Боқибоев Эркин Жўраевич** — Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси раиси

**Шарифхўжаев Мурод** — Тошкент молия институти ректори

**Усмонов Мираброр Зуфарович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Одилхўжаева Сурайё Маҳкамовна** — Тошкент Давлат юридик институти “Давлат ва ҳуқуқ тарихи” кафедраси профессори вазифасини бажарувчи

**Кучеров Вадим Петрович** — “Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” акциядорлик жамияти бош директори

**Муҳитдинова Фарруҳа Фахриддиновна** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

**Раҳмонқулов Миракбар Ҳожиакбарович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари

**Худайбергенов Турсинхан Айдарович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

**Ражабова Мавжуда Абдуллаевна** — Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Жиноий ишлар бўйича судининг раиси

**Сафоев Содиқ Солиҳович** — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

**И.КАРИМОВ**

Маълум бўляптики, Сенат аъзоларидан 15 кишини аёллар ташкил қилади. Улардан 4 нафари Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишлайди. Уларнинг икки нафари юридик фанлари доктори, биттаси — юридик фанлари номзоди, биттаси — оддий ўқитувчи.

Ўзбекистон кўп миллатли, кўп конфессияли давлат бўлганлиги учун Сенат таркибида етита миллат вакиллари бор. Улардан:

- ўзбеклар — 90 та;
- қорақалпоқлар — 4 та;

- руслар — 3 та;
- туркман — 1 та;
- украин — 1 та;
- корейс — 1 та.

Сайланган ва тайинланган Сенат аъзолари сафида ҳоким лавозимида ишлаётган 33 киши бор. Улардан:

- вилоят ҳокимлари — 12 та;
- Тошкент шаҳар ҳокими — 1 та;
- шаҳар ва туман ҳокимлари — 20 та.

Сенат аъзолигига сайланиб ва тайинланиб, Сенатнинг учта кўмитасини бошқараётган Б.М.Иминов олдин Асака шаҳри ҳокими, Ф.Қ.Алиев — Кармана тумани ҳокими, И.М.Соби-ров — Қўшқўпир тумани ҳокими бўлишган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига кўра, Олий Мажлис Сенати раисининг битта ўринбосари Қорақалпоғистон Республикаси вакили бўлади. Бу лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси М.Т.Ернийзов сайланди.

#### **Сайланган ва тайинланган Сенат аъзоларининг мутахассисликлари:**

- муҳандислар — 40 киши;
- иқтисодчилар — 16 киши;
- ўқитувчилар — 12 киши;
- ҳуқуқшунослар — 9 киши;
- агрономлар — 9 киши;
- тиббиёт ходимлари — 5 киши;
- бошқа соҳа мутахассислари — 9 киши.

#### **Сенат аъзоларининг ёши:**

- 35 ёшгача — 5 киши;
- 45 ёшгача — 21 киши;
- 55 ёшгача — 49 киши;
- 60 ёшгача — 14 киши;
- 60 ёшдан ошганлар — 11 киши.

**Сенат аъзоларининг маълумоти:**

олий маълумотли — 98 киши  
ўрта махсус маълумотли — 2 киши

**Илмий даража ва унвонга эга Сенат аъзолари**

академиклар — 3 киши;  
фан докторлари, профессорлар — 10 киши;  
фан номзодлари, доцентлар — 13 киши.

7 та Сенат аъзоси Ўзбекистон Қаҳрамони ҳисобланади. Улардан иккитаси Ўзбекистон халқ шоири, иккитаси деҳқон, биттаси ўқитувчи-педагог, биттаси ҳоким, биттаси комбинат бош директори.

Сенат аъзоларининг аксарияти турли партияларнинг аъзолари ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 35 вакил, ЎзЛиДеП дан 26 вакил, ФМДП дан — 6 вакил, “Адолат” СДП дан — 16 вакил сенатордир. Сенат таркибида “Миллий Тикланиш” партияси вакили йўқ.

Шундай қилиб, 100 та аъзодан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иш бошлади.

Сенатнинг илк фаолияти 2005 йил 27 январда ўтган биринчи ташкилий ялпи мажлисда сенаторлар ичидан яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси ва ўринбосарларини сайлашдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифига мувофиқ қуйидаги сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан ушбу лавозимларга сайланди:

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг**

**Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:



1. **Мурод Шарифхўжаев** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенатининг мажлисида раислик қилувчи,  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов  
комиссияси раиси

**Б.МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 27 январь

## **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И**

**Ф:Ф. МУҲИТДИНОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ  
ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати  
қарор қилади:

1. **Фарруҳа Фахриддиновна Муҳитдинова** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенатининг мажлисида раислик қилувчи,  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов  
комиссияси раиси

**Б.МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 27 январь

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг  
Қ А Р О Р И**

**М.Т.ЕРНИЯЗОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ  
ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:

1. Муса Тажетдинович Ерниязов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенатининг мажлисида раислик қилувчи,  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов  
комиссияси раиси

**Б.МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 27 январь

Сенатда олтита қўмита ташкил этилди, уларнинг таркиблари — раислари, ўринбосарлари, котиблари ва аъзолари сайланди.

**Қўмиталар:**

- а) Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси;*
- б) Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси;*
- в) Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;*
- г) Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси;*
- д) Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси;*
- е) Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси.*

**Қўмиталар раислари:**

1. **Иминов Бахтиёр Мирзажонович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси;

2. **Ражабова Мавжуда Абдуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси;

3. **Собиров Илгизар Матёкубович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси;

4. **Сафоев Содиқ Солиҳович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси;

5. **Воҳидов Эркин Воҳидович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси;

6. **Алиев Ғофир Қувватович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.

#### **Қўмиталар раисларининг ўринбосарлари:**

1. **Боқибоев Эркин Жўраевич** — Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари;

2. **Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари;

3. **Усмонов Маруф** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари;

4. **Хўжамбердиев Мамазоир** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси ўринбосари;

5. **Зуннунов Зокиржон Рўзиевич** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари;

6. **Мирсодиқов Анваржон** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.

#### **Қўмиталар котиблари:**

1. **Алтиев Абдурашид Султонович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси котиби;

2. **Одилхўжаева Сурайё Маҳкамовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси котиби;

3. **Абдураимов Ботир Тўраевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси котиби;

4. **Файзиев Неъматилла** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси котиби;

5. **Шодиева Ҳамротош Нормуродовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси котиби;

6. **Ибрагимов Хайрулла Файзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси котиби.

**Қўмиталарнинг аъзолари:**

1. **Адилов Агитай** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

2. **Болтабоева Марҳабат** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

3. **Жўраев Султон Деҳқонбоевич** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

4. **Каримова Нодира Ҳазратовна** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

5. **Каримов Икромжон** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

6. **Кучерский Николай Иванович** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

7. **Назаров Имомали Турдалиевич** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

8. **Нурмуродов Мамаризо Бердимуродович** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

9. **Санақулов Қувондиқ** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

10. **Тўраев Азиз Дамирович** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

11. **Шоабдурахманов Рустам Мавзурович** — *Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.*

12. **Шокаримова Гулсанам** — Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

13. **Ўрақов Сулейман Саломович** — Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

14. **Ҳусенов Самойдин Қосимович** — Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

15. **Абдуллаева Барнохон Анваровна** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

16. **Абдурахимова Фарида Йўлдошевна** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

17. **Аллақулов Панжи Эгамбердиевич** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

18. **Жуманиязов Раджап Солаевич** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

19. **Ибрагимов Ахмет Мамутович** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

20. **Мустапов Панжи Сатторович** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

21. **Собиров Илҳомжон Абдуллаевич** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

22. **Тўйчибоев Эшпўлат Тўйчибоевич** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

23. **Усмонов Раҳмонбек Жаҳонгирович** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

24. **Худайбергенов Турсинхан Айдарович** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

25. **Эсирганов Абдуқаҳҳор** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

26. **Юсупов Муҳаммад Мубаширович** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

27. **Яманкулов Убайдулла Яхшибоевич** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

28. **Зайниев Нуриддин** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

29. **Иномжонов Ҳакимжон Муродович** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

30. **Каримов Эгамберган Каримович** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

31. **Кустов Андрей Михайлович** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

32. **Кучеров Вадим Петрович** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

33. **Нормуродов Муродулла** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

34. **Адилов Яркинбек Кадилович** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

35. **Омонов Номон** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

36. **Рахмонқулов Миракбар Ҳожиакбарович** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

37. **Тўлаганов Козим Носирович** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

38. **Эрбеков Исроил Йўлдошевич** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

39. **Эсонов Муҳитдин Турдиевич** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

40. **Эшмуродов Абдулҳаким Хушбоқович** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

41. **Аимбетов Нагмет Каллиевич** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.

42. **Бабажанов Ислоҳ Алимович** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.

43. **Герасимова Светлана Ивановна** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.

44. **Иномова Светлана Турсуновна** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.

45. **Комилов Турсунбой** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.

46. **Мадиев Парда Чориевич** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.

47. **Орипов Абдулла** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.

48. **Рафиқов Сухроб Абдугафарович** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.
49. **Рўзиев Баҳриддин Муртазаевич** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.
50. **Султонов Алишер Саидаббосович** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.
51. **Фарманов Александр Касимович** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.
52. **Фаттоев Ёқуб Талабович** — Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси.
53. **Авезов Шавкат Султонович** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
54. **Исроилов Мамараҳим** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
55. **Йўлдошев Бехзод Содиқович** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
56. **Қалимбетов Парахат Джанабаевич** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
57. **Қутибаев Еркинбай Менлибаевич** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
58. **Кўччиев Мирзамашраб Раззакович** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
59. **Муҳамедов Ҳамза Ҳайдарович** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
60. **Нурматов Шермат** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
61. **Артукбаева Ҳайтхон** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
62. **Отабоев Илҳом Лафасович** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
63. **Пак Вера Борисовна** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
64. **Убайдуллаев Ботир Хусанович** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.
65. **Усмонов Баван Ҳакимович** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

66. **Бегалиев Сайдулла** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

67. **Валиева Раъно Насимовна** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

68. **Жалолов Абдурахим Абдурахмонович** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

69. **Жўраев Абдумўмин Суннатович** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

70. **Зиятов Парда** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

71. **Латипов Азим Шукурович** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

72. **Нажмиддинов Икромхон** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

73. **Нарзуллоев Аҳмат Имидович** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

74. **Рўзиев Зафар Шаропович** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

75. **Холбўтаев Маҳмуд Парсаматович** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

76. **Шарипова Дилбар Усмоновна** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

77. **Ҳайтметов Гулмат** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

78. **Ҳакимов Аҳмад Ҳодиевич** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари қўмитаси аъзоси.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 6-моддасида назарда тутилганидек, Сенат аъзоларининг сенаторлар умумий сонининг тўртдан бир қисмигачаси Сенатда доимий асосда ишлаши мумкин. Ана шу юридик нормадан келиб чиқилгани ҳолда, Олий Мажлис Сенатида 15 сенатор доимий ишляпти. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг битта ўринбосари, қўмиталар раислари, қўмиталар котиблари, шунингдек, Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси — **Усмонов Мираброр Зуфарович**.



Қўмиталар раисларининг ўринбосарлари ва қўмиталарнинг қолган аъзолари Сенатда доимий асосда ишламайди.

Сенат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунга асосланиб, ишлаб чиқилган ҳамда Сенат Кенгашининг 2005 йил 6 майдаги ялпи мажлиси қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти”га мувофиқ ўз иш фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти олтита бўлим, тўққизта боб, эллик тўққиз моддадан иборат.

**Регламентнинг Умумий қоидаларга бағишланган биринчи бўлими** Сенатнинг ялпи мажлисларини ўтказиш тартибларини белгилаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга тақдим этилган қонунларни кўришнинг тартиб-тамойиллари ва юқори палата фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ўз ичига олади.

**Сенат ишининг умумий тартиби, деб номланган иккинчи бўлими** Сенат ҳамда унинг органлари мажлисларини чақириб ва ўтказиш тартиби, вақти тўғрисида, Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси қўшма мажлисини ўтказиш, Сенат мажлисларида овоз бериш ва қарорлар қабул қилиш тартибига бағишланган нормалардан иборат.

Сенат мажлислари, агар уларнинг ишида сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларини маъқуллаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-

нинг муҳим масалалари юзасидан чиқишлар қилганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилиши кўзда тутилган, палаталарнинг келишувига мувофиқ қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши белгиланган.

Палаталарнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери таклифи билан ёки тегишинча сенаторлар ёхуд Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми таклифига биноан қақирилади.

Сенат мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши, Сенат мажлисларида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни сенаторлардан тузиладиган гуруҳ амалга ошириши белгилаб берилган.

**Регламентнинг учинчи бўлими** Олий Мажлис Сенатининг қонунчилик тартиб-тамоийлларига бағишланган бўлиб, унда Сенат томонидан қонунларни кўриб чиқиш тартиби, Сенат томонидан рад этилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонунларни қайта кўриб чиқишга, айрим қонунларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган нормалар берилган.

Бўлимда қонун Сенатга Қонунчилик палатаси томонидан тақдим этилганида унга қандай ҳужжатлар илова қилиниши, Сенат ҳукмига ҳавола қилинган қонунларнинг Сенат мажлисида муҳокамага тайёрлаш ва муҳокама қилиш, Сенат томонидан Қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши тартиби мустаҳкамланган.

Сенат Регламентида Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида тузилган келишув комиссияси ҳулосаси асосида ҳал қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта-

рилган ва Қонунчилик палатаси қайта кўриб чиқиш асосида қабул қилинган қонун Сенатга юборилади.

Сенат томонидан қайта кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Сенат қарори билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

Агар Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Сенатнинг эътирозларини ҳисобга олган ҳолда, янги таҳрирда қабул қилинса, ушбу қонунни Сенат янги қабул қилинган қонун сифатида кўриб чиқади.

**Регламентнинг “Сенат қарорларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш”, деб номланган тўртинчи бўлимида** Сенат қарорларини кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг умумий тартиби, Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан биргаликдаги ваколатларига, шунингдек, Сенатнинг мутлақ ваколатларига тааллуқли масалалар юзасидан айрим қарорларни қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ нормалар белгилаб берилган.

**Регламентнинг бешинчи бўлими** Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилишига бағишланган нормалардан ташкил топган.

Сенат, шунингдек, сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган туншунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари парламент сўровларига жавобни Сенат мажлисла-рида беришлари кўзда тутилган.

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳисоботини мазкур масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарорлари Сенатга тақдим қилингандан кейин эшитади ва муҳокама қилади. Бу ҳисоботлар юзасидан Сенат томонидан қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сенатга тақдим этган ҳар йилги ҳисоботлари Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилиши белгиланган.

Регламентда Сенатнинг қўмиталари, шунингдек, сенаторларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари кўзда тутилган.

Сенат қўмиталари ёки сенаторлар талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши зарурлиги тўғрисидаги норма киритилган.

Сенат қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ амалга оширилади.

**Сенат Регламентининг “Яқунловчи қоидалар”, деб номланган олтинчи бўлимида** Сенатнинг бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, рас-

мий парламент делегациялари алмашилиши, шунингдек, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирларни ўтказиши мумкинлиги қайд этилган.

Регламент Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлар, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуни асосида тайёрланди ва Америка Қўшма Штатлари, Франция, Италия, Германия, Россия, Ҳиндистон, Япония, Қозоғистон каби хорижий давлатларнинг парламентлари юқори палаталарининг Регламентларини ўрганиб чиқиш орқали миллий парламентаризмнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинди.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ**

### **І Б Ў Л И М. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти (бундан буён матнда Регламент, деб юри-тилади) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (бундан буён — Сенат) ялпи мажлисларини ўтказиш, қонунчилик процедурасини амалга ошириш тартибини белгилайди, Сенат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни тартибга солади.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата) ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади.

Сенат иши Сенатнинг ялпи мажлисларига (бундан буён — мажлис) ва кўмиталар мажлисларига чақириладиган сенаторларнинг фаолиятига асосланади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддаси биринчи ва тўртинчи бандлари).

**3-модда.** Сенат фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддаси биринчи банди).

**4-модда.** Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан таш-

қари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Сенат аъзоси (бундан буён — сенатор) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати бўлиши мумкин эмас.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 6-моддаси иккинчи ва олтинчи бандлари).*

**5-модда.** Сенаторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятларини тўлиқ ҳамда самарали амалга ошириши кафолати Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни, бошқа қонунлар ва ушбу Регламент билан белгиланади.

**6-модда.** Сенат ўз матбуот органларига эга.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 33-моддаси).*

## И И Ш И Н И Н Г У М У М И Й Т А Р Т И Б И

### 1-Б О Б. Сенат ва унинг органлари мажлисларини ўтказиш тартиби

**7-модда.** Сенат ишининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказиладиган мажлисларидир.

Сенат мажлислари, агар уларнинг ишида сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларни маъқуллаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт.

Сенатнинг навбатдан ташқари мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенатнинг Раиси таклифига ёки сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилиши мумкин.

Сенат Кенгаши (бундан буён — Кенгаш) палата мажлислари оралиғида доимий тўпланади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Сенат мажлислари вақтида қўмиталар мажлислари ўтказилмайди.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 10-моддаси биринчи, иккинчи, бешинчи бандлари, 20-моддасининг биринчи — учинчи бандлари).*

**8-модда.** Сенат мажлисларида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталари, маърузачилар (қўшимча маърузачилар), шунингдек, бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Сенат мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Сенат Кенгаши томонидан тузилади.

Сенаторлар Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида олдиндан хабардор қилинадилар.

Сенат мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси).*

**9-модда.** Сенат мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади ва оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

Зарурат бўлганда, Сенат ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Сенат Кенгаши ёки Сенат қўмитаси томонидан бу ҳақда таклиф тушган бўлса, шундай қарор қабул қилиниши мумкин.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 10-моддаси тўққизинчи ва ўнинчи бандлари).*



**10-модда.** Сенатнинг очиқ ҳамда ёпиқ мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир, Вазирлар Маъкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди раислари, Бош прокурор иштирок этишлари мумкин. Сенатнинг қарори бўйича Сенатнинг ёпиқ мажлисларида бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 10-моддаси бешинчи банди).*

**11-модда.** Сенат мажлисларида иш давлат тилида олиб борилади. Зарурат бўлганда, Сенат ёки унинг Кенгаши қарорига биноан бошқа тилларга синхрон таржима билан таъминланилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламентининг 20-моддаси, 1995 йил).*

**12-модда.** Маърузалар, қўшимча маърузалар ва яқунловчи сўзнинг давомийлиги, одатда, Сенат мажлисига раислик қилувчининг маърузачи билан келишилган ҳолда маъруза учун 30 дақиқагача, қўшимча маъруза учун 20 дақиқагача, яқунловчи сўз учун 15 дақиқагача вақт чегарасида белгиланади.

Музокарага сўзга чиқувчилар учун 10 дақиқагача вақт берилади. Музокараларда такрор сўзга чиқувчилар, шунингдек, мажлисни олиб бориш тартиби, овоз бериш, номзодлар бўйича сўзга чиқиш, мурожаат, саволлар, таклифлар, ахборотлар, справка учун 3 дақиқагача вақт ажратилади.

Мажлисда иштирок этувчи кўпчилик сенаторлар розилиги билан унда раислик қилувчи Сенат мажлиси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси, савол-жавоблар учун ажратилган умумий вақтни белгилаши, сўзга чиқиш вақтини узайтириши мумкин.

Сенат мажлисларида сенатор битта масала юзасидан икки мартагача музокараларда иштирок этиши мумкин.

Музокараларда иштирок этишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинганда, маърузачи ва қўшимча маърузачи яқунловчи сўз ҳуқуқига эга.

Агар сўзга чиқувчи ўзига ажратилган вақт чегарасидан чиқиб кетса ёки муҳокама қилинаётган масалага дахлсиз нар-

саларни гапирса Сенат мажлисларида раислик қилувчи уни огоҳлантириб, сўздан маҳрум қилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламентининг 22-моддаси, 1995 йил).*

**13-модда.** Сенат мажлислари қоида бўйича иш кунлари соат 10 дан 13 гача ва танаффусдан сўнг соат 15 дан 18 гача ўтказилади.

Сенат қарори бўйича Палата мажлисининг бошланиш, тугаш ва танаффус вақти бошқача белгиланиши мумкин.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламентининг 21-моддаси, 1995 йил).*

## **2-б о б. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисларини ўтказиш тартиби**

**14-модда.** Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига мувофиқ қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери таклифига биноан ёки сенаторлар ёхуд Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми таклифи билан чақирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисларини чақириш масаласи бўйича Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси ўзаро маслаҳатлашган ҳолда, қўшма мажлисни ўтказиш муддати белгиланиб, кун тартиби бўйича таклифлар муҳокама қилинади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 11-моддаси биринчи банди).*

**15-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси очиқ ва ошкора ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча сенаторлар ва депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 11-моддаси иккинчи ва тўртинчи бандлари).*

**16-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокама натижалари асосида палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 11-моддаси бешинчи банди).*

### **3-б о б. Овоз бериш ва қарор қабул қилиш тартиби**

**17-модда.** Сенатнинг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси биринчи банди).*

**18-модда.** Сенат мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Сенат мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланиш устидан назоратни сенаторлар жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Рег-*

ламенти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси иккинчи ва учинчи бандлари).

**19-модда.** Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Сенат томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда конституциявий қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси тўртинчи банди).

**20-модда.** Сенатор ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси бешинчи банди).

**21-модда.** Сенат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилилик овози билан қабул қилинади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 7-моддаси учинчи банди).

### **И Ш Қ И С М. ҚОНУНЧИЛИК ПРОЦЕДУРАЛАРИ**

#### **4-боб. Қонунни Сенат томонидан кўриб чиқиш тартиби**

**22-модда.** Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, Сенатга келиб тушади.

**23-модда.** Қонунни қуйидаги ҳужжатлар билан Сенатга кўриб чиқиш учун топширилади:

1) Қонунчилик палатасининг қонун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарори.

2) Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун.

3) Қонунга унинг концепцияси аксини топган тушунтириш хати.

4) Ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек,

қонун қабул қилиш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари ўз кучини йўқотганлигини эътироф этиш тўғрисидаги қонун.

5) Ўзгартиш, тўлдириш, ўз кучини йўқотганлик ёки қабул қилиш лозим бўлган қонун ости ҳужжатлари рўйхати.

6) Моддий харажатларни талаб этувчи қонунларнинг молиявий-иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги.

7) Давлат даромадларини қисқартириш ёки кўпайтиришни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён — Давлат бюджети) моддалари бўйича ўзгартишларни назарда тутувчи қонунлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси.

**24-модда.** Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқиш ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган қўмитага (бундан буён матнда — масъул қўмита, деб юритилади) топширилади.

Қонун муҳокама қилинаётган Сенат қўмиталарининг мажлислари очиқ ўтказилади. Зарурат бўлганда, Сенат қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Масъул қўмита хулоса тайёрланаётганда тушган таклифларни умумлаштиради.

Масъул қўмитанинг хулосасида қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги тавсия ифодаланган баҳо бўлиши керак. Қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги хулосада масъул қўмитанинг қонунни рад этиш зарур, деб ҳисоблашининг вазлари баён этилиши лозим. Масъул қўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилади, Кенгаш қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

(*“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси биринчи-иккинчи бандлари*).

**25-модда.** Сенат мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг масъул қўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Кўриб чиқиладиган қонун юзасидан унинг муҳокамаси тартибида сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин.

Муҳокама натижаси бўйича Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси учинчи банди).*

**26-модда.** Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчиликлари овози билан маъқулланади, ушбу Регламентнинг 32-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиш ва эълон қилиниши учун Сенат қарори билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорида рад этиш вақтлари кўрсатилиши керак. Унда бир вақтнинг ўзида қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек, келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифлар баён этилиши мумкин.

Сенатнинг қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси тўртинчи — еттинчи бандлари).*

### **5-б о б. Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонунни қайта кўриб чиқиш тартиби**

**27-модда.** Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Сенатда келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги та-

шаббус Сенат Раисидан, шунингдек, Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумкин.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Сенатдан кўрсатилган таркибининг мажлисида, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эсанинг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибида кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси биринчи — олтинчи бандлари).*

**28-модда.** Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларининг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасидан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишинча Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси олтинчи — тўққизинчи бандлари).*

**29-модда.** Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак.

Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда, ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси ўнинчи — ўн иккинчи бандлари).*

**30-модда.** Сенат томонидан рад этилган қонун қайта кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган ва Қонунчилик палатаси қайта кўриб чиқишда илгари қабул қилинган таҳрирда маъқулланган қонун белгиланган тартибда Сенатга юборилади.

Масъул қўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган ва Қонунчилик палатаси илгари қабул қилинган таҳрирда маъқулланган қонун юзасидан хулоса беради.

Масъул қўмитанинг хулосаси олинганидан кейин қонунни Сенат томонидан қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала белгиланган тартибда Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилади. Сенат қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси иккинчи — тўртинчи бандлари).*

**31-модда.** Сенат томонидан қайта кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Сенат қарори билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор



қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

Агар Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Сенатнинг эътирозларини ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинса, ушбу қонунни Сенат янгидан қабул қилинган қонун сифатида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси тўртинчи — олтинчи бандлари).*

### **6-б о б. Айрим қонунларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари**

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунни, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси).*

**33-модда.** Навбатдаги молия йили учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети Сенатнинг кўриб чиқиши учун топширилади ва масъул қўмита томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджетига доир материаллар сенаторларга олдиндан, Сенат мажлисида кўриб чиқилгунга қадар юборилади.

Давлат бюджетини Сенатнинг мажлисида муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети бўйича қарор Сенат томонидан жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай қабул қилиниши керак.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси).*

**34-модда.** Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала Сенатнинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилиши керак.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар мазкур бюджетни қабул қилиш учун белгиланган тартибда киритилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси).*

**35-модда.** Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масаланинг Сенатда кўриб чиқилиши Қонунчилик палатасининг тегишли қарори Сенатга киритилганидан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат маъқуллаган қарор белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддаси).*

#### **4-Қ И С М. СЕНАТ ҚАРОРЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

##### **7-б о б. Сенат қарорларини кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг умумий тартиби**

**36-модда.** Сенат қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қарор лойиҳаси Сенатга киритилаётганда унга қисқача тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси биринчи ва иккинчи бандлари).

**37-модда.** Сенат Раиси Сенат қарорининг лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмита ва муддат белгилайди.

Сенат Кенгаши масъул қўмита вакилининг ахборотини эшитиб, қарор лойиҳасини Сенат мажлисининг кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади ва маърузачини белгилайди.

Сенат мажлисида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари юзасидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат қарори қабул қилинади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси учинчи-бешинчи бандлари).

**38-модда.** Агар овоз бериш якунларига кўра қарор лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф зарур миқдорда овоз тўпламаган бўлса, таклиф рад этилган ҳисобланади.

Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан биргаликдаги ваколатларига киритилган масала юзасидан қабул қилинган қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, агар ушбу қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Қонунчилик палатасига юборилади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси олтинчи ва еттинчи бандлари).

**8-б о б.** Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан биргаликдаги ваколатларига тааллуқли масалалар юзасидан айрим қарорларни қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

**39-модда.** Сенат Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш кераклиги тўғрисидаги материалларни, Қонунчилик палатасининг референдум ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш тўғрисидаги қарорини, шунингдек, маз-

кур масала бўйича масъул қўмитанинг хулосасини кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

референдум тайинлаш ва уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикасининг референдуми масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига, шунингдек, референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур масала юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатасининг қарорлари ушбу масала юзасидан Сенат қарор қабул қилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддаси).*

**40-модда.** Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала Сенатга тегишли материаллар келиб тушганидан кейин Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш ҳақидаги Сенат маъқуллаган қарор белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддаси).*

**41-модда.** Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги ўз тасдиғига киритилган фармонлари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фар-

монларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддаси).

**42-модда.** Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддаси).

**43-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан Сенатнинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Сенат тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди, Сенатни тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси).

**44-модда.** Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш масаласи юзасидан қарори Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддаси).*

**45-модда.** Сенат ўз тасдиғига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини ушбу фармон келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соатдан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини эса улар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масала Сенат қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддаси).*

**9-б о б. Сенатнинг мутлақ ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан айрим қарорлар қабул қилишининг ўзига хос хусусиятлари**

**46-модда.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳужалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳужалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш тўғрисидаги масалани ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳужалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилди.

Агар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тақдим этилган номзодлар овоз бериш пайтида Сенат аъзолари овозларининг етарли сонини ололмасалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенат кўриб чиқиши учун шу номзодларни қайтадан тақдим этиши мумкин. Агар улар қайта рад этилса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенат кўриб чиқиши учун бошқа номзодлар тақдим этилади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддаси).

**47-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масалалар Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддаси).*

**48-модда.** Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари лавозимларига тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Сенатга тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ёки уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги масалани Сенат ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилики овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ёки уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари лавозимларига тайинлаш учун тақдим этилган номзодлар овоз бериш



пайтида Сенат аъзолари овозларининг етарли сонини ололмасалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенат кўриб чиқиши учун шу номзодларни қайтадан тақдим этиши мумкин. Агар улар қайта рад этилса Сенат кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бошқа номзодлар тақдим этилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддаси).*

**49-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг сенаторни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномалари Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг сенаторни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш масаласи юзасидан қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддаси).*

**51-модда.** Регламент, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш Сенат қарори билан қабул қилинади.

Регламентга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклиф қўмиталар томонидан киритилиши мумкин. Уни Кенгаш Сенат мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритади ва биринчилардан бўлиб кўриб чиқилади.

Сенат мажлисини ўтказиш тартиби, Сенат фаолиятининг Регламентда назарда тутилмаган бошқа масалаларини кўриб чиқиш Сенат мажлисида сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, баённома билан расмийлаштирилади ва қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**V Б Ў Л И М. СЕНАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ  
ВАКОЛАТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ**

**52-модда.** Сенат, шунингдек, сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Сенат мажлисла-рида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парла-мент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва ма-териалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Сенат муҳокама яқунлари бўйи-ча қарор қабул қилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Рег-ламенти тўғрисида”ги қонуннинг 31-моддаси).*

**53-модда.** Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили-нинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ин-сон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ҳисоботи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичи-да Қонунчилик палатасига юборилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Рег-ламенти тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддаси биринчи банди).*

**54-модда.** Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Рес-публикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин эшитади ва муҳокама қилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддаси иккинчи ва учинчи бандлари).*

**55-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сенатга тақдим этган ҳар йилги ҳисоботлари Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддаси тўртинчи банди).*

**56-модда.** Сенатнинг қўмиталари, шунингдек, сенаторлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин.

Сенатнинг қўмиталари ёки сенаторлар талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Сенат қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади.

*(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддаси бешинчи, олтинчи ва еттинчи бандлари).*

## VI Б Ў Л И М. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**57-модда.** Сенат бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, расмий парламент делегациялари алмашилиши, шунингдек, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирларни ўтказиши мумкин.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 33-моддаси биринчи банди).

**58-модда.** Бошқа давлатларнинг парламентлари раҳбарларига, давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларига, парламент делегациялари раҳбарларига уларнинг илтимосларига биноан Сенат мажлисида сўзга чиқиш имконияти берилиши мумкин.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 33-моддаси иккинчи банди).

**59-модда.** Сенат, унинг органлари ва сенаторларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар сметаси Сенат Раиси томонидан тасдиқланади.

(“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддаси).

\* \* \*

Маълумки, 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳаётимизни тубдан ислоҳ қилиш ва янгилашнинг жорий йилдаги ва истиқболдаги устувор вазифалари ҳамда йўналишлар билан боғлиқ стратегияни белгилаб берди. Жумладан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа — қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ҳамда суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш, деб белгиланди.

Ушбу вазифа бевосита янгидан ташкил этилган юқори палата — Сенат мақоми, ваколатлари ва вазифаларига дахлдор эди. Шунинг учун ҳам Президентнинг маърузаси биринчи кунданоқ Сенатнинг ҳаракат дастурига айланди, умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблиги билан боғлиқ умумфаолият йўналишини белгилаб берди.

Олий Мажлис Сенати ўзининг биринчи Кенгашини ана шу дастурий маърузадан келиб чиқувчи вазифаларга багишлади.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва

Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг **“Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”** дастурий маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифаларни муҳокама қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Сенат қўмиталарининг жамиятимизда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигига тўлиқ эришиш, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини демократик эркинлаштириш билан боғлиқ янгича туб ислоҳий концепция — стратегияга асосланган фаолиятининг устувор йўналишларини кўриб чиқдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг ҳудудий вакиллик палатаси мақомидаги фаолият йўналишлари муҳокама қилинди, давлатимиз бошлигининг парламент палаталари қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида илгари сурилган янги устувор сиёсий ғояларга таянган ҳолда, Сенат қўмиталари, уларнинг раислари, аъзолари ўз йиллик ҳамда истиқболдаги иш режаларини зудлик билан мукамал тузиб чиқишлари лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, мажлисда Сенат, қўмиталар ва унинг аъзоларининг **“Сиҳат-саломатлик йили”** Давлат дастури ижроси билан боғлиқ вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда Сенат фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида кенг ва мунтазам ёритиб бориш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аппаратининг институционал таркибини ташкил этиш, иш фаолиятини бошлаш ва самарали давом эттириш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам қараб чиқишди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан Олий Мажлис Сенатининг қуйидаги дастури тасдиқланди.

Тадбирлар	Бажариш муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш	Доимий	Сенат қўмиталари, “Маънавият ва маърифат” маркази, Республика “Маҳалла” жамғармаси, оммавий ахборот воситалари	Фуқаролар онгига миллий истиқлол ғояси ва демократик қадриятларни сингдириш
Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида мамлакат парламентининг роли ҳамда таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш	Доимий	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди	Парламент обрўсини ошириш, ижро этувчи ҳокимият ва суд органлари мувозанатини мустаҳкамлаш
Сенат ваколатларини амалда жорий этишни таъминлаш. Парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш	Доимий	Сенат	Парламент ваколатларини таъминлаш. Парламентнинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш

Сенаторларнинг ҳудудий вакиллик вазифасини бажаришини инobatга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш	Доимий	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Давлат қўмиталари, нодавлат ташкилотлар	Барча ҳудудлар манфаатларининг муштараклигига эришиш
Мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида аҳолининг онгли иштироки кўламини янада кенгайтириш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари, қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кенгайтириш	Доимий	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Республика “Маҳалла” жамғармаси, нодавлат ташкилотлар	Жамиятда демократик қадриятларни шакллантириш. “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга тадбиқ этиш
Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш: а) прокуратура ваколатларидан шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш; в) жазо тизимидан ўлим жазосини бекор қилиш масаласини ўрганиш; г) суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилув-	2005—2008 йиллар	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Олий суд, Бош прокуратура, нодавлат ташкилотлар	Шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни жаҳон андозаларига мослаш. Суд ва давлат ҳокимият идораларининг обрўсини ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, порахўрлик, кор-

чи идоралар ходимларининг шахс, жамият ва давлат олдидagi масъулиятини янада ошириш, уларнинг профессионал етук, ҳалол ва одил ишлашларига эришишларини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилаш			рупцияга қарши курашни кучайтириш
Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чора-тадбирларни амалга ошириш: а) оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш; б) давлат телевидениеси негизда жамоатчилик телевидениеси канални босқичма-босқич шакллантириш; в) замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш	Доимий	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, “Ўзтелерадио” компанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, нодавлат ташкилотлар	Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Бу соҳада ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш
Динни сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини тарқатаётган радикал ва экстремистик, террорчиликка мослашган марказларнинг мақсадларини аҳолига кенгроқ тушунтириш:	Доимий	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Давлат қўмиталари, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази,	Динни ниқоб қилиб олган радикал ва экстремистик кучларнинг ёвуз ниятларини фош этиш ва уларга қарши курашни таъминлаш

— “Қўшнинг тинч — сен тинч” ҳаётий нақлни аҳоли онгига сингдирилишини таъминлаш; — аёллар ва ёшлар онгини диний экстремизм, терроризм иллатларидан заҳарланишининг олдини олиш.		Республика хотин-қизлар қўмитаси, нодавлат ташкилотлар, ҳокимликлар	
Наркоагрессия, халқаро терроризм, диний экстремизм, радикализм ва сепаратизмнинг халқимиз тинчлиги, юртимиз фаровонлиги, Ватанимиз тараққиётига раҳна солувчи ёвуз куч сифатида уларга қарши курашни кучайтириш	Доимий	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, нодавлат ташкилотлар, Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар	Наркоагрессия, халқаро терроризм, диний экстремизм, радикализм ва сепаратизм каби ёвуз кучларга қарши курашда халқаро прогрессив кучларни жипслаштириш, жаҳон ҳамжамиятини бирлаштириш
Марказий Оисёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш. Интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантириш, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантириш. БМТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш. Йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодий тузилмалари ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш	Доимий	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат қўмиталари, Халқаро ташкилотлар, давлатлараро ва нодавлат ташкилотлар	Ўзбекистон Республикасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини жадаллаштириш

<p>Жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутган давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.</p> <p>Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш ишларини давом эттириш, тегишли келишувларни кучга киритиш</p>			
<p>Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнида аҳоли даромадларини ўстириш, харид қобилиятини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва мамлакатда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга эришиш ва инфляция даражасини камайтиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш</p>	Доимий	<p>Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Давлат қўмиталари, Марказий банк</p>	<p>Эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминлашга эришиш, бозор инфратузилмасини шакллантиришни такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш</p>
<p>Хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш:</p> <p>а) давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашуви-</p>	Доимий	<p>Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Давлат қўмиталари, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Бош прокуратура</p>	<p>Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш билан ишчи ўринлари яратиш, иқтисодий ислохотларни янги босқичга кўтариш, эркин рақобатни кучайтириш</p>

<p>ни янада кўпроқ чеклаш, текширишлар натижаси бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни фақат суд томонидан тайинланишига эришиш;</p> <p>б) ҳужалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини қайта кўриб чиқиш;</p> <p>в) хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини янада кенгайтириш;</p> <p>г) хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш</p>			
<p>Кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш. Бу борада:</p> <p>— солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усулларини ишлаб чиқиш;</p>	Доимий	<p>Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Давлат қўмиталари</p>	<p>Кичик бизнес, айниқса, деҳқон ва фермер ҳужаликларини янада ривожлантириш орқали уларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган мавқеини янада ошириш</p>



<p>— фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;</p> <p>— йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги кичик корхоналар ташкил этиш, хонадонларда кичик хусусий цехлар очишни рағбатлантириш;</p> <p>— кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларида касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга қўмаклашадиган тузилмалар яратишнинг ҳуқуқий механизмни кучайтириш.</p> <p>Фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштиришни қўллаб-қувватлаш:</p> <p>— банк ва молия тизимларидаги ислохотларни чуқурлаштириш негизида фермерларга бўлғуси ҳосил ҳисобидан им-</p>			
---	--	--	--

<p>тиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш чораларини кўриш;</p> <p>— томонлар қабул қилган шартнома мажбуриятларини бажариш юзасидан қатъий интизом ўрнатиш;</p> <p>— ер, сув ресурсларидан ва бошқа захиралардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш</p>			
<p>Банк ва молия тизимларидаги ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, инфляция даражасининг барқарорлигини таъминлаш, банк айланмасидан четда қолаётган молия маблағларини ушбу тизимга жалб қилиш, ривожланган мамлакатлардаги тижорат ҳамда хусусий банкларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибаларини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этишни қўллаб-қувватлаш</p>	Доимий	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Вазирликлар, Давлат қўмиталари	Нақд пул тушумини ташкил этиш ва миллий валюта қадрсизланишининг олдини олиш
<p>Уй-жой коммунал хўжалигини ислох қилиш:</p>	Доимий	Сенат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси,	Аҳолига сифатли коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш

## СЕНАТИ

<p>— коммунал тармоқлардан самарали фойдаланиш тизими, тармоқларни капитал тарзда алмаштириш ва модернизациялаш, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмини яратиш;</p> <p>— уй-жой коммунал ҳўжалигини ислох қилишга қаратилган кенг кўламли Дастур ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлашни кўллаб-қувватлаш</p>		<p>Вазирликлар, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги</p>	<p>тизимини яратиш, уй-жой коммунал хўжалигидан фойдаланишда бозор механизмини шакллантириш</p>
<p>Солиқ Кодексини янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини энгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришнинг ҳуқуқий механизмини кучайтириш;</p> <p>— янги таҳрирдаги Солиқ кодексини тайёрлаш ва тасдиқлаш</p>	<p>2005—2007 йиллар</p>	<p>Сенат кўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Давлат кўмиталари</p>	<p>Солиқ тўловчилар интизимини ошириш, солиқ тизимини либераллаштириш, солиққа оид жиноятлар олдини олишга эришиш</p>

Дастур ижроси бошлаб юборилди. Жумладан, Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбати мамлакат парламенти юқори палатаси фаолиятини ташкил этиш масалаларига, сенаторлик ваколатларини амалга оширишдаги фаоллик омилларига бағишланди. Анжуманда ана шу йўналишдаги фаолият самарадорлигини ошириш йўллари ва бунда амал қилинадиган ҳуқуқий асослар, сенаторларнинг қонунчилик фаолиятини ҳамда парламентнинг юқори палатаси қўмиталари таркибида олиб борадиган ишларини пухта ташкил этиш, уларнинг фуқаролик жамияти тузилмалари билан ҳамкорлиги масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Жойларда сенаторларнинг фаоллигини таъминлаш ҳамда уларнинг Сенатдаги ишини талаб даражасига қўйиш билан боғлиқ масалаларга давра суҳбати иштирокчилари алоҳида эътибор бердилар. Бинобарин давлатимиз раҳбарининг “Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”, деган дастурий маърузасида таъкидланганидек, икки палатали парламентни шакллантиришдан қўзланган асосий мақсадлардан бири умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат бўлиб, бунда маҳаллий Кенгашлар вакилларидан иборат бўлган юқори палата — Сенат минтақалар манфаатларини ифода этади ҳамда вакиллик органи вазифасини бажаради.

Давра суҳбатида эътироф этилганидек, ҳокимият ягона тизимидаги икки палатали парламентнинг фаолият юритиши қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатларини кенгайтириш орқали ҳокимият тармоқлари ўртасида янада мақбулроқ ва барқарор мувозанатга эришиш мақсадига хизмат қилади.

Иштирокчилар Сенатнинг назорат ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга ҳам атрофлича тўхталдилар. Парламент сўрови, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг, Бош прокурорнинг ҳисоботлари Сенат мажлисида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар қонунларга қандай риоя этаётганликлари хусусидаги ҳисоботлари Сенат қўмиталари томонидан эши-

тилиши таомили бунда муҳим омил эканлигига алоҳида урғу берилди.

Сенаторларнинг жойларда сайловчилар билан олиб бориладиган ишларини кучайтиришга, бу борадаги фаолиятни Сенат қўмиталари томонидан мувофиқлаштиришга эътибор қаратилди. Давра суҳбатида бу йўналишда аҳоли билан олиб бориладиган ишларни яхшилашнинг амалий жиҳатларига оид қатор тавсиялар билдирилди. Сенатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорликдаги ишларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш йўллари ҳақида ҳам фикрлашиб олинди.

Давра суҳбатида Сенат қўмиталарининг раислари, сенаторлар, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг, мамлакатимиздаги қатор илмий муассасалар ва олий юридик ўқув юртларининг етакчи мутахассислари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

\* \* \*

Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этишга қаратилган аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг қўшма мажлисидаги маърузасида айтилганидек, Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг фоят муҳим шартидир.

“Ўзбекистон журналистикаси. Муаммолар ва истиқболлар” мавзуида ўтган конференцияда давлатимиз бошлиғининг ана шу дастурий нутқидан келиб чиқадиган, хусусан, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти борасидаги вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда ташкил этган конференцияда оммавий ахборот воситалари фаолият олиб бориши учун барча ҳуқуқий шарт-шароит-

лар яратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Амалдаги қонунлар мамлакатимизда ва унинг сарҳадларидан ташқарида содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва ҳаққоний ахборотларнигина эмас, балки ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ҳаётимиздаги долзарб муаммолар хусусидаги ошқора, профессионал таҳлилий материаллар ва баҳоларни ҳам кенг жамоатчиликка етказиш учун катта имкониятлар беради.

Давлатимиз раҳбарининг оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, ахборот майдонида бозор муносабатлари ва соғлом рақобатни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоат фонди ташкил этиш, мамлакатимизда турли мулк шаклидаги оммавий ахборот воситаларининг яхлит тизимини шакллантиришга доир ташаббуси журналистлар фаолиятини кучайтиришга янги омил бахш этганлиги ҳам конференцияда айтиб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари ўз фаолиятларига танқидий муносабат билдириб, ишда ҳамон ўтмиш андозалари кўриниб қолаётганлигини, журналистикада ички цензура, юқоридан буйруқ кутиш сингари салбий ҳоллар ҳанузга қадар барҳам топмаганлигини ҳам эътироф этдилар. Шу боис бундай иллатлардан халос бўлиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Конференцияда оммавий ахборот воситалари соҳасида ўзгаришларни амалга ошириш, республика журналистикаси олдида турган муаммоларни ҳал этиш амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни тақозо этаётир, деган фикрлар ҳам билдирилди.

Конференция ишида сенаторлар, депутатлар, марказий газеталар ва журналларнинг бош муҳаррирлари, Ўзбекистон Телерадио компанияси раҳбарлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг минтақавий вакиллари, журналист кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

\* \* \*

Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан биргаликда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари” мавзусида илмий-амалий конференция уюштирди.

Ташқи сиёсат устуворликларини белгилаб олишда мамлакат миллий манфаатлари ҳамда хавфсизлигини таъминлаш ушбу конференциянинг асосий гоёси бўлди. Унда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, илмий-тадқиқот ҳамда етакчи илмий муассасаларнинг олимлари, олий ўқув юр்தларининг ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда даставвал Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоевнинг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси А.Турсуновнинг, ташқи ишлар вазири биринчи ўринбосари И.Неъматовнинг, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси ўринбосари Ш.Абдуллаева ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Конференция иштирокчилари мамлакатимиз мустақиллик йиллари мобайнида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаганлигини, бундай ёндашув давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг парламент палаталарининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида ташқи сиёсий фаолият соҳасида таърифлаб берилган вазифаларга қаратилганлигини эътироф этдилар. Жаҳонда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори тобора ортиб бораётганлиги эса, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан юртимизда амалга оширилаётган демократик ва бозор ислохотлари, мамлакатимизнинг минтақада хавфсизликни барқарорлаштириш ва мустақамлаш борасидаги ташаббуслари изчил амалга оширилаётганлиги, ҳар тарафлама пухта ва босиқ ташқи сиёсат йўли ўтказиб келинаётганлиги натижасида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар самарасидир.

Мунозара жараёнида сўзга чиққанлар нисбатан қисқа муддат ичида мамлакатда ташқи сиёсий фаолиятнинг қонунчилик базаси яратилганлиги, бунда турли давлатлар билан тенг

шериклик ва ўзаро ҳурматга асосланган ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимига янада интеграциялашуви йўли асосий принцип бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Конференция ишида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин, Деҳли университетининг профессори С.Чакраварти ўз маърузалари билан иштирок этишди.

\* \* \*

2005 йил 18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини 2005 йил 6 май куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати **иккинчи ялпи мажлиси** 2005 йил 6 майда ўтди. Унинг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламентини тасдиқлаш тўғрисида.

*Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши*

2. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасини сайлаш тўғрисида.

2.2. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасини сайлаш тўғрисида.

2.3. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасини сайлаш тўғрисида.

2.4. Ташқи сиёсат масалалари қўмитасини сайлаш тўғрисида.

2.5. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасини сайлаш тўғрисида.

2.6. Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасини сайлаш тўғрисида.

2.7. Регламент ва одоб комиссиясини тузиш тўғрисида.

*Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши*

3. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳақида.

*Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси*

4. “Чехия Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртада Шерикчилик таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга доир Баённомани (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисида.

*Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси*

5. Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани номини ўзгартириш тўғрисида.

*Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши*

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорини тасдиқлаш тўғрисида.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

10. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси тўғрисида.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2004 йилги фаолияти тўғрисида.

*Ўзбекистон Республикаси*

*Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили*



13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (Омбудсманни) сайлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, юқорида қайд этилган Олий Мажлис Сенатининг Регламенти тасдиқланди.

\* \* \*

Олий Мажлис Сенатида хорижий давлатлар Сенатлари билан парламентлараро алоқаларни ва ҳамкорликни йўлга қўйиш бошлаб юборилди. Дастлабки тадбир Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулудда ва мухтор элчиси жаноб Ф.М.Мухаметшин билан ўтказилди. Учрашувда Олий Мажлис Сенати билан Россия Федерацияси Федерал Кенгаши ўртасидаги алоқаларни, ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

24 мартда Чехиянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Алеш Фойтек билан учрашувда икки мамлакат юқори палаталари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш, Чехия Сенатининг Ташқи ишлар бўйича қўмита аъзоларидан бирининг яқин кунларда Ўзбекистонга ташрифи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Чехия парламенти сенатори ташрифидан мақсад Олий Мажлис Сенати фаолияти билан яқиндан танишув эканлигини элчи жаноблари махсус таъкидлади. Шунингдек, А.Фойтек олти йилга сайланадиган 81 аъзодан иборат Чехия Сенатининг амалдаги ўзига хос фаолияти билан учрашув иштирокчиларини яқиндан таништирди.

28 мартда Беларус Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Н.Демчук билан учрашувда у 64 сенат аъзосидан иборат Беларус Республикаси юқори палатаси Миллий Мажлиснинг (8 та Сенат аъзоси республика Президенти томонидан тайинланади) вазифалари ва таркиби ҳақида батафсил гапириб берди, икки томонлама белорус-ўзбек муносабатларини янада кенгайтириш истиқболлари борасида фикр юритиб, элчи мамлакатлараро савдо-иқтисод, хусусан, халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро самарали ҳамкорлик-

ка катта баҳо берди. Ана шу ижобий муносабатлар бундан кейин парламентлараро, жумладан, юқори палаталар ўртасидаги алоқаларни кенг йўлга қўйиш учун кафолат эканлиги ҳақида гапириб, элчи жаноблари Белорус парламентининг юқори палатаси раиси Олий Мажлис Сенатига расман ташриф буюриши билан боғлиқ таклифни ўртага ташлади.

14 мартда Руминия Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб К.Алекс Олий Мажлис Сенатига ташриф буюрди. Ташриф чоғида жаноб элчи румин-ўзбек муносабатларини янада ривожлантириш, Руминия Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги йирик давлат эканлигини таъкидлаб, икки мамлакат ўртасидаги кенг миқёсли алоқаларни кенгайтириш халқларимиз манфаатларига хизмат қилиши муқаррарлигини эътироф этди. Ана шу ҳамкорлик иккала давлат парламентлари ўртасидаги алоқаларни ҳам кенгайтириш имконини беришини таъкидлаган элчи жаноблари Руминия парламенти аъзолари — сенаторлар билан боғлиқ масалалар хусусида сўзлади.

Олий Мажлис Сенатида Бутунжаҳон банки делегацияси билан “Давлат молияси бошқаруви ислоҳоти” лойиҳаси бўйича учрашув ўтказилди. Унда делегация раҳбари — Бутунжаҳон банки Давлат бошқаруви секторининг бош мутахассиси жаноб Р.Кларк ташриф мақсади ва вазифалари хусусида батафсил тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ўзаро манфаатдорлик йўлида алоқаларни кенгайтириш истиқболлари ҳақида гапирди, Ўзбекистонда давлат молияси бошқаруви олиб бораётган ислоҳотлар тўлиқ самара бераётганлигини эътироф этди.

Европа Иттифоқи Комиссияси (ОИК) делегацияси билан бўлган учрашувда делегация раҳбари ОИК Ташқи алоқалар бўйича Бош директорининг ўринбосари жаноб М. Ли Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдорлигини, Ўзбекистонда икки палатали профессионал парламентнинг ташкил этилганлиги мамлакат қонунчилиги сифати ва самарадорлигини кескин оширишини, бу Европа Иттифоқи қонунчилигининг

талабларига ҳам тўлиқ мос келишини таъкидлади. Боз устига, бу Европарламент билан Олий Мажлис ўртасидаги алоқаларнинг чуқурлашувига асос бўлишини, Европа Иттифоқи — Ўзбекистон парламентлараро алоқаларнинг 2003—2004 йиллардаги натижаларидан мамнун эканлигини эътироф этди.

Учрашувда 2005 йил июнь-август ойларида ўтадиган Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи вакиллари учрашувига, шунингдек, 2007 йилда ўтиши мўлжалланган Марказий Осиё — Европа Иттифоқи саммитига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.

\* \* \*

Сенат қўмиталари ўз ишларини жорий ва истиқболли режалар асосида ташкил этган.

## **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари 2005 йилда ўтказадиган**

### **ТАДБИРЛАР**

#### *Йилнинг биринчи чораги*

“Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: воқелик ва муаммолар. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини такомиллаштириш” мавзuida давра суҳбати.

*Бюджет ва иқтисодий ислохотлар  
масалалари қўмитаси*

“Сенаторнинг ўз ваколатларини амалга оширишдаги фаоллигини таъминлаш тўғрисида”, деган мавзуда давра суҳбати (Сенат қўмиталари билан биргаликда).

*Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ  
масалалари қўмитаси*

“Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари” мавзuida амалий конференция (Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” маърузаси асосида).

*Ташқи сиёсат масалалари  
қўмитаси*

“Армия ва ёшлар” мавзуида давра суҳбати (Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда).

*Мудофаа ва хавфсизлик масалалари  
қўмитаси*

“Ўзбекистон журналистикаси. Муаммолар ва истиқболлар” мавзуида конференция (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда).

*Фан, таълим, маданият ва спорт  
масалалари қўмитаси*

“Ўзбекистон биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш модели сифатида Нурота-Қизилқум биосфера қўриқхонасини барпо этиш” мавзуида давра суҳбати.

*Аграр, сув хўжалиги масалалари  
ва экология қўмитаси*

### **Йилнинг иккинчи чораги**

“Ўзбекистон Республикасининг кредит уюшмалари: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзуида семинар.

*Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар  
масалалари қўмитаси*

“Дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш процесслари устидан суд назорати” мавзуида семинар.

*Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси*

“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат — ҳарбий хизматнинг алоҳида тури” мавзуида давра суҳбати (Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри).

*Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси*

“Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари” мавзуида давра суҳбати (Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси билан биргаликда).

*Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси*

“Телевидение ва радиоэшиттиришлар фаолиятининг либераллаштирилишини ва иқтисодий эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш муаммолари” мавзуида давра суҳбати (Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан биргаликда).

*Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси*

“Фермер хўжалиklarини ривожлантиришни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масалалари” мавзуида илмий-амалий конференция.

*Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси*

### *Йилнинг учинчи чораги*

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзуида давра суҳбати.

*Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси*

“Ўзбекистонда тадбиркорларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзуида халқаро конференция (Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси билан биргаликда).

*Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси*

“Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзуида давра суҳбати.

*Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси*

“Марказий Осиё умумий бозорининг норматив-ҳуқуқий базасини тайёрлаш — мазкур бозор ташкил этилишининг муҳим ва зарур босқичи” мавзуида давра суҳбати (Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари билан биргаликда).

*Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси*

“Ўзбекистонда спортни ривожлантиришни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари” мавзуида семинар.

*Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси*

“Ўзбекистон Республикасида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг миллий стратегияси ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш” мавзуида давра суҳбати.

*Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси*

*Йилнинг тўртинчи чораги*

“Банкларнинг инвестиция фаолияти муаммолари ва иқтисодий ривожлантириш” мавзуида семинар.

*Бюджет ва иқтисодий ислохотлар  
масалалари қўмитаси*

“Суд-ҳуқуқ ислоҳоти: самарадорлик ва истиқболлар” мавзуида конференция.

*Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ  
масалалари қўмитаси*

“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўташнинг контракт асосидаги тизими. Истиқбол ва ривожланиш” мавзуида конференция.

*Мудофаа ва хавфсизлик  
масалалари қўмитаси*

“Давлатнинг ташқи сиёсати ва иқтисодий фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш тўғрисида” мавзуида семинар.

*Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси*

“Мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихини тадқиқ этиш масалалари” мавзуида илмий-амалий конференция (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда).

*Фан, таълим, маданият ва спорт  
масалалари қўмитаси*

“Зарафшон дарёсининг бугуни ва эртаси. Муаммолар ва ечимлар” мавзуида илмий-амалий конференция.

*Аграр, сув хўжалиги масалалари ва  
экология қўмитаси*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
қўмиталарининг 2005 йилга мўлжалланган  
қонунчилик ва назорат фаолияти**

**Р Е Ж А С И**

**Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси**

***Қонунчилик фаолияти***

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунлар юзасидан қўмита ваколатлари доирасида хулосалар тайёрлаш.

*Келиб тушишига қараб*

***Назорат фаолияти***

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

*I ярим йиллик*

2. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Сирдарё вилоятида ижро этилиши ҳақида.

*I ярим йиллик*

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар тайёрлаш.

*II ярим йиллик*

**Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси**

***Қонунчилик фаолияти***

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунлар юзасидан қўмита ваколатлари доирасида хулосалар тайёрлаш.

*Келиб тушишига қараб*



### *Назорат фаолияти*

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

*1 ярим йиллик*

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ижро этилиши тўғрисида.

*1 ярим йиллик*

3. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тизимида ижро этилиши ҳақида.

*II ярим йиллик*

### **Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси**

#### *Қонунчилик фаолияти*

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунлар юзасидан қўмита ваколатлари доирасида хулосалар тайёрлаш.

*Келиб тушишига қараб*

#### *Назорат фаолияти*

1. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ижро этилиши ҳақида.

*1 ярим йиллик*

2. “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ижро этилиши ҳақида.

*II ярим йиллик*

### **Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси**

#### **Қонунчилик фаолияти**

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунлар юзасидан Қўмита ваколатлари доирасида хулосалар тайёрлаш.

*Келиб тушишига қараб*

Икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалар, битимлар ва конвенцияларни ратификация, шунингдек, денонсация қилиш тўғрисидаги Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидан Сенатга келган қонунлар юзасидан хулосалар тайёрлаш.

*Келиб тушишига қараб*

#### **Назорат фаолияти**

1. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ижро этилиши ҳақида (Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан биргаликда).

*I ярим йиллик*

2. Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи, шунингдек, унга аъзо давлатлар ўртасидаги Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг қонунчилик соҳасидаги ҳамкорликка доир қисмининг давлат бошқарув органлари томонидан ижро этилиши ҳақида (Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан биргаликда).

*II ярим йиллик*

**Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси**

***Қонунчилик фаолияти***

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунлар юзасидан қўмита ваколатлари доирасида хулосалар тайёрлаш.

*Келиб тушишига қараб*

***Назорат фаолияти***

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ижро этилиши ҳақида.

*I ярим йиллик*

2. “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ижро этилиши тўғрисида.

*II ярим йиллик*

**Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси**

***Қонунчилик фаолияти***

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунлар юзасидан қўмита ваколатлари доирасида хулосалар тайёрлаш.

*Келиб тушишига қараб*

***Назорат фаолияти***

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

*I ярим йиллик*

2. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ижро этилиши ҳақида.

*I ярим йиллик*

3. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Зарафшон ҳавзаси бошқармаси тизимида ижро этилиши ҳақида.

*II ярим йиллик*

Сенатнинг Қонунчилик палатасидан туша бошлаган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият жараёни бошланди.

\* \* \*

### **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фаолиятини таъминлаш**

Сенат ва унинг қўмиталари фаолиятининг самарадорлиги бевосита **Сенат Девони** билан боғлиқ. Чунки айнан Девон Сенат ишини таъминлайди.

Маълумки, давлат қурилишининг кўп асрли тарихи бирор бир цивилизациялашган давлат юксак малакали Девон ва тегишли таркибу тартибда шаклланган ходимларсиз самарали фаолият кўрсата олмаслигини исботлаб келмоқда. Гап муайян ходимлар ҳақида эмас — уларни истаганча тайёрлаш мумкин. Гап шу ходимларнинг ишлаши лозим бўлган яхлит тизимда. Масала ходимларнинг нима иш қилишида эмас, балки шу ишини қандай ва нима мақсадда қилишида.

Бу даъволар Ўзбекистон парламентиغا, жумладан, Сенатга ҳам дахлдор.

Олий Мажлис тизимида юқори палата — Сенатнинг ташкил этилиши билан боғлиқ янги тартиб, ҳокимият таркибларидан ўзаро муносабат тизимининг ислоҳи, шубҳасиз, Сенатнинг фаол ишлашига кафил бўлиши аниқ. Ўз олдига қўйилган вазифаларни малакали адо этиш Ўзбекистонда давлат хизматини

ислоҳ қилиш бўйича янги-янги ғояларни қонунчилик амалиётига жорий этишга, уни расман ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳақиқий ижтимоий-бошқарув институтига айланишига имкон беради. Бу энг замонавий илмий-фалсафий ва ҳуқуқий базада ҳокимият Девонининг ташкилий-кадрлар ҳамда ҳуқуқий асосларига, давлат лавозимлари ва давлат хизмати ходимлари мақомига дахлдор вазифаларни ҳал этиш зарурати, деганидир.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, ҳаётимизга кўплаб демократик кадриятлар чуқур сингди, турмушимизнинг, менталитетимизнинг одадий кўникма маданиятига айланди, қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис таркибларида парламент фаолияти ва давлат хизмати борасида ибратли ҳамда фойдали тажриба тўпланди. Ушбу тажриба юқори палата — Сенат фаолиятида ҳам асқотиши аниқ.

Ўзбекистон қонунчилиги Сенатга ўз ваколатларини аниқ бажариш имкониятини берди. Ушбу вазифаларни малакали ҳал қилишда давлат хизмати, яъни Олий Мажлис Сенати ваколатларини бажаришни таъминловчи махсус ижтимоий-ҳуқуқий институт ёрдам беради. Хизматчи ходимларнинг мақоми ва ваколатларига, ҳуқуқий ҳамда моддий аҳволига, хизмат муносабатларининг маънавий-ахлоқий асосларига Олий Мажлис Сенати фаолиятининг самарадорлиги, унинг обрўнуфузи кўпроқ боғлиқ. Бу, ҳатто, асосан, юқори палата ҳамда сенаторлар топшириқларини бажаришга сафарбар Девон ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари анча чекланган шароитда ҳам адолатдан ҳисобланади.

Девоннинг ҳуқуқий мақоми, унинг таркиби, вазифа ва усуллари масалалари Сенатнинг ҳар бир аъзосини қизиқтириши аниқ. Чунки Сенат Девони, гарчи Сенат аъзоларига ҳисоб бермаса-да, лекин ҳамиша уларнинг диққат марказида бўлади. Сенаторлар унинг иш фаолиятига таъсир қилиб туришади. Боз устига, юқори палата Девони бўлимлари бевосита Сенатнинг тегишли қўмиталари, комиссияларига хизмат қиладди. Қўмиталар, комиссиялар иши кўп. Сенаторларнинг вақти тифиз. Ана шунда уларга бевосита айнан Девон, аниқроғи, унинг муайян бўлимлари ёрдамга келади.

Сенат Девони Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис Сенати ва Сенат Регламенти тўғрисидаги қонунлар талабларига биноан юқори палатанинг қарори билан тасдиқланган Низом, шунингдек, Сенат Девони ходимлари учун ишлаб чиқилган ички меҳнат интизоми қоидалари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ўз фаолиятини бошлади. Ушбу юридик ҳужжатларда Девоннинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, қурилиш принциплари, Девонро ички муносабатларнинг қоида ва меъёрлари тўлиқ аксини топган.

## **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида**

### **Н И З О М**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунига, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат, деб юритилади), унинг органлари ҳамда Сенат аъзоларининг фаолиятини ташкилий, ахборот ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони (бундан буён матнда Сенат Девони, деб юритилади) амалга оширади.

2. Сенат Девони ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Сенатнинг ва Сенат Кенгашининг қарорларига, Сенат Раисининг фармойишларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

3. Сенат Девони ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси, деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг Девонлари, шунингдек, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Сенат Девонида жамоат бирлашмаларининг, шу жумладан, сиёсий партиялар, шунингдек, диний бирлашмаларнинг тузилмалари ташкил этилиши мумкин эмас, касаба уюшмалари бундан мустасно.

5. Сенат Девонининг тузилмаси, штатлар жадвали, ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори ва уларнинг моддий-техника таъминоти, шунингдек, уларнинг таъминоти билан боғлиқ харажатлар Сенат Раиси томонидан тасдиқланади.

6. Сенат Девони юридик шахс бўлиб, ўзининг ҳисобкитоб варақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## **II. Сенат Девонининг бўлимлари ва уларнинг асосий вазифалари**

7. Сенат Девони Сенат Раисининг, Раис ўринбосарларининг (бундан буён матнда Сенат раҳбарияти, деб юритилади) ҳамда Сенат Девони раҳбарининг бевосита раҳбарлигида ишлайди ва қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

*Сенат раҳбарияти ҳузуридаги котибият*

*Матбуот котиби*

*Юридик бўлим*

*Назорат-ахборот бўлими*

*Халқаро алоқалар бўлими*

*Матбуот ва таржима бўлими*

*Умумий бўлим*

*Бухгалтерия.*

Сенат Девони бўлимларининг таркибида шубҳалар, гуруҳлар ва бошқа таркибий бўлинмалар тузилиши мумкин.

8. Сенат Девонини Сенат Девони раҳбари бошқаради.

9. Сенат Девони раҳбари ўз ваколати доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қонунчилик палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Девонлари, шунингдек, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро алоқаларда Сенат Девони номидан иш кўради;

Сенат Девони ўзининг таркибий бўлинмалари самарали ишлашини таъминлайди, Сенат Девони зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Сенат Девони таркибий бўлинмаларининг ишини мувофиқлаштириб ва фаолиятини назорат қилиб боради;

Сенатда ўтказиш мўлжалланаётган тадбирлар режаларининг лойиҳалари тайёрланишини ташкил этади, Сенат раҳбариятининг топшириғига биноан ва қўмиталарнинг (комиссияларнинг) таклифлари асосида Кенгаш мажлисларининг кун тартиби лойиҳасини тайёрлайди ҳамда Сенат раҳбарияти кўриб чиқиши учун киритади;

Сенат, қўмиталар (комиссиялар) раҳбариятига ахборот, маълумотнома йўсинидаги ва бошқа материаллар тайёрланишини ташкил этади, Сенат ва унинг органлари фаолияти ахборотлар билан таъминланишини яхшилаш, ахборотларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилишнинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда ишлашини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлислари ўтказилишини таъминлайди;

Сенат Девонининг таркибий бўлинмаларида тайёрланган масалалар хусусида Сенат раҳбариятига ахборот бериб боради;

Сенат Девони ишини такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилишини таъминлайди, Сенат Девони тузилмаси, штатлари ва кадрлар таркибига оид масалалар юзасидан Сенат раҳбарияти кўриб чиқиши учун таклифлар киритади, Сенат Девони ходимларининг малакасини ошириш, меҳнат интизомини мустақамлаш ишларини ташкил этади;



Сенат биноти хавфсизлиги таъминланиши устидан назоратни амалга оширади;

Сенат Девонининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармасининг Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси билан ҳамкорликдаги ишларини таъминлайди;

Сенат раҳбарияти томонидан зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

#### **10. Сенат раҳбарияти ҳузуридаги котибият:**

келиб тушаётган ҳужжатларни саралаш йўли билан ишловдан ўтказиши ва жўнатилаётган ҳужжатларнинг ҳисобини юритади;

келиб тушаётган ҳужжатлар билан таҳлилий ва ахборот-маълумотнома йўналишидаги ишларни амалга оширади;

Сенат ва унинг Кенгаши мажлисларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисларига тайёргарлик кўришида Сенат раҳбариятига кўмаклашади;

Сенат раҳбариятининг Сенат қўмиталари (комиссиялари) билан ҳамкорликдаги ишларини таъминлайди;

Сенат раҳбарияти томонидан кўриб чиқиладиган ахборот-таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлайди;

Сенат раҳбарияти томонидан фуқароларнинг қабул қилиниши билан боғлиқ ишларни ташкил этади;

Сенат раҳбариятининг топшириқлари бажарилиши устидан назорат олиб боради;

Сенат Раиси қабулхонаси иши мунтазам, шу жумладан, навбатчилик жадвалига биноан дам олиш ва байрам кунлари ҳам бир меъёردа боришини таъминлайди;

Сенат раҳбарияти фаолиятига моддий-техника хизмати кўрсатилишини амалга оширади;

Сенат Раисининг ҳамда Раис ўринбосарларининг топшириқларига биноан бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **11. Матбуот котиби:**

оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Сенат ва унинг органлари фаолияти ҳақида эълон қилиниши учун ахборотлар тайёрлайди;

Сенат ва унинг органлари фаолияти даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио орқали белгиланган тартибда ёритилишини таъминлайди;

Сенат раҳбарияти учун маърузалар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, шунингдек, чет давлатлар ва МДХга аъзо мамлакатлар парламентларининг фаолиятини ўрганиш билан боғлиқ таҳлилий ишларни амалга оширади;

Сенат иши натижаларини умумлаштириб боради;

Сенат фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ва маълумотнома йўсинидаги бошқа материалларни тайёрлайди;

Сенат раҳбариятининг топшириғига биноан нодавлат но-тижорат ташкилотларининг вакиллари билан алоқаларни амалга оширади;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари томонидан зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

12. Сенат Девонининг бўлимларига бўлим мудирлари раҳбарлик қиладилар.

### 13. Юридик бўлим:

Сенат ҳамда унинг Кенгаши ва қўмиталари (комиссиялари) муҳокамасига киритиладиган масалалар юзасидан материаллар ва таклифлар тайёрланишига кўмаклашади;

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунлар юзасидан хулосалар тайёрлашда Сенат қўмиталарига кўмаклашади, шунингдек, қарорларнинг, баёлотларнинг, мурожатномаларнинг лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда мазкур ҳужжатларни юридик-техник жиҳатдан маромига етказишда иштирок этади;

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларнинг муҳокамасида иштирок этади;

Сенат ва унинг Кенгаши мажлислари ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишида иштирок этади;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари топшириғига биноан бўлим ваколатига тааллуқли ҳуқуқий масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди;

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш учун масъул Сенат қўмитаси топшириғига биноан мазкур қонунларни улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига, шунингдек, юридик техника талабларига қанчалик мувофиқ эканлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилади, мазкур ҳужжатларнинг сифатини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

қонунлар ҳамда Сенат ва унинг Кенгаши қарорлари, Қонунчилик палатаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳисобини юритади ҳамда уларни тизимга солиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари базасини шакллантиради ва текшириб, тўғри ҳолатда бўлишини назорат қилиб боради;

Сенат қўмиталарининг ёзма сўровига биноан қонунлар базаси асосида ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот йўсинидаги маълумотномалар тайёрлайди;

Сенат томонидан маъқулланган қонунларни ва қабул қилинган қарорлар, баёноتلарни, мурожаатномаларни, шунингдек, парламент сўровларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришга бир хил ёндашилишини таъминлайди, Сенат аъзоларига маслаҳат ва услубий ёрдамлар кўрсатади;

Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилишига қўмаклашади;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари томонидан бўлим зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

#### **14. Назорат-ахборот бўлими:**

Сенат қўмиталарига назорат-таҳлил ишларини амалга оширишларида ташкилий, услубий, ахборот ва маслаҳат йўсинидаги хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

Сенат қўмиталарининг конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этишида ҳамда ўтказишида қўмаклашади;

Сенат мажлисларига ташкилий ва ахборот хизмати кўрсатилишини таъминлайди, Сенат аъзоларига ташкилий-техник ёрдам беради;

Сенат аъзоларига ўз ваколатларини амалга оширишларида кўмаклашади ҳамда уларни тегишли ахборот материаллари билан таъминлайди;

сенаторларнинг жойларда олиб борган ишлари, аҳоли билан ўтказган учрашувлари ҳақида Сенат Девонига келиб тушган ахборотларни умумлаштириб боради;

фуқаролардан Сенатга тушаётган мурожаатлар юзасидан олиб бориладиган ишларни ташкил этади, мурожаатларнинг ҳисобини юритади ва рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди, уларнинг тегишли давлат органларида ва бошқа органларда кўриб чиқилишини назоратга олади;

Сенатга мурожаат билан келувчи фуқароларнинг қабул қилинишини ташкил этади;

фуқароларнинг мурожаатларини, уларни кўриб чиқиш натижаларини мунтазам таҳлил қилиб ва умумлаштириб боради, шикоятларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганеди, зарур ахборотлар тайёрлайди;

Сенат аъзоларининг рўйхатларини нашрга тайёрлайди, сўровнома йўли билан уларга оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳисобини юритади;

маъмурий-ҳудудий тузилишни тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартириш, туманлар, шаҳарлар ва вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш масалалари юзасидан таклифларни умумлаштиради ҳамда ҳужжатлар тайёрлайди;

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига услубий ва бошқа йўсиндаги ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ материаллар ҳамда таклифлар тайёрланишини ташкил этади;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишга доир ташкилий-техник тадбирларда маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органларига, сайлов комиссияларига ёрдам кўрсатади;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари томонидан бўлим зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

#### 15. Халқаро алоқалар бўлими:

халқаро муносабатларга, шунингдек, халқаро шартномалар ҳамда битимларни ратификация ёки денонсация қилишга тааллуқли материаллар ва таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган, халқаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар юзасидан хулосалар тайёрлашда Сенатнинг тегишли қўмиталарига кўмаклашади;

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларнинг муҳокамасида иштирок этади;

чет эл делегацияларининг, чет давлатлар айрим давлат ва сиёсат арбобларининг, дипломатия вакилларининг, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакилларининг Сенатдаги қабулини уюштиради;

парламент делегациялари ташрифининг, Сенат иштирокида ўтказилаётган халқаро парламент тадбирларининг (конференциялар, семинарлар, симпозиум ва бошқаларнинг) протокол таъминоти масалаларини ҳал этади;

расмий ташриф билан чет элларга бораётган Сенат раҳбариятини, делегациясини ва Сенат аъзоларини ахборот, маълумотнома йўсинидаги ва бошқа материаллар билан таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қонунчилик палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Девонлари тегишли бўлинмалари, вазирликлар ва идоралар билан, дипломатия ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар ваколатхоналари билан алоқада бўлади;

Сенатнинг парламентлараро алоқалари масалаларига доир материалларни умумлаштириб боради, халқаро парламент институтлари билан мулоқотни йўлга қўяди ва олиб боради;

халқаро шартномалар ҳисобини юритади ҳамда уларни тизимга солиб боради;

халқаро алоқаларга тааллуқли, Сенат раҳбарияти назоратидаги ҳужжатларнинг ижроси назорат этилишини таъминлайди;

Сенатнинг қўмиталарига (комиссияларига) ташкилий, услубий ва ахборот хизмати кўрсатилишини таъминлайди, уларга халқаро хусусиятдаги тадбирлар ўтказишда қўмаклашади;

хорижий мамлакатларга хизмат сафарига бораётган Сенат раҳбарияти, сенаторларга ва Сенат Девони ходимларига ташкилий-техник, услубий ва бошқа хил қўмак беради;

Сенатга келиб тушган чет тиллардаги хат-хабарларнинг таржима қилинишини таъмин этади;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари томонидан бўлим зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

#### **16. Матбуот ва таржима бўлими:**

қонунлар, шунингдек, Сенатнинг ва Сенат Кенгашининг ҳужжатлари, Сенат раҳбариятининг топшириғига биноан эса бошқа материаллар матнлари таржима ва таҳрир этилишини таъминлайди;

Сенат томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилинишини ташкил этади;

Сенат ва унинг Кенгаши муҳокамасига киритилаётган қонунлар ҳамда бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ материаллар ва таклифларни тайёрлашда иштирок этади;

Сенатнинг матбуот органлари фаолияти билан боғлиқ масалаларда мутасаддилик қилади, бу органларнинг ўз уставларида белгиланган талабларни бажариши устидан назоратни амалга оширади;

оммавий ахборот воситалари билан алоқада бўлади;

Сенат Кенгаши мажлисларининг баённомалари, Сенат томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг тўпламлари нашр қилинишини ташкил этади;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари томонидан бўлим зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

**17. Умумий бўлим:**

Сенат ҳужжатларининг (қарорлар, баённомалар, фармоишлар ва бошқа ҳужжатларнинг) рўйхатга олинишини, ҳисоби юритилишини, расмийлаштирилишини, кўпайтирилишини ва жойларга жўнатилишини амалга оширади;

келаётган хат-хабар, ёзишмаларни қабул қилиб олади, рўйхатдан ўтказади, ҳисобини юритади, тақсимлайди ва тегишлилиги бўйича етказиб беради, шунингдек, жўнатилаётган хат-хабарлар, ёзишмаларнинг қабул қилиб олиниши ҳамда жойларга юборилишини таъминлайди;

Сенат Девонининг таркибий бўлинмаларида иш юритилишини белгиланган тартибда ташкил этади, махфийлик режимини таъминлайди, Сенат Девонининг таркибий бўлинмаларида меҳнат интизоми аҳволини таҳлил этиб боради;

Сенат биносига кириш ва чиқиш тўғрисидаги низом талабларига риоя этилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда назорат олиб боради;

Сенат ва унинг Кенгаши мажлисларига Сенат Девонининг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргаликда ташкилий-техник хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

Сенат ва унинг Кенгаши ҳамда қўмиталари (комиссиялари) мажлисларининг, Сенатда ўтказиладиган бошқа тадбирларнинг баённомаларини, стенограммаларини юритади, мажлисларда сўзга чиққанларнинг овозлари магнит лентасига ёзиб олинишини таъминлайди;

юритилиши тугалланган ҳужжатлар йиғмажилдларининг қабул қилиб олиниши, ҳисоби юритилиши ва сақланишини, жорий архив шаклантирилишини таъминлайди, ишлар, йиғмажилдлар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда давлат архивига топширади;

Сенат ишлари номенклатурасини ишлаб чиқади, уни “Ўзархив” агентлиги билан келишиб олади ва тасдиқлаш учун Сенат раҳбариятига киритади;

Сенат кутубхонаси ишини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари топшириғига биноан фармойишлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Сенатда доимий асосда ишлаётган сенаторларнинг ҳамда Сенат Девони ходимларининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари ва меҳнат дафтарчаларини расмийлаштириш ҳамда сақлашга доир ишларни амалга оширади;

Сенат Девони ходимларини ҳарбий рўйхатга киритиш ва ундан чиқариш, шунингдек, бронлаштириб қўйиш масалаларида туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари билан алоқада бўлади;

Сенат Девони таркибий бўлинмалари тақдим этадиган маълумотлар асосида ҳар куни Сенат раҳбариятини Сенат Девони ходимларининг ишга чиққан-чиқмаганлигидан хабардор этади;

Сенатнинг, унинг Кенгаши ва қўмиталарининг (комиссияларининг), Сенат аъзоларининг ҳамда Сенат Девонининг фаолиятига молиявий, моддий-техник ва хўжалик хизмати кўрсатилишини таъминлайди;

Халқаро алоқалар бўлими билан биргаликда парламент делегациялари ва бошқа делегацияларнинг Сенатдаги қабуллари ташкил этади, Сенат делегацияларини чет элларга юбориш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни, сенаторлар ҳамда Сенат Девони ходимлари учун авиация чипталари банд (брон) қилиб қўйилишини ҳал этади;

Сенат қўмиталарининг (комиссияларининг) ва Сенат Девони таркибий бўлинмаларининг материаллари компьютерда териб (кўчириб) берилишини ҳамда кўпайтирилишини ташкил этади;

Сенат аъзоларининг ва Сенат Девони ходимларининг хизмат гувоҳномалари ҳамда бошқа ҳужжатлар бланкалари тайёрланишини таъмин этади;

овоз беришнинг электрон тизими, Сенатнинг маҳаллий компьютер тармоғи, шунингдек, бошқа ташкилий техникалар талаб даражасида ишлашини таъминлайди;

сенаторларга ва Сенат Девони ходимларига меҳнат, маиший, дам олиш шароитлари яратиб берилишини ҳамда уларга тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш юзасидан Ўзбе-



кистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармасининг Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси, ошхона, автохўжалик, тиббий пункт ва қўриқлаш хизмати билан биргаликда фаолият олиб боради;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари томонидан бўлим зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

### **18. Бухгалтерия:**

Сенат ва унинг органлари фаолияти билан боғлиқ харажатлар сметаларининг лойиҳаларини, бу сметаларнинг ижросига доир ҳисоботларни тайёрлайди ҳамда уларни Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари кўриб чиқиши учун кирилади;

бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби юритади.

## **III. Сенат Девонининг ходимлари**

19. Сенат Девони раҳбари ва Девон ходимлари Сенат Раисининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

**20. Сенат Девони бўлимларининг мудирлари ўз ваколатлари доирасида:**

Сенат Девонининг тегишли бўлимлари фаолиятига беvosита раҳбарлик қиладилар ҳамда ана шу бўлимлар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан масъул бўладилар;

ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайдилар, иш уюшқоқлик билан ва батартиб боришини, меҳнат интизомига риоя этилишини таъминлайдилар, ходимларнинг ўз вазифаларини бажаришлари ҳамда иш юритиш тартибли бўлиши учун жавоб берадилар;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари топшириқлари бажарилишини назорат қилиб борадилар;

бўлим ходимларининг малакасини ошириш чораларини кўрадилар;

Сенат Девонининг тегишли бўлимида тайёрланган маса-

лалар хусусида Сенат Девонининг раҳбарига ахборот берадилар;

Сенат Кенгашининг, заруриятга қараб Сенат қўмиталарининг (комиссияларининг) мажлисларида иштирок этадилар;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони раҳбари ҳузурида ўтказиладиган йиғилишларда Сенат Девонининг тегишли бўлими номидан иш кўрадилар;

Бўлимнинг ўз ваколати доирасига тааллуқли масалалар бўйича Сенат аъзолари, Сенат қўмиталари (комиссиялари), Сенат Девони таркибий бўлинмалари билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қонунчилик палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Девонлари тегишли бўлимлари, давлат ҳокимиятининг бошқа органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашини ташкил қиладилар;

Бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларга нисбатан рағбатлантириш ҳамда интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида Сенат Девони раҳбарига таклифлар тақдим этадилар.

**21. Бўлим мудирларининг ўринбосарлари** Сенат Девони тегишли бўлимлари раҳбарлари йўқлигида уларнинг вазифаларини бажарадилар, шунингдек, ўзларига топширилган иш жабҳасига раҳбарлик қиладилар.

**22. Матбуот котиби, Сенат Девонининг катта референтлари, референтлари ва бошқа масъул ходимлари:**

хизмат вазифалари ва мансаб йўриқномаларига мувофиқ тегишли жабҳада топширилган иш вақтида, сифатли бажарилишини ва ташкил этилишини таъминлайдилар, бу йўналишдаги ишлар учун шахсан масъул бўладилар;

тегишинча Сенат раҳбарияти, Сенат Девони раҳбари, бўлим мудирлари ва мудир ўринбосарлари томонидан берилган вазифа ҳамда топшириқларни бажарадилар.

**23. Сенат Девонининг техник ходимлари:**

зиммаларига юклатилган хизмат вазифаларини, Сенат Девони раҳбари, бўлим мудирлари ва мудир ўринбосарлари томонидан берилган топшириқларни бажарадилар;

ўз ишларига тааллуқли масалалар юзасидан ўтказиладиган хизмат йиғилишларида иштирок этадилар;

ўз ишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан, зарурат бўлганда, Сенат Девони, бўлим раҳбариятига таклифлар киритадилар.

24. Сенат Девони ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари Сенатнинг ваколати муддатига боғлиқ бўлмайди.

Булар ҳаммаси, албатта, стратегик йўсиндаги ваколатлардир. Аниқ вазифалар ва кундалик топшириқлар ижроларини таъминлаш, ишни режалаштириш, белгиланган ишларнинг бажарилишини таҳлил қилиш, кадрлар масаласи ва давлат хизматини бошқариш Девоннинг тегишли бўлимлари раҳбарлари зиммасида ҳисобланади.

Девон таркибидаги бўгинлар — тармоқлар, хусусан, бўлимларнинг ишчанлиги мажмуийлик, мутаносиблик, оптималлик, меҳнат тақсимотининг уйғунлиги, хизмат муносабатларининг партиявийсизлиги, етарлича самарадорлик каби илмий принципларга асосланади. Ушбу асосий принциплар тизимида мажмуийлик тамойили барча вазифалар ижросини назорат қилиб, Сенат фаолияти билан боғлиқ вазифалар ҳамда технологияларнинг муштарак уйғунлигини, яъни ишда тартиб-интизомни, аҳилликни таъминлайди.

Ваколатнинг, барча тармоқлар таркиби ва турли лавозимдаги ходимлар (Олий Мажлис Сенати Девони бўлимлари мудирлари, катта референтлар, референтлар) сонининг Сенат вазифалари, фаолият йўналишлари ҳамда иш кўламига мос келиши, яъни оптималлиги таъминланилади.

Меҳнат тақсимоти ва кооперациясининг уйғунлигида Сенат Девони ходимининг хизмат бурчи унинг малакавий тайёргарлигига, тегишли бўгин — тизимнинг вазифаларига мос келади, бошқа ходимларнинг бурчлари билан тўлдирилиб турилади.

Ишда етарлича самарадорликка эришиш принципи бевожута Сенатнинг қонунчилик ва вакиллик фаолиятининг сўнгги сифат натижасини таъминлашга сафарбардир.

Шуни таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Сенати Девони бажараётган ишлари моҳиятан яхлит, муштарак бўлса-да, ўз

мақоми ва вазифаси жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ узвий икки қисмдан иборатдир. Биринчиси — бутун Сенат — юқори палата ишига бевосита сафарбар Девон (қотибият, бошқа хизмат турлари) ва иккинчиси — Сенат қўмиталари ҳамда комиссиялари эҳтиёжларини, талабларини қондиришга хизмат қилувчи Девон (бўлимлар). Бўлимлар ва уларнинг ходимлари, асосан, эксперт-ҳуқуқий, ташкилий-техникавий, ахборот-таҳлилий вазифаларни адо этишади.

**Сенат қўмиталари Девонлари** (улар доимий ишлайдиган) 6 та қўмита раислари ва 6 та қўмита котибларидан иборат. Улардан ташқари, юқорида қайд этилганидек, ҳар бир қўмитада биттадан раис ўринбосарлари ва аъзолар-сенаторлар мавжуд. Улар қўмиталардан доимий ишлашмайди, лекин қонунчилик жараёнини таъминлашга ўз улушларини, албатта, қўшишади.

Қайд этилган функционал фарқ Олий Мажлис Сенати Девонининг яхлитлиги ва бирлигига путур етказмайди. Бундай тажриба аслида маърифий дунёнинг барча ривожланган давлатлари парламентларида асрий синовлардан ўтиб, ўзини тўла оқлаган.

Ҳозирги замон сенатчилиги тарихида мавжуд яна бир тажриба шундаки, парламент сайловлари ва ваколатни янгидан сайланган ҳамда тайинланган Сенат аъзоларига бериш даврида Сенат Девони ходимлари юқори палата ишининг узлуксизлиги — давомийлигини, парламент фаолияти шакллари, усул ва натижаларидаги ворисийликни таъминлашдек ўта масъулиятли вазифани ҳам бажаради. Албатта, Олий Мажлис Сенатида бундай тажриба ҳали йўқ. Лекин келажакда, албатта, бўлади. Сенат Девонини тузганда ва уни етук малакали мутахассислар билан таъминлашда ҳам, албатта, дунё парламентида мавжуд юқоридаги амалий тажриба ҳисобга олинди.

Олий Мажлис Сенати Регламенти мундарижасида аксини топган вазифалар Олий Мажлис юқори палатаси — Сенат Девони фаолиятининг мазмунини белгилаб, Сенат аъзоларининг, Девон ходимларининг мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда бевосита ҳамда билвосита фаол иш-

тирок этишларини таъминлайди. Албатта, вазифа, деган тунча қотиб қолган мутлақ нарса эмас, балки нисбий, энг муҳими, ҳамиша бойиб, такомиллашиб борадиган яхлит уйгун тизимдир. Шу нуқтаи назардан Олий Мажлис Сенати ҳам, унинг ваколатлари, вазифалари кўлами ҳам, Девои фаолияти ҳам узлуксиз такомиллашиб бораверади. Демак, “Сенат, асосан, маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакиллари-дан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш”<sup>1</sup>дек мақсад амалга ошади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — 38-бет.

## Х О Т И М А

Ўзбекистон янги ҳаётни эскича ақидалар, эскича қонун-қоидалар, эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмаслигини, демократик ҳуқуқий дунёвий давлатчилик, аввало, янгича онг, конституциявий-ҳуқуқий мақомни талаб қилишини яхши билади. Зеро, жамият ҳокимият бўлиниши принциплари ва қонун устуворлигига асосланган олий давлат ҳокимиятини ташкил этиш ҳамда фаолият кўрсатишининг махсус демократик тизими бўлмиш миллий парламентаризм (парламент — парламентаризм асосидир) вакиллик демократияси ифодаси сифатида Олий Мажлис, жумладан, юқори палата — Сенатнинг қонун шаклидаги сиёсий қарорларини эркин муҳокама этиш ҳамда қабул қилиш имкониятини яратди.

Ҳокимият тармоқларининг расман мавжудлигидан кўра мураккаброқ, давлат ҳокимияти ташкил этилиши тизимининг серқирра институти бўлмиш миллий парламент ва унинг юқори палатаси жамият манфаатларини ифодалайди. Дарҳақиқат, парламентаризм бу, аввало, давлат ҳокимияти тизимида қонун чиқарувчи органнинг етакчи ролини тан олиш, демакдир. Зотан, бу ҳам ижтимоий қадриятларнинг муайян мезонидир. Бу — ҳуқуқ ва қонуннинг устунлиги тамойили. Бу, ниҳоят, демократизми ва фуқароларнинг юксак сиёсий-ҳуқуқий маданияти билан ажралиб турадиган очиқ фуқаролик жамиятидир. Мазкур сифат ва шароитларнинг муштарак уйғунликда мавжудлигигина мамлакатда ижтимоий адолат ва ҳуқуқ-тартибот муносабатларини тасдиқлаш ҳамда ривожлантириш мақсадига сафарбар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар ва халқ ўртасидаги бирдамлик ҳолати бўлмиш парламентаризмнинг обрў-нуфузини белгилаши муқаррар.

Шу нуқтаи назардан қуйидаги хулоса комил, аниқ хулосадир: парламентаризмсиз демократия бўлмайти, парламен-

таризм эса парламентсиз мавжуд эмас. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат мақомида ушбу ҳақиқатни теран ўзлаштириб олди ва миллий парламентаризмни яхлит тизим сифатида шакллантирди. Бу эса қонун устуворлигига, парламентнинг нисбатан мустақиллигига, ҳокимият тармоқларининг бўлинганлиги ва бир-бирини тийиб туриш асосида ўзаро мувозанатнинг мавжудлигига эришиш, вакиллик мақомини, қонунчилик малакасининг юқори даражада бўлишлигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш имконини бериши аниқ. Айнан шу сабаб миллий парламентаризмни жамият барча ижтимоий қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи ўзига хос ҳуқуқ институти, деб қараш лозим. Уларнинг амалий тўлиқ таъмини миллий парламентаризм ва умуман, парламент демократиясининг Ўзбекистонда мавжудлиги ҳақида комиллик билан гапириш имконини беради.

Демократик парламентаризмнинг классик принциплари ва мезонларига қатъий риоя этилгани ҳолда, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғини ичдан ташкилий-таркибий ислоҳ қилиш заруратга, эҳтиёжга айланди. Эҳтиёж, биринчи галда, такомил ислоҳотларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини яратишдан бошланиши муқаррар эди. Ҳуқуқий давлат мақом жиҳатдан айнан ана шуни талаб қилар эди. Талаб, аввало, қонун чиқарувчи ҳокимият ислоҳи билан қондирилиши шарт эди. Чунки қонун асосида яшаяжак давлат шу қонунларнинг зўрлигидан, демократик мазмун-мундарижаси пишиқ ва пухталигидан манфаатдор.

2002 йил 27 январда ўтган Референдум ва унинг натижаларига бағишланган “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонун қонунчилик соҳаси ислоҳотларининг янги сифат босқичига — икки палатали парламент ташкил этилишига ҳуқуқий асос бўлди. Мақсад жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган ялпи туб демократик янгилишларнинг, давлатни модернизация қилишнинг мукамал юридик тизимини пухта яратишдан иборат. Бу эса қонун чиқарувчи ҳокимиятни қуйи — Қонунчилик палатаси ва юқори палата — Сенат шаклида янгидан тизимий-таркибий ислоҳ

қилишнинг мақсадли конституциявий-ҳуқуқий базасига эҳтиёж туғдирди. Ана шу тариқа “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”-ги, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, конституциявий қонунлар, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Амалда бўлган Асосий Қонунга ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Уларда иккала палатанинг ҳам мақомлари, ваколатлари, вазифалари ва сайлаш-сайланиш тартиблари аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган Сенат институти демократик дунё сенатчилигининг минг йилдан-да ортиқ тарихий тажрибасини ижодий ўрганиш, асрлар оша мавжуд сенатчилик амалиётини миллий хусусиятларимиз билан вобаста этишнинг ўзига хос синтези, деса бўлади. Айнан шу сабаб дастлаб Сенат тарихини ретроспектив ўрганиш ва мухтасар илмий-амалий умумлаштириш лозим эди. Шундай уриниш I бобда қилинди.

Маълумки, Сенат тарихи турли сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, таълимотлар ҳамда уларнинг амалиёти тарихидир. Ғоядан бошланиб, реал воқеаликка айланган Сенатнинг кўп асрлик амалиёти ташкилий-институционал шаклланиш ва такомил босқичларида бевосита дунё сенатчилиги тажрибаси ҳамда замонавий мавжуд сиёсий-ҳуқуқий таълимотларга асосланиши табиий. Мустақил Ўзбекистонда миллий Сенатнинг ташкил этилишида давлатимиз асосчиси, Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг теран шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари яхлит назарий квинтэссенция ҳолида айнан шундай таълимот бўлди.

Сенатчилик борасида миллий тажрибанинг йўқлигига қара-



май Олий Мажлис Сенати ўз фаолиятини бошлади, 6 та қўмита тузилиб, уларнинг 100 сенатордан иборат таркиби институционал шакланди. Беш бўлим, 28 ходимдан иборат Олий Мажлис Сенати Девони ишга фаол киришди. Қўйи палата қўмиталари билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Қонунчилик палатасидан туша бошлаган қонунлар лойиҳалари Сенат қўмиталари синчковлик билан ўрганилиниб, маъқуллана бошлади. Жорий йил ва истиқбол режалари аниқ белгиланиб олинди. Режалар ижроси йўлга қўйилди. Қўмиталар ҳамда девон Низомлари тасдиқланди. Турли тадбирлар, учрашувлар, анжуманлар ўтказила бошланди.

Ана шу тариқа Олий Мажлис Сенати миллий-амалий тажриба тўплай бошлади.

Олий Мажлис Сенати ўз конституциявий-ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва вазифаларини яхши билади. Бу эса қабул қилина бошланган ҳамда қабул қилинажак қонунларнинг сифатида ижодий-амалий тўлиқ ифодасини топишига, жамиятни модернизация ва демократик янада ислоҳ қилишга, демак, Ўзбекистоннинг конституциявий давлатчиликдан конституционализм сари ривожланишига кафолатдир.

## М У Н Д А Р И Ж А

“Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир”. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан).....	3
<i>Муқаддима</i> .....	13
<i>I боб. Сенат: тарихий ретроспекция</i> .....	20
<i>II боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташкил этилиши ва шаклланишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари</i> .....	62
<i>III боб. Ислом Каримовнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти ҳамда икки палатали миллий парламент тизимида Сенатни шакллантириш</i> .....	117
<i>IV боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати</i> .....	139
<i>Хотима</i> .....	234

**МУРОД ШАРИФХЎЖАЕВ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**  
**С Е Н А Т И**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2005

Мухаррирлар *А. Аҳмедов, Р. Ёрлақабов*  
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*  
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*  
Мусахҳиҳлар *Н. Охунжорова, Ж. Тоирова*

Босишга рухсат этилди 10.06.2005. Бичими 60x90  $\frac{1}{16}$ . «Таймс» гарнитураси.  
Офсет босма. Шартли босма табоги 14,0. Нашриёт-ҳисоб табоги 13,5. Адади  
5000 нусха. Буюртма № 1495. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси**  
**700088 Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**

